

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

## **ЮРИСПРУДЕНЦИЯ**

қайта тайёрлаш ва малака ошириш  
йўналиши

**“ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРНИ  
ЎҚИТИШДА НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ”**

модули бўйича

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент - 2017**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар: Тошкент давлат юридик университети “Криминалистика” кафедраси  
мудири, ю.ф.д. Г.Тулаганова;  
“Жиноят ҳуқуқи ва криминалогия” кафедраси мудири,  
ю.ф.д. О.Махкамов.

Такризчи: Тошкент давлат юридик университети “Жиноят ҳуқуқи ва  
криминалогия” кафедраси профессори, ю.ф.д. Р.Зуфаров

***Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат юридик университети Кенгашининг 2017 йил  
30 августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.***

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР</b> .....	4
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ</b> .....	12
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР</b> .....	20
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ</b> .....	116
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ</b> .....	121
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ</b> .....	129
<b>VII. ГЛОССАРИЙ</b> .....	132
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	140

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ушбу дастурда жиноят-ҳуқуқий сиёсат ва унинг асосий йўналишлари, коррупцияга қарши курашишнинг халқаро стандартлари, трансмиллий жиноятчилик, унинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари, хабеас корпус институтини қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатлари муаммолари, жиноят процессида суд назоратини такомиллаштириш масалалари, жиноят процессида суд муҳокамасининг босқичлари, Хорижий мамлакатлар жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги ва Жиноий-ҳуқуқий фанларни ўқитишда казус ва муаммоли саволлар тузиш технологиялари баён этилган.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Жиноий-ҳуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт” модулининг **мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқининг замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, ушбу ҳуқуқ соҳасининг муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Жиноий-ҳуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт” модулининг **вазифалари:**

- жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқининг асосий масалалари

юзасидан чуқур билим олишни таъминлаш;

- жинойт ва жинойт-процессуал ҳуқуқи институтларини танқидий таҳлил этиш ва баҳолаш учун зарурий билимлар асосини таъминлаш;

- мантиқий ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш;

- жинойт ва жинойт-процессуал муносабатларга оид қонунларни амалда қўллаш олиш кўникмасини шакллантириш;

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Жинойт-ҳуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

жинойт-ҳуқуқий фаолият соҳасига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни;

- жинойт-ҳуқуқий фаолият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш, уларни экспертиза қилиш, юридик конфликтларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий усул ва воситаларини;

- ўқув жараёнида назарий тайёргарликни ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлашни;

- адлия, суд, прокуратура, ички ишлар органлари ва адвокатура амалиёти тўғрисидаги маълумотларни;

- суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш ҳақидаги маълумотларни **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

жинойт-ҳуқуқий фаолият соҳасига тегишли фанларнинг сўнгги ютуқларини, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- жинойт-ҳуқуқий фаолият соҳасига тегишли фанларнинг истиқболи ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

- жинойт-ҳуқуқий фаолият соҳасига оид қонунчилик нормаларини, илмий ва амалий тадқиқотларни ўқув жараёнида қўллаш олиш;

- жинойт-ҳуқуқий фаолият соҳасига тегишли фанларни ўқитишда замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига фаол тадбиқ этиш;

- жинойт-ҳуқуқий фаолият соҳасига тегишли фанларга тааллуқли бўлган тадқиқотларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- ҳуқуқий ҳужжатлар (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, процессуал ҳужжатлар, юридик ҳулосалар, хизмат хатлари ва ҳоказо) тайёрлай олиш;

- ҳуқуқий фанларни ўқитишда таълим беришнинг модулли тизимидан кенгроқ фойдаланиш;

- ҳуқуқий фанларга тааллуқли бўлган тадқиқотларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- ҳуқуқий фанларни ўқитишда амалиёт материалларидан кенгрок фойдаланган ҳолда таҳлилий фикрлаш;

- республикамиздаги ва хорижий давлатлардаги ҳуқуқий фанларга тегишли илмий ютуқларни, махсус адабиётларни ва бошқа ахборотларни ўрганиш;

- ҳуқуқ соҳасининг муайян йўналиши бўйича ҳуқуқий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

- юридик матнни мантикий-мазмуний ёритишда тил бирликларининг услубий вазифасини билиш, тиниш белгиларини тўғри қўллаш, юридик ёзма нутқнинг луғавий ва терминологик меъёрларини ёзма нутқда тўғри қўллаш олиш;

- ҳуқуқий соҳага оид масалаларни тизимли таҳлил қилиш;

- ҳуқуқий ахборот тизимларини касбий фаолиятида қўллаш олиш;

- маълумотлардан фойдаланиш, уларни жойлаштириш ва саралаш;

- ҳуқуқий фанлар доирасида тақдимотлар яратиш;

- мустақил ва масофавий таълимни ташкил этишда видео маърузаларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- жинойт-ҳуқуқий фаолият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ўқув адабиётларини таҳлил қила олиш;

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва қонуности ҳужжатлари мазмунини билиш ва уларни амалда қўллаш олиш;

- жинойт-ҳуқуқий фаолият соҳасига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

- жинойт-ҳуқуқий фаолият соҳасига тегишли амалиёт материалларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотлар асосида тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларини процессуал ҳуқуқ нуктаи назаридан таҳлил қила олиш;

- ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моғиятини тўғри тушуниш, тадбиқ этиш ва ўқувчиларга муносиб етказиб бериш;

- жинойт-ҳуқуқий фаолият соҳасига оид хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда уларни миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлил қила олиш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- жинойт ҳуқуқи ва процесси, шунингдек юридик таълимнинг бошқа устувор соҳалари бўйича талабаларни фундаментал, шунингдек амалий касбий тайёргарлигини таъминлаш;

- ўқув жараёнини назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини, талабаларда таҳлилий фикрлашни шакллантиришни, янги билимларни мустақил эгаллаш ва қўллашни

таъминлайдиган ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, педагогик, ахборот-коммуникациявий, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;

- суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, бозор ислохотларини чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг долзарб ҳуқуқий муаммолари бўйича халқаро тажрибани ўрганиш;

- ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этиш;

- махсус фанларини ўқитишда казус ва муаммоли саволлар тузиш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

- талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Жиноий-ҳуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тугилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Жиноий-ҳуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт” модули “Давлат-ҳуқуқий ва халқаро-ҳуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт”, “Фуқаролик-ҳуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт”, “Юриспруденцияда ёзма нутқ кўникмалари”, “Юриспруденцияда тизимли таҳлил” каби бир қатор ҳуқуқий йўналишдаги фанлар билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда технологик ёндашув асосларини ва бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйичасоатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Умумий ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			Жами	жумладан			
				Назай	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Жиноят-ҳуқуқий сиёсат ва унинг асосий йўналишлари	2		2			
2.	Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро стандартлари	2			2		
3.	Трансмиллий жиноятчилик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари	2		2			
4.	Хабеас корпус институтини қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатлари	4		2	2		
5.	Жиноят процессида суд назоратини такомиллаштириш масалалари	4		2		2	
6.	Жиноят процессида суд муҳокамасининг босқичлари	4			2	2	
7.	Хорижий мамлакатлар жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги.	4		2	2		2
8.	Жиноий-ҳуқуқий фанларни ўқитишда казус ва муаммоли саволлар тузиш технологиялари.	4		2	2		
	<b>Жами</b>	<b>28</b>	<b>26</b>	<b>12</b>	<b>10</b>	<b>4</b>	<b>2</b>



## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Жиноят-ҳуқуқий сиёсат ва унинг асосий йўналишлари.**

Жиноят-ҳуқуқий сиёсат тушунчаси ва уни амалга ошириш методлари. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар босқичлари. Жиноят-ҳуқуқий сиёсатни такомиллаштириш истиқболлари.

### **2-мавзу: Трансмиллий жиноятчилик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари.**

Трансмиллий жиноятчиликнинг тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Терроризм, одам савдоси, гиёҳванд воситалари ноқонуний муомаласи билан боғлиқ трансмиллий жиноятларнинг умумий тавсифи. Компьютер жиноятчилиги ва қийноққа солиш жиноятчилигининг умумий тавсифи

### **3-мавзу: Хабеас корпус институтини қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатлари.**

“Миранда қоидаси”нинг мазмун-моҳияти. “Хабеас корпус” институти нормаларининг миллий қонунчиликдаги ифодаси. “Хабеас-корпус” институти қўлланилиши инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ишончли кафолати.

### **4-мавзу: Жиноят процессида суд назоратини такомиллаштириш масалалари.**

Жиноят процессида суд назоратининг ҳуқуқий табиати. Дастлабки терговда суд назоратининг ҳажми ва чегараси. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ва ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, адолатлилиги ва асослилигини текширишда суд назорати

### **5-мавзу: Хорижий мамлакатлар жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги.**

Хорижий мамлакатлар қонунчилигида жиноий жавобгарлик. Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигининг жазо тизими. Хорижий мамлакатлар қонунчилигида жиноят процесси иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигида суд муҳокамаси.

### **6-мавзу: Жиноий-ҳуқуқий фанларни ўқитишда казус ва муаммоли саволлар тузиш технологиялари.**

Казус ва муаммоли саволлар тузиш методологияси. Казусларнинг турлари ва мазмунига қуйилган талаблар. Кейслар банкини шакллантириш манбалари. Электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқа материалларни тузиш технологияси.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро стандартлари**

Коррупция жиноятчилигининг тушунчаси ва келиб чиқиш сабаблари. Коррупция жиноятчилигининг олдини олиш чоралари. Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро стандартлари ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари.

### **2-амалий машғулот: Хабеас корпус институтини қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатлари.**

“Миранда қоидаси”нинг мазмун-моҳияти. “Хабеас корпус” институти нормаларининг миллий қонунчиликдаги ифодаси. “Хабеас-корпус” институти қўлланилиши инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ишончли қафолати.

### **3-амалий машғулот: Жиноят процессида суд муҳокамасининг босқичлари**

Суд муҳокамасининг таркибий қисми сифатида суд мажлисига тайёргарлик кўриш. Суд тергови. Тарафлар музокараси. Судланувчининг охириги сўзи. Ҳукм чиқариш ва эълон қилиш

### **4-амалий машғулот: Хорижий мамлакатлар жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги.**

Хорижий мамлакатлар қонунчилигида жиноий жавобгарлик. Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигининг жазо тизими. Хорижий мамлакатлар қонунчилигида жиноят процесси иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигида суд муҳокамаси.

### **5-амалий машғулот: Жиноий-ҳуқуқий фанларни ўқитишда казус ва муаммоли саволлар тузиш технологиялари.**

Казус ва муаммоли саволлар тузиш методологияси. Казусларнинг турлари ва мазмунига қуйилган талаблар. Кейслар банкини шакллантириш манбалари. Электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқа материалларни тузиш технологияси.

## КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўчма машғулот амалга ошириш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини амалий малакаларини оширишга хизмат қилади.

### ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Ўқитишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

-дидактик ва ролли ўйинлар, давра суҳбатлари (таклиф қилинган шартларга асосан ҳаракат қилиш, биргаликда ишлаш, эшитиш ва мантиқий хулоса қилиш қобилиятини шакллантиради);

-кичик маърузалар ва суҳбатлар (диққатни жамлаш ва ахборотни қабул қилиш қобилиятини шакллантиради);

-баҳс-мунозара (аргумент ва далиллар келтириш қобилиятини шакллантиради);

-кластер, синквейн (ахборот ёки бирон-бир тушунчани қисқа баёнини тузиш кўникмани шакллантиради);

-кичик гуруҳларда ишлаш, бумеранг (материални мантиқан тизимли, муаммоли баён этишни ривожлантиради);

-блиц ўйин, қора қути (аниқ муаммоли вазиятни таҳлил қилиш, камчиликлар сабабини йўл-йўлакай аниқлашга йўналтирилади);

-резюме методи (тингловчиларни бирор мавзунинг ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, фойда ва зарарларини белгилашни ўргатади)

### БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати қуйидаги мезонлар орқали баҳоланади:

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Мантиқий саволлар	2,5	1 балл
2	Казус (кейс таҳлили)		1,5 балл

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Намуна:

Жиноят процессида суд назоратини такомиллаштириш масалалари					
Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси		Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси		Шахсни лавозимидан четлаштириш мажбурлов чораси	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
<b>Хулоса:</b>					

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

<b>S – (strength)</b>	• кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	• тўсиқлар

**Намуна:** Дастлабки тергов устидан суд назоратини амалга оширишнинг таҳлилни ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Дастлабки тергов устидан суд назоратининг кучли томонлари	Дастлабки терговга холислик, тортишувчанлик, судга мурожаат қилиш эркинлиги каби принциплар
<b>W</b>	Дастлабки тергов устидан суд назоратининг кучсиз томонлари	Суд назоратининг доимий эмаслиги, яъни барча мажбурлов чораларини қамраб олмаслиги
<b>O</b>	Дастлабки тергов устидан суд назоратининг имкониятлари (ички)	Суднинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	Суд фаолиятига турли таъсирлар

## “Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” - англизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ходиса, “study” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топширишни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш</li> </ul>

**Кейс.** Жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ тумани судида жиноят содир қилган лейтенант С.га нисбатан жиноят иши кўриб чиқилди. Лейтенант С. ЎзР ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилди ва унга нисбатан ҳукм ўқилди.

### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Суд томонидан аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар кетма-кетлигини аниқланг (жуфтликлардаги иш).

### “ФСМУ” методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

## Намуна.

**Фикр:** Эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товланининг олдини олиш мақсадида қўлланилади”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



### Тест

- 1. Шахсни уй қамоғида сақлаб туришнинг энг узок муддати қанча?
- А. 1 йил
- В. 9 ой
- С. 1,5 йил
- D. 8 ой



### Қиёсий таҳлил

- Шахсни қамоқда сақлаш муддатларини таҳлил қилинг?



### Тушунча таҳлили

- Суд назорати тушунчасини изоҳланг.





## “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Пенализация	Жиноят деб топилган қилмишлар учун давлат томонидан нисбатан қаттиқроқ жазоларни белгилаш; жиноий жазоларнинг турлари ва миқдорларини аниқлаш	
Патернализм	Шахслар ҳаётининг яхшироқ бўлишини таъминлаш ёки уларни турли шикастлардан ҳимоя қилиш мақсадида шахсларнинг ҳаракатларига, уларнинг хоҳишига қарши, давлатнинг ёки бошқа шахснинг аралашуви.	
Легаллаштириш	Ҳозирда ноқонуний бўлган нарсага қарши қонуний тақиқни олиб ташлаш жараёни	
Коррупция	Бу шахсий фойда олиш мақсадида маълум мансаб ишониб топширилган одам томонидан амалга ошириладиган виждонсизлик кўриниши	
Мансабдор шахслар	Ҳукумат ёки ташкилотда маълум мансабга эга ва юқори лавозимда иштирок этувчи шахс	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### **Венн Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

### **Намуна:**



### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини

шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги “якка баҳо” колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини “гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни “тўғри жавоб” бўлимига ёзиш сўралади.

4. “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлардан “якка баҳо” бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса “0”, мос келса “1” балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг “якка хато” бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда “тўғри жавоб” ва “гуруҳ баҳоси” ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар “гуруҳ хатоси” бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

### **Суд муҳокамаси босқичлари кетма-кетлигини жойлаштиринг.**

#### **Ўзингизни текшириб кўринг!**

<b>Ҳаракатлар мазмуни</b>	<b>Якка баҳо</b>	<b>Якка хато</b>	<b>Тўғри жавоб</b>	<b>Гуруҳ баҳоси</b>	<b>Гуруҳ хатоси</b>
Суд муҳокамасининг тайёрлов қисми					
Суд тергови					
Тарафлар музокараси					
Судланувчининг охирги сўзи					
Ҳукм чиқариш ва эълон қилиш					

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: Жиноят-ҳуқуқий сиёсат ва унинг асосий йўналишлари.

##### РЕЖА:

1.1. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат тушунчаси ва уни амалга ошириш методлари.

1.2. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар босқичлари.

1.3. Жиноят-ҳуқуқий сиёсатни такомиллаштириш истиқболлари.

#### 1.1. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат тушунчаси ва уни амалга ошириш методлари.

Мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари давлатимиз жиноят-ҳуқуқий сиёсатини тубдан ўзгартириб юборди: уни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари билан мувофиқлаштирди; инсонпарварлик, одиллик ва инсон ҳуқуқларини олий қадрият сифатида эътироф этувчи умумбашарий ғояларни сингдирди; қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлади; жиноят қонунини сезиларли даражада либераллаштирди. Табиийки, ушбу ислоҳотлар самараси ўлароқ амалдаги Жиноят қонуни бир қатор янги моддалар билан бойиди ва айни дамда замон талабига жавоб бера олмайдиган айрим моддалар бекор қилинди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда жиноят қонунини либераллаштириш йўлидан бораётганлигидан далолат беради.

Кези келганда, таъкидлаш жоизки, сўнгги вақтларда даврий нашрларда ва илмий изланишларда жиноят-ҳуқуқий сиёсат тушунчасига бағишланган айрим фикр ва мулоҳазаларни учратишимиз мумкин. Айни дамда, таассуфки, ушбу тушунчанинг мухтасар таърифи, тизими, йўналишлари, принциплари тўғрисида тугал фикрнинг берилмаганлиги мазкур муаммога ойдинлик киритиб ўтишни тақозо этади.

**Авваламбор, жиноят-ҳуқуқий сиёсат – давлат сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади. Умуман сиёсат ички ва ташқиға, ўз навбатида ички сиёсат иқтисодий ва ижтимоийға бўлинади. Ижтимоий сиёсат ўз таркибига жиноят-ҳуқуқий сиёсатни ҳам қамраб олади. Шу маънода жиноят-ҳуқуқий сиёсат тушунчаси умумий сиёсат мазмунидан келиб чиқади<sup>1</sup>.**

Сиёсат – кўп қиррали, кўп тарафлама ва кўп ўлчамли ҳодиса бўлиб, турли жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда таърифланади. Уни бир тушунча

<sup>1</sup> The Criminal Law. Handbook. Fifth edition. Paul Bergman and Sara J. Berman-Barrett. Consolidated Printers, Inc. USA, 2003. – P 216.

билан таърифлашнинг имкони йўқлиги сиёсатчи ва ҳуқуқшунослар томонидан сўзсиз тан олинган. Шу нуқтаи назардан сиёсатни ҳокимият муносабатлари, давлат ва унинг тузилиши, сиёсий институтлар, уларнинг амал қилиш принциплари билан боғлиқ инсонлар фаолиятининг алоҳида соҳаси ҳамда ҳокимият, бошқарув ва бўйсунув субъектлари ўзаро муносабати ва иштироки шакли сифатида таърифлаш мумкин.

Жиноят-ҳуқуқий сиёсат – қонунда мустаҳкамланган, ижтимоий-сиёсий ислохотлар моҳиятига мос бўлган, жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларни жинойи тажовузлардан муҳофаза қилишга қаратилган фаолият. Шунинг билан бирга, жиноят-ҳуқуқий сиёсат – жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини ифодалайди.

Жиноят-ҳуқуқий сиёсат бир томондан, муайян даражада жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни ифодаласа, бошқа томондан ўзи ҳам кўп қиррали ижтимоий ҳодиса сифатида ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш жараёнларига ҳар томонлама таъсир кўрсатади.

Жиноят-ҳуқуқий сиёсат ўз принципи, объекти, йўналиши, субъектлари, шаклланиш ва амалга ошириш тартибига эга. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат принциплари умумий ҳолатда жиноят ҳуқуқи принциплари билан ҳамоҳанг. Улар сирасига қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари киради (ЖК 2-моддаси).

Жиноят-ҳуқуқий сиёсат объектларига жиноятчиликни оғоҳлантиришнинг махсус чоралари, жиноятга қарши кураш органларини ташкил этиш, жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилиги, жиноятчиликка қарши курашга оид қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқалар киради.

Мамлакатимизда жиноят-ҳуқуқий сиёсат йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин: жиноятчиликка қарши кураш тизимини, шу жумладан жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини ҳамда уни қўллаш амалиётини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини демократлаштириш; жиноятчиликка қарши кураш қонунчилиги ва органлари фаолиятини инсонпарварлаштириш; жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал нормаларни қўллашда барча фуқаролар учун ижтимоий адолатни таъминлаш; жиноят қонунини либераллаштириш; жиноятчиликка қарши кураш органлари фаолиятида ошкораликни таъминлаш; жиноятчиликни оғоҳлантириш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга йўналтирилиши; жинойи жазони жиноятчиликка қарши кураш воситаси сифатида тан олиниши ҳамда қонунга қатъиян амал қилган ҳолда қўлланилиши; жиноятчиликка қарши курашда фан-техниканинг илғор ютуқларидан фойдаланишни кенгайтириш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш

органлари фаолиятини улар ваколатларига қатъий риоя этган ҳолда мувофиқлаштирилиши; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари касбий малакаси ва шахсий фазилатларини мунтазам ошириб борилиши ва б.қ.

Жиноят ҳуқуқи фанида жиноят қонунидан фойдаланиб, жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги давлат сиёсатини ифодалашда: жиноят-ҳуқуқий сиёсат, жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсат каби атамалардан фойдаланилади.

Айрим олимлар жиноят-ҳуқуқий сиёсат ўз ичига жиноят-процессуал ёки жиноят ижроия ҳуқуқи соҳасидаги сиёсатни олмаслигини таъкидлайдилар.

Бизнингча, давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсати деганда, жиноятчиликка қарши, шунингдек, жиноятчиликнинг ўта хавfli турларини камайтириш, унинг салбий таъсирини сусайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти ва қонунлар ҳамда бошқа норматив актларининг амалда қўллаш самарадорлигини оширишга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар йиғиндисини тушуниш лозим. Жиноят-ҳуқуқий, жиноят процессуал, жиноят ижроия ва криминология соҳасидаги сиёсат ушбу сиёсатнинг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Олий суд адолатли суд жараёни бўлиши учун айбдорнинг ҳуқуқларини сусайтиришни таъқиқланган маълумотдан хабар беришни ўтказди.<sup>2</sup>

Жиноят ҳуқуқий сиёсат давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг алоҳида қисми бўлиб, у баъзи олимларнинг фикридан фарқли ўлароқ ўз ичига жиноят-процессуал, жиноий жазони ижро қилиш соҳасидаги сиёсатини олмайди.

Жиноят ҳуқуқий сиёсат асосида жиноят ижроия, жиноят процессуал ва криминология соҳасидаги сиёсатнинг стратегия ва тактикаси шакллантирилади, жиноят ҳуқуқий сиёсатнинг устувор эканлиги, унинг доирасида ҳар бир давлат учун ниҳоятда муҳим бўлган жиноий жавобгарлик асослари ва принципларини белгилаш, жиноий қилмишлар доираси ва жазо турлари ва бошқа жиноят-ҳуқуқий хусусиятдаги чораларини белгилаш билан боғлиқ муаммолар ҳал қилинади.

Жиноят - ҳуқуқий сиёсат давлат ички сиёсатининг алоҳида қисми бўлиб, у демократик ижтимоий тузумни жиноий тажовузулардан муҳофаза қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноятчиликнинг ижтимоий жараёнларга салбий таъсирини камайтириш мақсадида ушбу ижтимоий салбий ҳодисага жиноят-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш ғояларини ишлаб чиқиш ва асосий қоидаларини шакллантириш, уларнинг шакл ва услубларини яратишда ифодаланади.

Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, жиноят-ҳуқуқий сиёсат жиноий жазога лойиқ қилмишлар ва улар учун тайинланадиган жазо доирасини аниқлаш, шахс, жамият ва давлат манфаатларини жиноий тажовузулардан

<sup>2</sup> Advanced Criminal Procedure in a Nutshell second edition. Mark E. Cammack, Norman M. Garland, 2006 Thomson/West. – P 384.

махсус усуллар воситасида муҳофаза қилишдан иборатдир. Ушбу сиёсатнинг мазмуни:

- жиноятчиликка жиноят-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш принципларини аниқлаш.

- муайян мезонлар асосида жиноий жазога лойиқ қилмишлар доирасини белгилаш; ушбу мезонларга таяъниб, айрим қилмишларни жиноятлар доирасидан чиқариш;

- жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий чораларни тайинлашнинг умумий асослари уларни қўллаш ва жазодан озод қилиш шартларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Олимларнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсатни амалга ошириш методларига: криминализация, декриминализация, пенализация, депенализация, жиноий жавобгарликни дифференциация ва индивидуализация қилиш кириши ҳақидаги фикрларига қўшиламыз.**

**Декриминализация** жиноят ҳуқуқий сиёсатнинг усули (методи) сифатида илгари жиноят ҳисобланиб, жазога лойиқ бўлган қилмиш учун жавобгарликнинг бекор қилинишини билдиради.

Декриминализация ҳақида гап борар экан, амалиётда асосан содир этган шахснинг ўзидан бошқага зарар етказмайдиган (мунозарали) хатти-ҳаракатлар ҳақида фикр юритилади. Бундай хатти-ҳаракатлар “қурбонсиз жиноятлар” ёки “шахсий жиноятлар” деб аталади (уларнинг баъзиларида хатти-ҳаракат ижрочисининг ўзига ҳам зарар етмайди). XX аср Буюк Британияда бу борадаги асосий мавзулар ўз жонига суиқасд қилиш, аборт ва эркаклар орасидаги гомосексуализм (бесоқолбозлик) бўлган<sup>3</sup>.

**Декриминализациянинг тўлиқ декриминализация ва қисман декриминализация каби турлари бор.**

➤ **Пенализация** жиноят деб топилган қилмишлар учун давлат томонидан нисбатан қаттиқроқ чора (жазолар)ни белгилаш, жиноий жазолар мақсадини шакллантириш; унинг турлари ва миқдорларини аниқлаш; ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга таъсир кўрсатишнинг зарур ва етарли бўлган бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ишлаб чиқиш принциплари ва мезонларини назарда тутати.

➤ **Депенализация** жиноий қилмишлар учун назарда тутилган жазо тизимидан баъзи жазоларнинг самарадорлиги бўлмаганлиги сабабли чиқарилишини билдиради. ЎзССР 1959 йилги ЖКдан жамоат иззаси, сургун ва бадарға жазоларидан воз кечилганлиги, яъни ушбу жазо чораларининг 1994 йилги ЎзРЖКга киритилмаганлигини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Жиноят ҳуқуқий сиёсатнинг яна бир методи (усули) **жиноий жавобгарликни дифференциация ва индивидуализация қилиш** бўлиб жиноий жавобгарликка жалб қилиш учун жиноятлар квалификация қилиш ва

Криминализация деганда, у ёки бу ижтимоий қилмишни жиноят, деб ҳисоблаб, ЖК да ушбу қилмиш учун жиноий жавобгарликнинг белгилашни тушунилади.

<sup>3</sup> Scots Criminal law, 2009. Pamela R Ferguson and Claire McDiarmid, ISBN 9781845860394, Dundee University Press, p 37. – P 226

жазо тайинлашда шахс содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти, содир этилган вазияти, шарт-шароити ва айбдорнинг айрим шахсий тавсифларининг максимал даражада ҳисобга олинишидир<sup>4</sup>.

Бизнингча, дифференциация қилишни жиноий жавобгарликка нисбатан, индивидуализация қилиш атамасини жиноий жазога нисбатан қўллаш тўғрироқдир, чунки жиноий жазо содир этилган жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражаси ва айбдорнинг шахсига оид хусусиятлар (вояга) етмаганлиги, аёл эканлиги, 60 ёшдан ошганлиги, мансабдор шахс эканлиги ва ҳ.к.) эътиборга олиниб, ҳар бир шахс учун алоҳида тайинланади.

Жиноят ҳуқуқий сиёсат давлат алоҳида йўналиши ва ички сиёсатининг бир қисми сифатида турли шаклларда амалга оширилиб, ҳуқуқий давлатда сиёсатни амалга оширишининг ҳуқуқий бўлиши табиийдир. Ушбу сиёсат ҳуқуқ ижодкорлиги ва қонунни қўллаш фаолияти шаклида амалга оширилади.

Жиноят-ҳуқуқий сиёсатни амалга ошириш шакли сифатида ҳуқуқ ижодкорлигининг ўзига хос хусусияти жиноят-ҳуқуқий сиёсатни шакллантирувчи компонентлар ва уни амалда татбиқ этиш компонентларининг мос келиши (мутаносиблиги)да намоён бўлади. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида юқорида санаб ўтилган жиноят- ҳуқуқий сиёсатнинг барча усули (метод) ларидан фойдаланилади.

Қонунни қўллаш амалиёти ҳуқуқ ижодкорлигига нисбатан маълум даражада кейинроқ келиб иккинчи даражали хусусиятга эгадир. Чунки, қонунни қўллаш фаолияти давлат номидан вакиллик органлари томонидан амалга оширилади. Ушбу давлат органларига жиноят ҳуқуқий сиёсатни шакллантирмайдилар, балки уни амалга оширадилар.

Қонунни қўллаш амалиётида фақат жавобгарликни дифференциация қилиш ва жазони индивидуаллаштириш методидан фойдаланилади. Қонунни қўллаш даражасидаги жиноят ҳуқуқий сиёсатнинг натижаси (оқибати) сифатида ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишига бир киши ўз шахсининг дахлсизлиги тўғрисида давлат қайғураётганлигига амин бўлиши; унинг шаъни, кадр-қиммати, обрўси ҳурмат қилиниши; жиноят содир этишда айбдор бўлганларга жазонинг муқаррар эканлиги ва айбсиз ҳеч кимсанинг жиноий жавобгарликка тортилмаслигига қатъий ишончда намоён бўлади.

Бугунги кунда жиноий жавобгарликни дифференциация қилиш миллий жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири сифатида тан олинган. Бироқ, ушбу принципни Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи ислохотлари кўламида тўла қамраб олиш учун жиноят қонунида жавобгарликни дифференциация қилишнинг барқарор тизимини жорий этишда унинг усул ва воситаларига оид назарий замин ишлаб чиқиши талаб этилади.

Таассуфки, ушбу масалалар 1959 йилги ЎзССР ЖКда ўз ифодасини

<sup>4</sup> Scots Criminal law, 2009. Pamela R Ferguson and Claire McDiarmid, ISBN 9781845860394, Dundee University Press. – P 227.



топмаган эди. Гарчанд, 1994 йилги ЎзР ЖКда ҳам жиноят ҳуқуқининг муҳим қоидаларидан бири сифатида бевосита кўзда тутилмаган бўлсада, Жиноят қонуни Махсус қисми алоҳида моддаларида ўз аксини топган, деб эътироф этишимиз мумкин.

Юқорида билдирилган фикрларни инобатга олиб, жавобгарликни дифференциация қилиш жиноят ҳуқуқининг муҳим тамойилларидан бўлиб, унинг асосида жиноятнинг ва айбдор шахснинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси ётади, у жазони индивидуаллаштириш учун асос яратади ҳамда суд ҳар бир аниқ жиноят ишини кўриб чиқиш жараёнида уни қўллайди. Жазони индивидуаллаштиришда эса, жиноят ва айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси асосий ўрин тутаяди. Жиноий жавобгарликнинг дифференциация қилиш жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бўлиб, у содир этилган аниқ бир жиноят учун жазони индивидуаллаштириш самарадорлигини оширади. Бундан ташқари, у жиноятнинг умумий ва индивидуал олдини олишда муҳим аҳамият касб этади<sup>6</sup>.

Жиноят-ҳуқуқий сиёсат субъектлари масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар сирасига фақатгина давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органларини киритиш мумкин, зотан айнан ушбу органлар жиноят-ҳуқуқий сиёсатни шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Бошқа органлар эса, жиноят-ҳуқуқий сиёсатни амалга ошириш, яъни уни ҳаётга татбиқ этиш субъектлари бўлиши мумкин холос.

Жиноят-ҳуқуқий сиёсатни шакллантириш – бир қатор асосларга таянадиган жараён бўлиб, бундай асослар жумласига қуйидагилар мансуб: жиноят-ҳуқуқий сиёсат принциплари; жамият ривожланишининг объектив қонуниятлари; жиноятчиликка қарши кураш давлат чоралари; жиноятчиликка қарши курашда давлат мажбурлови; жиноятчиликка қарши курашнинг мавжуд воситалари.

Бугунги кунда жиноят-ҳуқуқий сиёсатни амалга оширишда либерализм, яъни жиноий жазоларни либераллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Либерализм ва унинг жиноят-ҳуқуқий сиёсатни олиб борилишдаги ўрни ҳақида олимлар турли фикрлар билдириб ўтган.

Уилл Киймлика (Will Kymlicka) шундай ёзади: “Либерализмнинг асосий хусусияти ҳар бир индивидуал шахсга маълум фундаментал эркинликларнинг берилиши билан ифодаланади. Хусусан, у одамларга ўз ҳаётини қандай олиб боришни белгилаш борасида жуда кенг бўлган танлов эркинлигини беради. Бу инсонларга ўзлари яхши деб билган ҳаёт тарзи концепциясини танлашга, кейинчалик танлов борасидаги ўз қарорларини қайта кўриб чиқишга ҳамда янги ва янада мукамалроқ ҳаётнинг режасини ишлаб чиқишга имкон беради”<sup>7</sup>.

<sup>5</sup> Scots Criminal law, 2009. Pamela R Ferguson and Claire McDiarmid, ISBN 9781845860394, Dundee University Press, p 5. – P 231.

<sup>6</sup> Базарбаева Г. Дифференциация ответственности в уголовном праве // Ҳуқуқ – Право – Law. 2005.

<sup>7</sup> W Kymlicka, Multicultural Citizenship: A Liberal Theory of Minority Rights (1995), - P 80.

XIX асрдаги либерализмнинг энг машхур тарафдорларидан бири файласуф Жон Стюарт Милл, инсоннинг шахсан ўзига ўз ҳаёт тарзини қандай қилиб кўнгилдагидек олиб боришни белгилаш имконини беришни тарғиб қилувчи соҳа - “шахсий (индивидуал) эркинлик” давлат томонидан тан олинishi керак, деган ғояни илгари суради. Жумладан, у шундай ёзади: “Ҳеч бир шахс ёки шахсларнинг ҳеч бир гуруҳи бошқа бир шахсга, етуклик даврида, ўз ҳаёти билан боғлиқ масалада қилган танлови тўғрисида фикр билдира туриб, бу танловни амалга оширмаслик у учун фойдалироқ (манфаатлироқ) бўлишини айтар экан, айнан шундай бўлишига кафолат бера олмайди. Чунки, шахснинг фаровонлигидан энг манфаатдор бўлган киши ўша шахснинг ўзидир”<sup>8</sup>.

Баъзи фарқларга қарамасдан, либералларнинг барчаси шахснинг индивидуал эркинлиги максимал даражада таъминланиши кераклиги ҳақидаги фикрни илгари суради. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, либерализм фуқаролар ҳаёт тарзининг олиб борилишида давлатнинг роли минимал даражада бўлиши кераклигини тарғиб қилиб келган.

Памела Фергюссон ва Клер МакДиармид фикрига кўра, давлат фикр ва сўз эркинлигини чеклашга уринмаслиги лозим ҳамда баъзи ҳаракатлар эркинлиги фақат ўта зарур ҳоллардагина чекланиши керак. Шунингдек, либерализм давлатнинг родини, асосан, нейтрал тарзда ифода этади; унга кўра, давлат инсонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши зарур, бироқ инсонларга ўз ҳаётини муносиб ўтказишни назарда тутувчи бирорта ҳаракат тарзини мажбуран юклагмаслиги лозим<sup>9</sup>.

Либерализмнинг жинойт-ҳуқуқий сиёсатдаги ўрни жинойй жазоларни либераллаштириш, яъни маълум жинойтларга белгиланган жинойй жазоларни енгиллаштиришда намоён бўлади. Либералларнинг деярли барчаси ҳукумат томонидан берилган енгилликларни қадрлайдилар, бироқ баъзи либераллар бу борада анча индивидуалистик қарашларни илгари суради. Жумладан, Роберт Нозик патернализм<sup>10</sup>нинг ҳар қандай кўринишини инкор этади. У ҳар бир индивидуал шахс ўз танаси ва ундан ўзи хоҳлагандек фойдаланиш борасида мутлақ ҳуқуққа эга, деб таъкидлайди. Бу билан бир қанча давлатларда кишиларнинг баъзи шахсий ҳаракатларини чеклайдиган тақиқларни (масалан, бесоқолбозлик, фоҳишаллик ва фоҳишабозлик, порнография ва ҳк.лар) бутунлай нотўғри эканлигига урғу беради.

Лекин, Роберт Нозикнинг фикрлари анча мунозарали бўлиб, жинойй жазоларни либераллаштиришда фақатгина инсоннинг шахсий хоҳишлари эмас, жамиятдаги ахлоқ қоидалари ва турли одат нормалари ҳам ҳисобга олинishi керак деб ўйлаймиз.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ҳам жинойй жавобгарлик ва жинойй жазолар либераллаштириш борасида кенг кўламли

<sup>8</sup> Scots Criminal law, 2009. Pamela R Ferguson and Claire McDiarmid, ISBN 9781845860394, Dundee University Press, - P 6.

<sup>9</sup> Scots Criminal law, 2009. Pamela R Ferguson and Claire McDiarmid, ISBN 9781845860394, Dundee University Press, - P 7.

ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2001 йилда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан ЖК 65 та моддасига ўзгартириш ва кўшимчалар киритилди. Жумладан, (ЖК 15-м)-жиноятлар таснифи ўзгартирилиб, қатор қилмишлар ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўтказилди, 110 турдаги унча оғир бўлмаган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Ҳозирда ЖК да назарда тутилган 490 та жиноят таркибининг 45,7% ижтимоий хавфи катта бўлмаган, 23,9% унча оғир бўлмаган, 19,4% оғир ва 11% ўта оғир жиноятлар тоифасига киритилди.

## 1.2. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар босқичлари.

Маълумки, давлатнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсати бир қатор йўналишларни ўз ичига қамраб олган. Жумладан, криминализация, декриминализация, пенализация, депенализация, жавобгарликни дифференциация қилиш ва жазони индивидуаллаштириш.

1995 йил 1 апрелда қонуний кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 2015 йил 1 октябрга қадар 300 дан ортиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш юзасидан 56 та қонун қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек, жиноят-ҳуқуқий соҳани либераллаштиришнинг бош мақсади - инсон омили бўлиб, давлатнинг жиноятчиликка қарши курашдаги одил сиёсати орқали адолат ҳамда қонун устуворлигини таъминлашдан иборат<sup>11</sup>.

Илгари сурилган ушбу инсонпарвар ғоя, ўз навбатида, жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштиришга хизмат қилиб, жиноят ва жазонинг белгиларини ўзида акс эттирган нормаларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва уларни такомиллаштиришни тақозо этди.

Бугунги кунга қадар жиноят-ҳуқуқий сиёсат соҳасида амалга оширилган ислоҳотларни шартли равишда **тўрт босқичга** бўлишимиз мумкин:

<sup>11</sup> Каримов. И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2007. – 318 б.



**Биринчи босқич, 1991-2001 йиллар** – бу давр жиноят қонунчилигининг дастлабки ҳуқуқий асосларини яратилишини ўз ичига олган бўлиб, 1995 йил 1 апрелдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини амалга киритилиши ҳамда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ 10 та қонуннинг қабул қилинишидан иборат;

**Иккинчи босқич, 2001-2008 йиллар** – мазкур даврда жиноят қонунчилигини либераллаштиришнинг ҳуқуқий асослари ривожлантирилди ва жиноий жазо тизими либераллаштирилди, у ўз ичига 2001 йил 29 августда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши ва мамлакатимизда ўлим жазосини бекор қилишгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олди;

**Учинчи босқич, 2008-2015 йиллар** бўлиб, ушбу даврда жиноят қонунчилиги янада либераллаштирилди, яъни мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди ва айрим қилмишлар Жиноят кодексига криминализация қилинди;

**Тўртинчи босқич, 2015 йилдан кейинги давр** бўлиб, унда жиноят қонунчилигининг янада либераллаштириш сиёсатини изчил амалга ошириш давом эттирилиб, хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ва жиноий жазо тизимини муқобил жазолар билан тўлдирилишини ўз ичига қамраб олади.

**Биринчи босқич** (1991-2001 йиллар) нинг ўзига хос хусусияти шундаки, мазкур даврда, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилда қабул қилинган ЖК тузилиши жиҳатдан эскисидан тубдан фарқ қилди.

Янги Жиноят кодексига еттита: қонунийлик, фуқароларнинг қонун

олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойиллари белгиланган бўлиб, бу қонун нормаларининг ушбу тамойилларга асосланган ҳолда тузилди.

Юқоридаги тамойилларга таянган ҳолда янги таҳрирдаги Жиноят кодексида жиноий жазо тизими қайтадан кўриб чиқилиб, ўзини оқламаган жамоат иззаси, сургун ва бадарға жазolari чиқариб ташланди ва уларнинг ўрнига хизмат бўйича чеклаш ва қamoқ жазolari пенализация қилинди.

Эски таҳрирдаги жиноят қонунида асосан давлат мулкани ҳимоя қилиш белгиланган бўлса, амалдаги Жиноят кодексида давлат мулки билан биргаликда турли хил мулк шакллари, шу жумладан хусусий мулк ҳам муҳофазага олинди. Илгари жиноят деб ҳисобланган ижтимоий хавфли қилмишлар янги Жиноят кодексига киритилмади. Жумладан, чайқовчилик учун жиноий жавобгарлик ҳам жиноят қонунидан чиқариб ташланди.

1998 йил 1 майда Жиноят кодексига Ўзбекистон Республикаси қонуни билан фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш (216<sup>1</sup>-модда), диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш (229<sup>2</sup>-модда), жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш (244<sup>1</sup>-модда) учун жавобгарлик киритилди.

1999 йил 28 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан ЖК Махсус қисми 132, 173, 180, 181, 184-моддаларига рағбатлантирувчи норма киритилган бўлиб, унга мувофиқ етказилган зарар қопланган тақдирда шахсга қamoқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаслиги белгиланди.

**Иккинчи босқич** (2001-2008 йиллар)нинг ўзига хос хусусияти шундаки, 2001 йил 29 августда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунининг қабул қилиниши натижасида жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш либераллаштирилди, шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имконияти ва жиноятларнинг таснифи тубдан қайта кўриб чиқилиб, жиноятларнинг қарийб 75% оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Шунингдек, мазкур қонун асосида янги ҳуқуқий институт: “Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш” тўғрисидаги алоҳида норма жорий этилди<sup>12</sup>.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги 671-II-сон Қонуни.— Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда.

Қабул қилинган Қонунга мувофиқ, Жиноят кодекси 44-моддаси 2-кисмига ўзгартириш киритилиб, жариманинг миқдори – энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорга ўзгартирилди.

Бундан ташқари, киритилган ўзгартиришга кўра жиноий жазолар тизимидан “мол-мулкни мусодора қилиш” жазоси чиқариб ташланди.


Юқоридагилар билан бир қаторда 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Жиноят кодекси 174-моддаси (Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш) чиқариб ташланиб, олти мустақил таркибли жиноятлар ўзида қамраб олган **янги ХХ<sup>1</sup>** боб билан тўлдирилди.

**Учинчи босқич (2008-2015 йиллар).** Демократик давлатда жамият аъзоларининг кўпчилиги томонидан кўллаб-қувватланмаган жиноий жазолар охир-оқибат бекор бўлади<sup>13</sup>.

Ўзбекистонда, бунга мисол қилиб, ўлим жазосини келтириш мумкин. Учинчи босқич мамлакатимизда айнан ўлим жазосини бекор қилиниши билан бошланди. Маълумки, ўлим жазоси фақулудда жазо чораси ҳисобланиб, 1994 йилги ЖКда 33 та жиноят таркибидан 13 тагача, 1998 йилда 8 тагача, 2001 йилда 4 тагача ва 2003 йилда 2 тагача камайтирилган бўлиб, 2008 йил 1 январдан эътиборан Жиноят кодексидан депенализация қилинди. Мазкур жазо ўрнига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси пенализация қилиниб, фақатгина 2 та жиноят таркиби, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва оғирлаштирувчи ҳолатларда терроризм жиноятини содир этганлик учун белгиланди.

Мазкур давр оралиғида 2008 йил 10 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Жиноят кодекси 44-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Унга кўра агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа **ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради.**

<sup>13</sup> Scots Criminal law, 2009. Pamela R Ferguson and Claire McDiarmid, ISBN 9781845860394, Dundee University Press, - P 34.



2010 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, айбдор ўз қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлганида жазо тайинлаш қоидаларини ўзида ифодалаган 57<sup>1</sup>-модда киритилди. Унга кўра Жиноят кодекси 55-моддаси биринчи қисмининг “а” ва “б” бандларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ва 56-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда жазо муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслиги керак.

2012 йил 11 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунига мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жиноий жавобгарлик ЖК 206<sup>1</sup>-моддасига криминализация қилинди.

2014 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига биноан ЖК 62-моддаси (Дастлабки қамоқ вақтини ҳисобга олиш қоидалари) қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилди, яъни суд қамоқда сақланган шахсга жарима тайинлашда қамоқда сақланган ҳар бир кунини энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисмига тенглаштириб ҳисоблайдиган бўлди<sup>14</sup>.

**Тўртинчи босқич** - 2015 йилдан кейинги даврни ўз ичига олиб, у 2015 йил 10 ҳамда 20 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси айрим

<sup>14</sup> 2014 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни.

конун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конунларнинг қабул қилиниши билан бошланди.

2015 йил 10 августда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши натижасида Жиноят кодекси жазолар тизимига янги (48<sup>1</sup>-модда) **озодликни чеклаш** жазоси пенализация қилинди. Мазкур нормага мувофиқ озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборатдир<sup>15</sup>.

Дарҳақиқат, бугунги кунда инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига мос, шахсни жамиятдан ажратмасдан туриб, уни ахлоқини тузатувчи, жиноятларни олдини олишга хизмат қилувчи жазоларнинг самарадорлигини ошириш ҳукуматимиз диққат-эътибори марказида бўлаётганлиги бежиз эмас.

Қабул қилинган қонунга мувофиқ Жиноят кодекси Умумий қисмининг 20 га яқин, Махсус қисмининг 100 дан зиёд моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.
--

Шу билан бирга, 2015 йил 15 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида 2015 йил 20 августда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Жиноят кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш, бизнес муҳитини яхшилаш, пировардда, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилди.

Жумладан, агар шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) биринчи мартаба содир этиб, солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилинади.

Шунингдек, Жиноят кодексига айбдор томонидан сохта банкротлик ва банкротликни яшириш орқали етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганда озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслигини назарда тутувчи рағбатлантирувчи норма ўзгартирилди.

Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча ёки кўп миқдорда

<sup>15</sup> 2015 йил 10 августда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни



бузганлик учун жавобгарлик жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказилди.

Жиноят кодекси Махсус қисми Саккизинчи бўлими Атамаларнинг ҳуқуқий маъносидан “масъул мансабдор шахс” атамаси батамом чиқариб ташланди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик тузилмалари ва бошқа нодавлат ташкилотларида маъмурий-таксимот ва маъмурий-хўжалик ваколатларини амалга оширувчи мансабдор шахслар жавобгарлигини юмшатиш ва тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар учун жавобгарлик белгиланди. Жумладан, Жиноят кодексига хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш, тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш, хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ва бошқа қилмишлар учун жавобгарлик белгиланди. Шу муносабат билан Жиноят кодекси 205-214-моддалари янги таҳрирда баён этилди<sup>16</sup>.

### **1.3. Жиноят-ҳуқуқий сиёсатни такомиллаштириш истиқболлари.**

Юқоридаги параграфда келтирилган ретроспектив таҳлилдан келиб чиқиб, кейинги даврда жиноят қонунчилигини либераллаштиришни куйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

**Биринчидан**, мамлакатимизда глобаллашув жараёнининг таъсири ва мавжуд ижтимоий муносабатлар ривожланаётганини ҳисобга олиб ҳамда амалга оширилаётган ислохотларни давом эттирган ҳолда айрим қилмишларни Жиноят кодексига **криминализация** қилиш мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, “144<sup>1</sup>-модда. Юридик ва жисмоний шахсларга маълумотларни тақдим этишни рад этиш”, “156<sup>1</sup>-модда. Оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш ёки тарқатиш”, “169<sup>1</sup> -модда. Компьютер воситаларидан фойдаланган ҳолда талон-торож қилиш”, “173<sup>1</sup>-модда. Эҳтиётсизлик орқасидан мулкни нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш”, “192<sup>13</sup>-модда. Нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2016 .

ташкilotида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларидан четга чиқиш”, “192<sup>14</sup>-модда. Нодавлат тижорат ташкilotида ёки бошқа нодавлат ташкilotида мансабдор шахслари томонидан ўз ваколатларига совуққонлик билан қараш”, “277<sup>1</sup>-модда. Террористик ҳаракатлар ҳақида ёлғон маълумот бериш” ва бошқалар;

**Иккинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг айрим нормаларини **декриминализация** қилиш. Жумладан, “179-модда. Сохта тадбиркорлик”, “180-модда. Сохта банкротлик”, “181-модда. Банкротликни яшириш”, “189-модда. Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш”, “190-модда. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш” ва бошқалар;

**Учинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси жазо тизимида янги жазоларни **пенализация** қилиш ва жазоларни либераллаштириш мақсадга мувофиқ. Жумладан, мажбурий жамоат ишлари жазосини жазо тизимида киритиш, жарима жазосини кунлик ва ойлик муддатларга бўлиш, вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чора турларини кенгайтириш лозим;

**Тўртинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси жазо тизимидан қамок, интизомий қисмга жўнатиш жазоларни **депенализация** қилиш;

**Бешинчидан**, Жиноят кодекси Махсус қисмида **рағбатлантирувчи нормани** ўзида акс этган нормаларни кенгайтириш, жумладан, шахс етказилган зарарни қоплаган тақдирда, унга нафақат қамок, озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазоларини қўлламаслик, балки жазодан ёки жавобгарликдан озод қилишни кенгроқ қўллаш. Жумладан, ЖК 132- ва 175 моддаларида назарда тутилган рағбатлантирувчи нормаларда “уч карра миқдорида” сўзларини чиқариш, 171-, 182-, 188-190-моддаларини биринчи марта содир этган шахслар учун ҳам “етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш ёки қамок тариқасидаги жазолар қўлланилмайди” деган рағбатлантирувчи нормани белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳамда қонунга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрнини юксалтириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, ҳуқуқий шарт-шароит ва рағбатлар яратишга қаратилган бўлиб, пировардда судланганлик ҳолатларини камайишига хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.<sup>17</sup>

### **Назорат саволлари:**

1. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат тушунчаси моҳиятини очиб беринг.
2. Декриминализациянинг моҳиятини тушунтиринг ва унга амалиётдан мисоллар келтиринг.

<sup>17</sup> Базарбаева Г. Дифференциация ответственности в уголовном праве // Ҳуқуқ – Право – Law. 2005.

3. Янги Жиноят кодекси қабул қилинганда (22.09.1994) эски Жиноят кодексида мавжуд қайси жазо турлари депенализация қилинган ва бунинг сабабларини қандай изоҳлайсиз?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Базарбаева Г. Дифференциация ответственности в уголовном праве // Ҳуқуқ – Право – Law. 2005.
2. Лопашенко. Н. А. Уголовная политика: понятие, содержание, методы и формы реализации. Уголовное право в XXI века. М., Лекс Эст, 2009.
3. Scots Criminal law, 2009. Pamela R Ferguson and Claire McDiarmid, ISBN 9781845860394, Dundee University Press.
4. W Kymlicka, Multicultural Citizenship: A Liberal Theory of Minority Rights (1995), page 80.
5. European Journal on Criminal Policy and Research Volume 22 / 2016

## 2-мавзу: Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро стандартлари.

Режа:

2.1. Коррупция жиноятчилигининг тушунчаси ва келиб чиқиш сабаблари.

2.2. Коррупция жиноятчилигининг олдини олиш чоралари.

2.3. Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро стандартлари ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари.

**Таянч иборалар:** далиллар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, имплементация, коррупция, латент (яширин) жиноятлар, мансабдор шахслар, мансабдорлик жиноятлари, мансабга совуққонлик билан қараш, мансаб сохтакорлиги, пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, халқаро конвенциялар (шартномалар), ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, оқ ёқалилар.

### 2.1. Коррупция жиноятчилиги тушунчаси ва келиб чиқиш сабаблари.

Коррупция – мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят. Коррупция фаолияти хуфёна иқтисодиётнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Аксарият ҳолларда, коррупция деганда, давлат амалдорлари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида ўз мансабидан фойдаланиш, фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади<sup>18</sup>.

“Коррупция” атамасининг этимологик жиҳати хусусида турли фикрлар мавжуд. Кенг оммалашган биринчи фикр тарафдорларига кўра, этимологик жиҳатдан “коррупция” атамаси латинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан бўлиб “пора эвазига оғдириш” деган маънони англатади.

Кейинги қарашга кўра, “коррупция” атамаси латинча “corruptere” сўзидан келиб чиққан бўлиб “бузилиш, айниш, таназзул” деган маъноларни англатади.

Учинчи фикрга кўра, “коррупция” латинча “corruptum” сўзидан келиб чиққан бўлиб “синган, бузилган” маънони билдиради ва шахсий ҳаёт ҳамда корпоратив фойда йўлида жамоат манфаатларига путур етказишни англатади<sup>19</sup>.

Халқаро ҳужжатларда биринчи бор коррупция тушунчасига БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган “Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси”да тўхталган бўлиб, унда коррупция деганда “... мансабдор

<sup>18</sup> [www.transparency.org/what-is-corruption/](http://www.transparency.org/what-is-corruption/)

<sup>19</sup> Абдурашулова Қ., Қурбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола). – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 60.

шахсининг ҳар қандай шаклдаги мукофот эвазига ўз мансаб ваколатлари доирасида мазкур мукофотни берувчи шахс манфаатларини кўзлаб, лавозим йўриқномаси қоидаларини бузган ҳолда ёки бузмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки ҳаракатсизлиги” тушунилади дейилган<sup>20</sup>.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил Гаванада коррупция муаммоларига бағишлаб ўтказилган минтақалараро семинарида қабул қилинган Давлат хизматчилари учун халқаро хулқ-атвор кодексида “коррупция бу мансабдор шахсларнинг шахсий ёки гуруҳ манфаатини кўзлаб мансабини суиистеъмол қилиш, шунингдек давлат хизматчилари томонидан ўзлари эгаллаб турган хизмат вазифаларидан ғайриқонуний фойдаланиш кўринишларидир”, дейилади. Ушбу таърифда коррупциянинг ўзагини мансаб ваколатларидан ғайриқонуний фойдаланиш ташкил этиши кўрсатилган.

Манфаатлар тўқнашуви деганда давлат хизматчисининг шахсий манфаатдорлиги бўлиб, ушбу манфаатдорлик учинчи шахслар томонидан манфаатларига салбий таъсир ўтказиши тушунилади.

Европа Кенгаши гуруҳининг коррупция муаммолари бўйича 1995 йил 22-24 февралда Страсбургда ўтказилган биринчи сессиясида “коррупция давлат ёки хусусий тизим мансабдор шахсларини уларнинг мансаб ваколатлари доирасида ўзларининг вазифаларини бузиб бажаришлари учун уларни пора эвазига оғдириб олинишидир”, деб таъриф берилган. Аммо, коррупция тушунчаси пора эвазига оғдириш, порахўрлик билангина чекланиб қолмайди, ундан бошқа мансабдорлик жиноятларини ҳам қамраб олади.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида коррупцияга энг қисқа, лекин, кенг қамровли таъриф қуйидагича берилган: “Коррупция – бу шахсий наф кўриш мақсадида давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилишдир”<sup>21</sup>.

Г.Блэкиннинг юридик луғатида коррупция қуйидагича тавсифланади:

1) мансабдор шахсининг расмий вазифалари ва ўзга шахсларнинг ҳуқуқлари билан мувофиқ бўлмаган муайян имтиёз бериш ниятида содир этиладиган қилмиш;

2) мансабдор шахсининг ўз хизмат лавозими ёки мақомидан ўзга шахсларнинг вазифалари ва ҳуқуқларига зид бўлган мақсадларда ўзи ёки ўзга шахс учун бирон-бир устунликни қўлга киритиш учун қонунга хилоф равишда фойдаланишидан иборат бўлган қилмиш.

Н.Ф.Кузнецова коррупция деганда, давлат аппарати ва нодавлат тузилмаларининг ходимларини пора эвазига оғдиришдан иборат бўлган ижтимоий хавfli ҳодисани тушунади. Аммо, ижтимоий ҳодиса сифатидаги коррупция тушунчасининг пора эвазига оғдириш, порахўрлик билангина боғлиқ бўлмаган кенгроқ талқини ҳам мавжуд ва у, бизнингча, тўғрироқ.

“Коррупция тушунчаси АҚШ олимлари томонидан айниқса чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этилган”, деб ёзади Л.В.Михайлов. У “коррупция муаммоларининг америкалик тадқиқотчилари бу ҳодисани сиёсий арбоблар,

<sup>20</sup> <http://www.un.org/en/ga/70/resolutions.shtml>

<sup>21</sup> United Nations Convention against Corruption. New York, 31 October 2003. United Nations, Treaty Series, vol. 2349, p. 41; Doc. A/58/422

давлат аппарати ходимлари, бизнесменлар ва бошқа шахслар бойиш ва ўз ижтимоий мақомини юксалтириш мақсадларида, шахсий, оилавий ёки муайян гуруҳ манфаатларини кўзлаб, ўз расмий вазифалари ва давлат функцияларини бажаришдан бўйин товлаши сифатида тавсифлайдилар”, дейди.

Г.А.Сатаров коррупцияни “мансаб мавқеини ғараз ниятда суиистеъмол қилиш” сифатида тавсифлайди”. Қ.Тожибоев эса, “Коррупция жиноятчилиги натижасида давлат бошқарувининг имкониятларидан фойдаланиш, уни ўз манфаатларига бўйсундирилган ҳолда ташкил этилиши асосида вужудга келади”, дейди.

П.А.Кабанов коррупцияга давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахси ўз хизмат мавқеидан шахсий бойиш учун фойдаланишидан иборат бўлган ижтимоий ҳодиса сифатида ёндашади, лекин коррупция уюшган жиноятчиликнинг хавфли кўриниши эканлиги ва унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши назардан четда қолган.

Бу борада мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг фикрлари эътиборга лойиқ бўлиб, ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида “Коррупция, энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланишдир”<sup>22</sup> - деб таъриф берган.

Баъзи манбаларда эса, бу атама “иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар” ва “мансабдорлик жиноятлари” каби сўзлар билан бир қаторда қўлланилади. Республикамизда чоп этилган китоб ва мақолаларда ҳам коррупция дейилганда, юқори мансабдаги шахслар томонидан содир этиладиган порахўрлик назарда тутилади.

Шу билан бирга бошқа олимлар Жиноят кодексига ягона коррупция тушунчасининг киритилишига қарши эканликларини билдиришади. Жумладан, бу жиноят ҳуқуқи нормаларининг энг оддий талабларига ҳам зид бўлиб, қонуннинг қўпол бузилишига олиб келиши мумкин, шунинг учун ҳам халқаро миқёсда коррупцияга кўп таърифлар берилган, аммо унинг тўла ва аниқ ҳуқуқий таърифи мавжуд эмас. Уларнинг фикрига кўра, “коррупция” ҳуқуқий эмас, кўпроқ ижтимоий ва криминологик тушунчалардир, шунинг учун унга муайян жиноятнинг таркиби сифатида эмас, балки ижтимоий ҳодиса деб қараш керак.

Маълумки, коррупциянинг негизида ҳокимиятга интилиш ётади. Коррупция уюшган жиноятчиликнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Мансабдор шахслар томонидан порахўрлик, ғараз мақсадларда хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, ўзгалар мулкани талон-торож қилиниши ва ўзлаштирилиши коррупциянинг кўринишларидан биридир. Бундан коррупция порахўрлик доирасидан кенгроқ, у порахўрликдан ташқари ўзи ва бошқалар учун қонунга хилоф равишда имтиёзларни қўлга

<sup>22</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б.85.

киритиш мақсадида мансабидан фойдаланиб, содир этиладиган бошқа турдаги жиноятларни ҳам ўз ичига олади, деган хулосага келиш мумкин.

Шу ўринда Қ.Р.Абдурасулованинг қуйидаги фикрлари ўринлидир: “Коррупция давлат аҳамиятига молик вазифаларни бажараётган ва уларга тенглаштирилган шахслар томонидан ўз хизмат ваколатлари ёки улар билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиб, ғараз мақсадда ёки бошқа шахсий манфаатни кўзлаб содир этилган ижтимоий ҳавфли қилмишлар (бу қилмишлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаларида назарда тутилган) йиғиндисидир”<sup>23</sup>.

Бизнинг фикримизча, юқорида баён этилган таърифлар таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

**биринчидан**, бу, энг аввало, аниқ юридик таърифи мавжуд бўлмаган ижтимоий ҳодиса, пировард натижада коррупция ҳаракатлари жамият ҳаётининг кундалик меъёрига айланиши оқибатида бутун фуқаролик жамияти ва давлатнинг инқирозига олиб келади;

**иккинчидан**, мазкур ҳуқуқбузарлик субъектларининг муайян доираси мавжуд (бу, аввало, давлат хизматидаги мансабдор ва масъул мансабдор шахслар, ҳокимият вакиллари ва давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган бошқа шахслар, шунингдек хусусий секторда бошқарув функцияларини бажаришга ваколатли бўлган шахслар бўлади);

**учинчидан**, кўрсатилган субъектлар ўз мансаб мавқеидан, ҳокимият ёки мансаб ваколатидан, хизмат лавозимидан, ҳуқуқий мақомидан ва эгаллаган лавозимининг нуфузидан, обрўидан ғайриқонуний равишда фойдаланадилар;

**тўртинчидан**, кўрсатилган субъектларнинг мазкур фаолияти шахсий бойиш мақсадида ёки ўзга шахсларнинг манфаатларида ёхуд корпоратив манфаатларда амалга оширилиши мумкин.

Б.В.Волженкин коррупциянинг қуйидаги уч кўринишини кўрсатиб ўтади:

- 1) мансаб мавқеидан фойдаланиб, ўзганинг мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш;
- 2) ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш;
- 3) порахўрлик.

Шу ўринда Р.А.Зуфаров “Коррупцияни оддий порахўрликдан ажратиб бўлмайди. Коррупциячи мансабдор шахс бир марта бериладиган мукофотларни олмасдан у бошпана бўлган жиноят тузилмаси хизматида туриб, шу туфайли у келтирилган даромаднинг ўзига тегишли улушини олади” деб ҳисоблайди. Бироқ, “коррупция, айниқса, бозор иқтисодиёти, эркин савдо ва демократия шароитида оддий порахўрликдан иборат эмас. Лоббизм, фаворитизм, протекционизм, сиёсий мақсадларга бадаллар, сиёсий арбоблар ва давлат амалдорларининг корпорациялар ва хусусий

<sup>23</sup> Абдурасулова Қ., Қурбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола). – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 60.

фирмаларнинг фахрий президентлари лавозимига ўтиш анъаналари, тижорат ташкилотларини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш, давлат мулкни акциядорлик жамиятларига ўтказиш, жиноий уюшмаларнинг алоқаларидан фойдаланиш ва ҳоказолар коррупциянинг ниқобланган шакллари ҳисобланади<sup>24</sup>.

С.В.Максимовнинг фикрича, куйидагилар коррупция кўри-нишларининг шакллари сифатида намоён бўлади:

- давлат хизматчиси томонидан жамоатчиликнинг давлат идораларидаги қонунчиликнинг аҳволи ҳақидаги фикрига кучли таъсир этиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши,
- давлат вазифаларини амалга оширишга вакил қилинган шахснинг ўз ваколати билан қамраб олинган соҳада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши,
- хизмат вазифасини бажарганлиги, хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги муносабати билан совға олиши ёки ҳожатини чиқариши,
- пора олиши,
- хизмат мавқеидан фойдаланиб, ўзганинг мулкни ўзлаштириши.

Коррупциянинг пора олиш ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш каби одатдаги шаклларида ташқари, коррупция амалда намоён бўлишининг куйидаги шакллари фарқлаш мумкин:

- мансабдор шахслар, давлат хизмати ходимлари, депутатлар тижорат фаолиятида шахсий ёки корпоратив наф кўриш учун бевосита иштирок этиши;
- давлат пул маблағларини ўзлаштириш ниятида тижорат тузилмаларига ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш;
- ўз корпоратив (сиёсий, диний, миллий ва ш.к.) гуруҳига давлат ресурслари ҳисобидан имтиёзлар бериш;
- шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида оммавий ахборот воситаларига тазйиқ ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш;
- мансабдор шахслар ва давлат хизмати ходимлари шахсий бойиш мақсадида тижорат тузилмаларида сохта шахслардан ва қариндошларидан фойдаланиши;
- шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида ахборотни манипуляция қилиш (бузиб кўрсатиш, бермаслик, бериш муддатларини чўзиш ва ш.к.) учун хизмат мавқеидан фойдаланиш;
- муайян гуруҳ манфаатларида норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳақидаги қарорларни илгари суриш;
- айрим номзодларнинг сайлов фондларига давлат молиявий ва моддий ресурсларини тақдим этиш.

Шу ўринда, яна баъзи бир нарсаларни ҳам айтиб ўтиш керакки, яъни, Шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилганда пора тариқасида

<sup>24</sup> Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жавобгарлик. – Т.: ТДЮИ, 2004. – Б. 203.



берилган бойликлар тақдири суднинг ҳукмига асосан давлат фойдасига мусодара қилинади.

“Оқ ёқалилар” жинояти<sup>25</sup>, ҳуқуқбузарликнинг бу тури машхур социологик Эдвин Сазерленд томонидан оммавийлаштирилган бўлиб, унинг фикрига кўра “оқ ёқалилар жинояти деганда юқори мавқега эга бўлган, хурматга сазовор шахслар томонидан содир этилувчи” жиноят тури тушунилмоғи лозим. Сазерленд фикрига кўра, “оқ ёқа” тушунчаси бизнес вакиллари ёки ижро ҳокимияти вакиллари ни англатади. У, шунингдек, “оқ ёқали” жиноятчи деганда юқори ижтимоий обрў-эътиборга эга шахсларни тушунишини айтади. Сазерленд фикрига кўра, энг асосий муаммо бу турдаги жиноятчилар ҳуқуқбузарлик содир этсалар, уларнинг жинояти “кўрмасликка олинади”. Улар ҳуқуқбузарлик содир этганларида, бошқаларга қўлланилган чоралар ё қўлланилмайди, ёки уларга жуда енгиллаштирилган ҳолатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар томонидан “мулойим”, “силлиққина” ҳал қилинади.

Сазерленднинг “оқ ёқали” жиноятларга берган таърифи ҳам қонунбузарларни, ҳам улар амалга оширган жиноятларни қамраб олишга ҳаракат қилгани учун ҳам муаммолидир. Шахснинг касби йўналишида содир этилган жиноят оддий шахсий мактубни иш берувчисининг конвертида жўнатадиган, хатни уйида иш берувчи ёзув қуроллари жавонидан олинган ручка билан ёзадиган, ишчидан тортиб Барингс банкани ёлғиз ҳолда беобрў қилган Ник Лисон ҳаракатларигача қамровдаги кенгликдан иборат. Бу мисоллар иш берувчига нисбатан қилинган жиноятлар ҳисобланади. Улар кўпинча “касбий жиноятлар” ҳисобланади, бироқ Сазерленднинг таърифи акциядорларни алдаш ёки сохта маҳсулотларни ўтказиш орқали содир этилган ишларга ҳам тенг амал қилиши мумкин, ва аслида ҳам тенг амал қилишига мўлжалланган. Агар, бу феъл-атворларнинг барчаси қабул қилинса, ва кўпчилиги “оқ ёқа” жиноят деб категорияланса, унда биз “оқ ёқа жиноятчилар”ни категориялашимиз керакми?

Бу муаммога сабаб бўлади, чунки, агар баҳолаш фақатгина бир кишининг касбий фаолиятида жиноят қилиши бўлса, кўплаб “баланд ижтимоий аҳамият”дан бўлмаганлар ҳам таъсир остида қолади.

Ҳақиқатда, бу фарқ ўзи, ва Сазерленд аниқлаган жиноий қонуннинг равшан фарқли кучга кириши қабул қилиб бўлмайдиган ҳолат.

Грин айтганидек: “чуқур илдиз отган тенг ҳимоя туридаги нормалар бизга бойлик, касб, ирқ, жинс, миллат ёки бошқа шахсий хусусиятлар асосида жиноятчиларни фарқлашни тақиқлайди.

Бу мана шундай ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари содир бўлмайди дегани эмас, лекин, агар Сазерленднинг фикри бу жиҳатдан тўғри эканлигининг далили бўлса, процесс давом этишига рухсат берилмаслиги керак<sup>26</sup>.

<sup>25</sup> Scots Criminal law, 2009. Pamela R Ferguson and Claire McDiarmid, ISBN 9781845860394, Dundee University Press.- P.437

<sup>26</sup> Scots Criminal law, 2009. Pamela R Ferguson and Claire McDiarmid, ISBN 9781845860394, Dundee University Press.-P.439

## 2.2. Коррупция жиноятчилигини олдини олиш чоралари.

Тарихдан маълумки, ҳар қандай давлатнинг олдида турган энг муҳим вазифалардан бири бу жиноятчиликни олдини олишдир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасида жиноят қонунининг асосий вазифаларидан бири сифатида жиноятларнинг олдини олиш белгилаб қўйилганлиги бежиз эмас.

“Коррупция муттасил равишда ўз қиёфасини ўзгартиради ва такомиллашиб боради. Яширинлик – унинг асосий хусусиятидир. Шу боис мазкур ҳодиса ҳақида тўлиқ маълумотлар ҳеч қаерда мавжуд эмас. Суд қаршида жавоб берган айбдор шахслар эса бундан ҳам камроқ. Амалда айрим, энг қуйи тоифа коррупциячиларгина жазога тортилади”.

Коррупция давлатни ўзининг аксига – аҳолига нисбатан амалдорларнинг ўзбошимчалигига айлантиради. Коррупция фуқаронинг давлат вакили билан маъмурий муносабатлари маъно-моҳиятини ўзгартиради ва жамият учун ҳам, давлат учун ҳам салбий оқибатларга сабаб бўлади. “Коррупция – давлат органлари ходимлари моддий ёки мулкӣ йўсинда ғайриқонуний шахсий наф кўриш мақсадида ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоӣ ҳодисадир. Лекин фақат давлат хизматчилари коррупция фаолиятининг субъектлари ҳисобланади, чунки коррупция муносабатлари юзага келишига сабаб бўладиган қарорлар қабул қилиш ёки ҳаракатлар содир этиш учун ҳокимият ваколатига фақат улар эга бўлади”<sup>27</sup>.

Коррупцияга қарши кураш чора-тадбирларини ҳуқуқӣ таъминлашда “коррупция” тушунчасига амалдаги қонун ҳужжатларининг биронтасида ҳам таъриф берилмаганлиги бугунги кунда энг катта муаммо туғдирмоқда. Ҳолбуки, мазкур иллатга қарши кураш чора-тадбирларининг аниқ чегараларини ўрнатиш учун коррупцияга ҳуқуқӣ таъриф бериш зарур. У шунингдек қайси жиноӣ қилмишларни коррупция хатти-ҳаракатлари қаторига киритиш лозимлигини, коррупция ҳаракати сифатида тан олинган ножиноӣ қилмишларнинг қайсилари учун бошқа жавобгарлик турлари – маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқӣ, интизомӣ жазолар назарда тутилиши лозимлигини тушунишни енгиллаштиради<sup>28</sup>.

Бундан ташқари, “коррупция” тушунчасини қонун йўли билан мустаҳкамлаш коррупцияга қарши кураш олиб борадиган турли субъектларнинг ваколатлари доираси ва фаолиятининг миқёсини аниқлаш, уларнинг куч-ғайратини тўғри мувофиқлаштириш ва зарур ўзанга солиш имконини беради. Акс ҳолда коррупцияга қарши кураш олиб борадиган субъектларнинг ҳар бири уни мазкур ҳодисанинг ўз талқинидан келиб чиқиб амалга оширишига барҳам бериш қийин кечади. Кўпинча коррупцияга қарши

<sup>27</sup> Ахроров Б.Ж. Мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик. – Т.: ТДЮИ, 2007. – Б. 268.

<sup>28</sup> The Criminal Law. Handbook. Fifth edition. Paul Bergman and Sara J. Berman-Barrett. Consolidated Printers, Inc. USA, 2003. -P.426

кураш ниқоби остида ҳокимият билан боғланмаган оддий жиноятни аниқлаш яшириниб ётади. Ҳолбуки, айнан ҳокимият билан боғлиқлик белгиси коррупция тўғрисида сўз юритиш имконини берадиган асосий белги ҳисобланади. Аниқланган ва барҳам берилган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар миқдори ҳақидаги статистик маълумотлардаги фарқлар шу билан белгиланади.

Бизнингча, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- коррупцияга қарши курашнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тўпланган тажрибасини чуқур ўрганиб, ижтимоий муносабатлар ривожланишининг сиёсий, ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий аспектларини қамраб олган муаммолар ечимига қаратилган Коррупцияга қарши кураш давлат Дастурини ишлаб чиқиш;

- “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш;  
- “Давлат хизмати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш;  
- “Давлат хизматчисининг мақоми тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш;  
- давлат хизматчиларининг “Хулқ-атвор кодекси”ни ишлаб чиқиш;  
- давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш меъёрий актларни ишлаб чиқиш, улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини ислоҳ қилиш, бунга тиббий хизмат билан, уй-жой билан таъминлаш (сотиб олиш) бўйича имтиёзлар ҳам киради;

- давлатнинг коррупцияга қарши кураш сиёсатини доимий амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида коррупцияга қарши кураш комиссияларни ташкил этиш, бу комиссиялар қабул қилинаётган қонунларни қанчалик коррупция учун шарт-шароит яратишини таҳлил ва назорат этиб боради;

- коррупциянинг барча турларига барҳам бериш учун жиноят қонунчилигининг мувофиқлигини, шу жумладан жиноят-ҳуқуқий ва процессуал нормаларини тегишли равишда қайта кўриб чиқиш лозим;

- қонун устуворлигини ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи суд-ҳуқуқ тизимини, коррупцияга қарши кураш олиб боровчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришни изчил давом эттириш;

- коррупция домига илинган мансабдор шахсларни аниқлаш, тергов қилиш ва ҳукм этишнинг махсус таомилларини белгилаш;

- маълумот манбаи ҳамда коррупция, қонунбузилиш ҳолатлари ҳақида маълумот етказувчи гувоҳлар ва шахслар ҳақида маълумотлар сир тутилишини ҳимоя қиладиган институтлар ишини такомиллаштириш керак;

- хорижий мамлакатларнинг муваффақиятли тажрибасини ўрганиш орқали, давлат хизматчиларининг мулки ва даромадлари ҳақидаги декларациялар ва уларни текшириш ҳамда оммага ошкор этиш тизимини яратиш;

- хусусий тадбиркорликнинг тўла эркинлигини таъминлаш, бу йўлда учраб турадиган қоғозбозлик тўсиқларини бартараф этиш йўлида қатъий олға юриш;

- барча давлат органлари ходимларини мансаб вазифаларини ҳудудий ва соҳавий принцип асосида тизимли равишда ўзгартириб туриш (ротация). Бундан мақсад давлат амалдорлари ва улар хизматларидан фойдаланувчилар ўртасидаги яқин ва қуюқ муносабатлар ўрнатиш имкониятларини камайтиришдир;

- давлат тузилмалари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш лозим, бунинг учун жамоатчилик назоратини кучайтириш; коррупцияга қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг имкониятларини ишга солиш; ишонч телефонларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш керак;

- коррупцияни вужудга келтираётган аниқ сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш: коррупциянинг “огоҳлантирувчи сигналлари” рўйхатини ишлаб чиқиш; ҳудудлар (вилоят, туман) ва идоралар (таълим, соғлиқни сақлаш, ва ҳ.) бўйича коррупция даражасини доимий равишда жамоатчилик фикрини аниқлаш бўйича социологик тадқиқотлар олиб бориш.

Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби Адлия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услуги” ҳужжатда ёритилган<sup>29</sup>.

### **2.3. Коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартлари ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари.**

Коррупция дунё миқёсидаги муаммо, жумладан Лотин Америкаси, Ўрта ер денгизи, Яқин ва Ўрта Шарқ, Марказий ва Шарқий Европа, Осиё ва Африка мамлакатларида унга қарши кураш шу куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаси ҳисобланади.

Халқаро Транспаранси интернейшнл (ТИ) ташкилотининг маълумотига кўра дунё мамлакатларида коррупция даражаси:

1) Дания, 2) Швеция, 3) Янги Зеландия, 4) Сингапур, 5) Финляндия, 6) Швейцария, 7) Исландия, 8) Нидерландия, 9) Австралия, 10) Канада давлатларида энг пасти;

Коррупция даражаси энг юқори давлатларга: 1) Қирғизистон, 2) Конго Демократик Республикаси, 3) Гвинея, 4) Чад, 5) Судан, 6) Афғонистон, 7) Гаити, 8) Ироқ, 9) Мьянма, 10) Сомали давлатлари киради<sup>30</sup>.

Келинг шу ўринда, коррупцияга қарши кураш борасидаги халқаро ҳужжатлар хусусида тўхталиб ўтсак.

<sup>29</sup> [http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=2848243](http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=2848243)

<sup>30</sup> <http://www.transparency.org/cpi2015#results-table>

## **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари:**

1) “Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодекси” (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган);

2) Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодексини самарали амалга оширилиши учун раҳбарий принциплар (БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши резолюцияси билан 1989 йил 24 майда қабул қилинган<sup>31</sup>);

3) Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро хулқ-атвор кодекси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган);

4) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш тўғрисидаги Декларацияси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 16 декабрда тасдиқланган);

5) Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 1999 йил 9 декабрда қабул қилинган);

6) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган<sup>32</sup>);

7) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Форумининг офшорлар бўйича Коммюникеси (Кайман ороллари, 2000 йил 30-31 март);

8) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг коррупцияга оид маърузаси (Вена, 2001 йил 8-17 май);

9) Коррупцияга қарши кураш бўйича чора-тадбирлар тўплами (2001 йил июнь);

10) Коррупцияга қарши кураш чоралари. Пулни тозалашга қарши кураш чоралари. Жиноятчилик ва одил судлов: XXI аср чорловига жавоблар тўғрисидаги Вена декларациясини амалга ошириш ҳаракат Режаси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 2002 йил 15 апрелда қабул қилинган)

11) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган<sup>33</sup>).

## **Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқининг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари:**

<sup>31</sup> [www.un.org/ecosoc/en/documents/resolutions](http://www.un.org/ecosoc/en/documents/resolutions)

<sup>32</sup> The United Nations Convention against Transnational Organized Crime, adopted by General Assembly resolution 55/25 of 15 November 2000

<sup>33</sup> United Nations Convention against Corruption. New York, 31 October 2003. United Nations, Treaty Series, vol. 2349, p. 41; Doc. A/58/422.

Европа Кенгашининг коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 27 январь);

Европа Кенгашининг коррупция учун фуқаролик-хукукий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 9 сентябрь);

Европа Кенгашининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни тозалаш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1990 йил 8 ноябрь);

Коррупцияга қарши курашнинг йигирмата принципи (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 1997 йил 6 ноябрь);

Давлат хизматчилари учун Модель хулқ-атвор кодекси (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2000 йил 11 май);

Сиёсий партияларни ва сайлов кампаниясини молиялаштиришда коррупцияга қарши ягона қоидалар (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2003 йил 8 апрель);

Молиявий тизимдан пулни тозалаш мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги ЕИИ Директиваси (1991 йил 10 июнь);

Пулни тозалашга қарши Париж декларацияси (Европа Иттифоқининг пулни тозалашга қарши парламентар конференциясининг Якуний декларацияси 2002 йил 8 февраль).

### **Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида коррупцияга қарши кураш борасида қабул қилинган ҳужжатлар:**

Жиноятчиликка қарши курашда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига иштирокчи-давлатларнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги Келишуви (Москва, 1998 йил 25 ноябрь);

“Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида”ги Намунавий қонуни (МДҲ Парламенлараро Ассамблеясининг XXII пленар йиғилишида қабул қилинган 2003 йил 15 ноябрь);

“Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Намунавий қонуни (МДҲ Парламенлараро Ассамблеясининг XIII пленар йиғилишида қабул қилинган 1999 йил 3 апрель);

“Ғайриқонуний йўлдан олинган даромадларни легаллаштиришга қаршилик қилиш тўғрисида”ги Намунавий қонуни (МДҲ Парламенлараро Ассамблеясининг XII пленар йиғилишида қабул қилинган 1998 йил 8 декабрь);

“Уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги тавсиявий қонунчилик акти (МДҲ Парламенлараро Ассамблеясининг қарори билан қабул қилинган 1996 йил 2 ноябрь).

### **FATF ташкилотининг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари<sup>34</sup>:**

FATFнинг қирқта тавсияси (2003 йил 20 июнь таҳрири);

FATFнинг қирқта тавсиясига тушунтириш (2003 йил);

<sup>34</sup> <http://www.fatf-gafi.org>

ФАТФнинг пулни тозалашга қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорликка тўсиқ бўлаётган йигирма бешта асосий мезони (2003 йил);

Терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ операцияларни аниқлаш бўйича молиявий ташкилотлар учун FATF тавсиялари (2002 йил).

**Бошқа халқаро ташкилотларнинг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари:**

Иш юзасидан халқаро операцияларни амалга оширишда чет эллик давлат мансабдор шахси томонидан пора беришга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) томонидан қабул қилинган 1997 йил 21 ноябрь);

Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Америкааро конвенцияси (Каракас, 1996 йил 29 март);

Адлия ва хавфсизлик органлари ходимларига нисбатан коррупцияга қарши кураш ва уларнинг виждонли ва пок бўлишини таъминлаш чоралари бўйича умумий тавсиялар (Коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича Глобал форум, Вашингтон, 1999 йил 24-26 февраль).

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишда барча давлат идораларининг фаолиятини мувофиқлаштирадиган 2016-2017 йиллар учун Коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириш бўйича амалий ҳаракатлар Комплекс режаси ишлаб чиқилди.

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси<sup>35</sup>.**

Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатни ратификация қилган: Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни 2008 йил 24 июнда қабул қилинди ва 2008 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати томонидан маъқулланди ва 2008 йил 28 августдан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияга бир нечта билдиришлар, баёноتلар ва шартлар билан қўшилган.

Жумладан, Қонуннинг 1-бандига кўра, *Ўзбекистон Республикаси Конвенция 6-моддасининг 3-банди бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб-чиқиши ва уларни амалга оширишда бошқа Иштирокчи – давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгиланганлиги билдирилган.*

Қонуннинг 2-бандига кўра, *Конвенция 42-моддасининг 1 ва 3-бандлари бўйича 15-19, 21, 22-моддаларда, 23-модданинг 1-бандида, 24, 25, 27-моддаларда назарда тутилган қилмишлар миллий қонунчиликка мувофиқ*

<sup>35</sup> United Nations Convention against Corruption. New York, 31 October 2003. United Nations, Treaty Series, vol. 2349, p. 41; Doc. A/58/422

*жиноий жазоланадиган қилмиш эканлиги ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси татбиқ этилиши баён этилган.*

Қонуннинг 3-бандига кўра, *Ўзбекистон Республикаси Конвенция 44-моддаси 6-бандининг “а” кичик бандига мувофиқ, ушбу Конвенциядан коррупция жиноятлари содир этган шахсларни тутиб топириш масалаларида ушбу Конвенциянинг бошқа Иштирокчи-давлатлари билан ўзаролик асосида ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асос сифатида фойдаланилигини билдирган.*

Қонуннинг 4-бандига кўра, *Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг 46-моддаси 13-банди бўйича “Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларни олиш ва бажариш ёки бундай илтимосларни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларига юборишга жавобгар бўлган марказий орган эканлигини, 14-банди бўйича “Ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосларни юборишда ўзбек, рус ва инглиз тиллари мақбул тиллар сифатида белгиланилиги билдирилган.*

“Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуннинг 2-бандига кўра, *Конвенция 42-моддасининг 1 ва 3-бандлари бўйича 15-19, 21, 22-моддаларда, 23-модданинг 1-бандида, 24, 25, 27-моддаларда назарда тутилган қилмишлар миллий қонунчиликка мувофиқ жиноий жазоланадиган қилмиш эканлиги ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси татбиқ этилиши баён этилган.*

Шу ўринда, Конвенциянинг қайд этилган моддаларига ва шундай қилмиш учун миллий жиноят қонунида жавобгарлик белгиланган моддаларга тўхталиб ўтсак:

**Конвенциянинг 15-моддаси “Миллий оммавий мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш” деб номланади ва унда қуйидагилар белгиланган:**

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат қуйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради:

*а) оммавий мансабдор шахсга шахсан ёки воситачилар орқали ушбу мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги мақсадида, бирон ноқонуний афзалликни ваъда қилиш, тақлиф этиш ёки тақдим этиш;*

*б) бирон мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон бир ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мақсадида мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун бирон ноқонуний*



афзалликни шахсан оммавий мансабдор шахс томонидан ёки воситачилар орқали талаб қилиб ёки қабул қилиб олиш<sup>36</sup>.

**Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида мазкур ҳолат қуйидагича ҳал этилган:**

**а) - ваъда қилиш ва таклиф этиш** – пора беришга суиқасд қилиш деб топилади ва қилмиш ЎзР ЖК 25-моддаси 2-қисми орқали ЖК 211-моддаси билан квалификация қилинади<sup>37</sup>;

- тақдим этиш – ЎзР ЖК 211-моддаси: *Пора бериш* (Пора бериш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкый манфаатдор этиш) ёки ЎзР ЖК 212-моддаси: *Пора олиш-беришда воситачилик қилиш* (Пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади;

**б) - талаб қилиб олиш** – ЎзР ЖК 210-моддаси 2-қисми “в” банди (тамагирлик йўли билан пора олиш) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади.

- қабул қилиб олиш – ЎзР ЖК 210-моддаси: *Пора олиш* (Пора олиш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкый наф кўриши) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади<sup>38</sup>.

**Конвенциянинг 16-моддаси “Хорижий оммавий мансабдор шахсларни ва оммавий халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларини пора эвазига оғдириш” деб номланади ва унда қуйидагилар белгиланган:**

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат хорижий оммавий мансабдор шахсга ёки оммавий халқаро ташкилотнинг мансабдор шахсига шахсан ёки воситачилар орқали мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс халқаро ишларни юритиш юзасидан тижорат ёки бошқа ноқонуний афзалликка эга бўлиш учун ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги мақсадида бирон афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

<sup>36</sup> United Nations Convention against Corruption. New York, 31 October 2003. United Nations, Treaty Series, vol. 2349.

<sup>37</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2016

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2016

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат хорижий оммавий мансабдор шахсга ёки оммавий халқаро ташкилотнинг мансабдор шахсига шахсан ёки воситачилар орқали мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги мақсадида бирон афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади<sup>39</sup>.

**Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунини мазкур ҳолат қуйидагича ҳал этилган:**

ЎЗР ЖКда мансабдор шахслар миллий ва хорижий мансабдор шахсларга бўлинмайди, шу сабабли хорижий оммавий мансабдор шахсни ёки оммавий халқаро ташкилотнинг мансабдор шахсини пора эвазига оғдириш учун жавобгарлик масаласи юқоридаги каби ҳал этилади<sup>40</sup>.

**Конвенциянинг 17-моддаси “Оммавий мансабдор шахс томонидан мол-мулк талон-торож қилиниши, ноқонуний ўзлаштирилиши ёки кўзда тутилмаган мақсадларда ишлатилиши” деб номланади ва унда қуйидагилар белгиланган:**

Ҳар бир иштирокчи Давлат мансабдор шахснинг ўзи ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс фойда олиши мақсадида хизмат мавқеига кўра ушбу оммавий мансабдор шахснинг қарамоғида бўлган бирон-бир мол-мулк, оммавий ёки хусусий маблағларни ёхуд қимматли қоғозлар ёки исталган бошқа қимматли предметни мансабдор шахс томонидан *талон-торож қилинишини, ноқонуний ўзлаштирилишини* ёки кўзда тутилмаган бошқа мақсадларда ишлатилишини, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

**Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунини мазкур ҳолат қуйидагича ҳал этилган:**

- мансабдор шахс томонидан мол-мулк *талон-торож қилиниши* ва *ноқонуний ўзлаштирилиши* – ЎЗР ЖК 167-моддаси 2-қисми “г” банди (Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни **ўзлаштириш** ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади;

- мансабдор шахс томонидан мол-мулк *кўзда тутилмаган бошқа мақсадларда ишлатилиши* – иш ҳолатларидан келиб чиқиб, ЎЗР ЖК 167-моддаси 2-қисми “г” банди (Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни **ўзлаштириш** ёки **растрата** қилиш йўли билан талон-торож қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан

<sup>39</sup> United Nations Convention against Corruption. New York, 31 October 2003. United Nations, Treaty Series, vol. 2349.

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2016

содир этилган бўлса) ёки *ЎзР ЖК 184<sup>1</sup>-моддаси: Бюджет интизомини бузиш* (Бюджет интизомини бузиш, яъни бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади.

**Конвенциянинг 18-моддаси “Ғаразли мақсадларда мавқеидан фойдаланиш” деб номланади ва унда қуйидагилар белгиланган:**

Ҳар бир иштирокчи Давлат қуйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўриш имкониятини кўриб чиқади:

*а) оммавий мансабдор шахсга ёки исталган бошқа шахсга шахсан ёки воситачилар орқали иштирокчи Давлатнинг маъмурияти ёки оммавий органидан ушбу ҳаракатларнинг биринчи ташаббускори ёки исталган бошқа шахс учун бирон ноқонуний афзалликларни олиб бериш мақсадида ушбу мансабдор шахс ёки бошқа шундай шахс ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган нуфузини суиистеъмол қилиши эвазига бирон ноқонуний афзалликларни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш;*

*б) оммавий мансабдор шахс томонидан ёки воситачилар орқали оммавий мансабдор шахс ёки бошқа шундай шахс иштирокчи Давлатнинг маъмурияти ёки оммавий органидан шахсан ўзи ёки бошқа шахс учун бирон ноқонуний афзалликларни олиб бериш мақсадида ушбу мансабдор шахс ёки бошқа шундай шахс ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган нуфузини суиистеъмол қилиши учун бирон ноқонуний афзалликларни талаб қилиб ёки қабул қилиб олиш<sup>41</sup>.*

**Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунда мазкур ҳолат қуйидагича ҳал этилган:**

*а) ЎзР ЖК 206-моддаси: Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш* (Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, яъни мансабдор шахснинг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасдан содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказадиган ҳаракат) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади;

*б) ЎзР ЖК 210-моддаси: Пора олиш* (Пора олиш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали

<sup>41</sup> United Nations Convention against Corruption. New York, 31 October 2003. United Nations, Treaty Series, vol. 2349.

қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ наф кўриши) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади.

**Конвенциянинг 19-моддаси “Хизмат мансабининг суистеъмол қилиниши” деб номланади ва унда қуйидагилар белгиланган:**

Ҳар бир иштирокчи Давлат хизмат ваколатларидан фойдаланишни ёки хизмат лавозимини суистеъмол қилишни, яъни оммавий мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида қонунга хилоф равишда шахсан ўзи ёки бошқа юридик ёхуд жисмоний шахс учун бирон ноқонуний афзалликларни олиш мақсадида бирон *ҳаракатни амалга ошириши* ёки *ҳаракат қилмаслигини*, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади.

**Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунда мазкур ҳолат қуйидагича ҳал этилган:**

– *ҳаракатни амалга ошириши*– ЎЗР ЖК 205-моддаси: *Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш* (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, яъни мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан қасдан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказадиган ҳаракат) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади;

– *ҳаракат қилмаслиги*– ЎЗР ЖК 208-моддаси: *Ҳокимият ҳаракатсизлиги* (Ҳокимият ҳаракатсизлиги, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасдан бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, шунингдек, бундай ҳаракатсизлик жиноятга йўл қўйган ҳолда содир этилган бўлса) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади.

**Конвенциянинг 20-моддаси “Ноқонуний тарзда бойлик орттирилиши” деб номланади ва унда қуйидагилар белгиланган:**

Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз конституцияси ва ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принципларига риоя қилиш шартида, ноқонуний тарзда бойлик орттирилишини, яъни оммавий мансабдор шахс активлари унинг қонуний даромадларидан оқилона асосланиб берила олмайдиган даражада ошиб кетишини, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади<sup>42</sup>.

<sup>42</sup> United Nations Convention against Corruption. New York, 31 October 2003. United Nations, Treaty Series, vol. 2349

*Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг мазкур моддасига қўшилмаган.*

**Конвенциянинг 21-моддаси “Хусусий секторда пора эвазига оғдириш” деб номланади ва унда қуйидагилар белгиланган:**

Ҳар бир иштирокчи Давлат иқтисодий, молиявий ёки тижорат фаолиятида давомида қуйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўриш имкониятини кўриб чиқади:

*a)* хусусий сектор ишини ташкил қилишга раҳбарлик қилаётган ёки ушбу ташкилотда исталган лавозимда ишлаётган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсга, ушбу шахс ўз хизмат вазифаларига хилоф бўлган бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги эвазига шахсан ёки ёки воситачилар орқали бирон афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш;

*b)* хусусий сектор ишини ташкил қилишга раҳбарлик қилаётган ёки ушбу ташкилотда исталган лавозимда ишлаётган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсга, ушбу шахс ўз хизмат вазифаларига хилоф бўлган бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги эвазига шахсан ёки ёки воситачилар орқали бирон ноқонуний афзалликни талаб қилиб ёки қабул қилиб олиш<sup>43</sup>.

**Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида мазкур ҳолат қуйидагича ҳал этилган:**

*a)* 1) хусусий сектор ишини ташкил қилишга раҳбарлик қилаётган шахсга бирон афзалликни:

– **ваъда қилиш ва таклиф этиш** – пора беришга суиқасд қилиш деб топилади ва қилмиш *ЎзР ЖК 25-моддаси 2-қисми орқали ЖК 211-моддаси билан квалификация қилинади;*

– **тақдим этиш** – *ЎзР ЖК 211-моддаси: Пора бериш* (Пора бериш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкый манфаатдор этиш) ёки *ЎзР ЖК 212-моддаси: Пора олиш-беришда воситачилик қилиш* (Пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади;

2) ташкилотда исталган лавозимда ишлаётган шахсга бирон афзалликни:

<sup>43</sup> United Nations Convention against Corruption. New York, 31 October 2003. United Nations, Treaty Series, vol. 2349

– *ваъда қилиш* ва *таклиф этиш* – агар пора предмети анча миқдорни ташкил этса, хизматчини пора эвазига оғдириш деб топилади ва қилмиш *ЎзР ЖК 25-моддаси 2-қисми орқали ЖК 213-моддаси* билан квалификация қилинади;

– *тақдим этиш* – *ЎзР ЖК 213-моддаси 1-қисми: Хизматчини пора эвазига оғдириш* (Хизматчини пора эвазига оғдириш, яъни давлат органининг, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлмаган хизматчисига ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, анча миқдорда моддий ҳақ бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади;

*b) 1) хусусий сектор ишини ташкил қилишга раҳбарлик қилаётган шахсинг бирон ноқонуний афзалликни*

– *талаб қилиб олиш* – *ЎзР ЖК 210-моддаси 2-қисми “в” банди* (тамагирлик йўли билан пора олиш) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади.

– *қабул қилиб олиш* – *ЎзР ЖК 210-моддаси: Пора олиш* (Пора олиш, яъни мансабдор шахсинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахсинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий наф кўриши) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади.

2) ташкилотда исталган лавозимда ишлаётган шахсинг бирон ноқонуний афзалликни

– *талаб қилиб олиш* – *ЎзР ЖК 214-моддаси: Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш* (Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш, яъни давлат органининг, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахс бўлмаган хизматчисининг хизмат вазифаси доирасига кирадиган муайян ишни бажариши ёки хизмат кўрсатиши эвазига ҳақ беришни ёки мулкий йўсиндаги манфаатни талаб қилиши, шунингдек, шахсни қасддан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишининг олдини олиш учун ҳақ беришга мажбур этадиган аҳволга солиб қўйиш) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади;

– *қабул қилиб олиш* – *ЎзР ЖК 213-моддаси 2-қисми* (Давлат органининг, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлмаган хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ўзига оғдираётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки

бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, анча миқдорда моддий ҳақ олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади<sup>44</sup>.

**Конвенциянинг 22-моддаси “Хусусий секторда мулкнинг талон-торож қилиниши” деб номланади ва унда қуйидагилар белгиланган:**

Ҳар бир иштирокчи Давлат иқтисодий, молиявий ва ёки тижорат фаолияти давомида хусусий сектор ишини ташкил қилишга раҳбарлик қилаётган ёки ушбу ташкилотда исталган лавозимда ишлаётган шахс томонидан хизмат лавозимида кўра ушбу шахснинг қарамоғида бўлган бирон-бир мол-мулк, хусусий маблағларни ёхуд қимматли қоғозлар ёки исталган бошқа қимматли предметнинг талон-торож қилинишини, ноқонуний ўзлаштирилишини ёки кўзда тутилмаган бошқа мақсадларда ишлатилишини, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиной жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўриш имкониятини кўриб чиқади<sup>45</sup>.

**Ўзбекистон Республикаси жинойт қонунда мазкур ҳолат қуйидагича ҳал этилган:**

*ЎЗР ЖК 167-моддаси: Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш* (Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади.

**Конвенциянинг 23-моддаси “Жиной йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш” деб номланади ва унда қуйидагилар белгиланган:**

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принципларига мувофиқ қуйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиной жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни қабул қилади:

*a)*

i) агар мол-мулк жиной йўл билан топилгани аввалдан маълум бўлса ва уни жиной манбасини яшириш ва сир тутиш мақсадида ёки асосий ҳуқуқбузарликни содир этишда иштирок этадиган исталган бошқа шахсга, у ўзининг жиной хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликдан бўйин товлашига ёрдам бериш мақсадида мол-мулкни конверсиялаш (ўзгартириш) ёки ўтказиш;

ii) агар мол-мулк жиной йўл билан топилгани аввалдан маълум бўлса мол-мулкнинг ҳақиқий тавсифини, манбасини, тасарруф этиш усулини ёки

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жинойт кодекси. – Т.: Адолат, 2016

<sup>45</sup> United Nations Convention against Corruption. New York, 31 October 2003. United Nations, Treaty Series, vol. 2349

унинг кимга тегишли эканини, жўйини ўзгартиришни, мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни яшириш ва сир тутиш;

*b)* ўзининг ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принципларига риоя қилиш шартида:

*i)* агар мол-мулкни олаётганда ушбу мол-мулк жиноий йўл билан топилгани аввалдан маълум бўлса ушбу мол-мулкни сотиб олиш, унга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш;

*ii)* мазкур моддага мувофиқ жиноят деб тан олинган исталган ҳаракатларнинг бирида иштирок этиш, дахлдор бўлиш ёки ушбу жиноятни содир этиш мақсадида тил бириктириш, уни содир этишга уриниш, шунингдек уни содир этилишида шериклик қилиш, фитна уюштириш ва кўмак бериш.

2. Мазкур модданинг 1-бандини амалга ошириш ёки қўллаш мақсадида:

*a)* ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур модданинг 1-бандини асосий ҳуқуқбузарликларнинг энг кенг доираси учун қўллашга интилади;

*b)* ҳар бир иштирокчи Давлат асосий ҳуқуқбузарликлар сирасига камида мазкур Ковенцияга мувофиқ жиноят деб тан олинган ҳаракатларнинг кенг қамровли доирасини киритади;

*c)* юқорида келтирилган (*b*) кичик банднинг мақсадлари учун асосий ҳуқуқбузарликлар сирасига тегишли иштирокчи Давлат юрисдикцияси доирасида ҳам, доирасидан ташқарида ҳам содир этилган жиноятлар киради. Лекин бирон иштирокчи Давлатнинг юрисдикцияси доирасидан ташқарида содир этилган жиноятлар фақат мазкур жиноий ҳаракат содир этилган давлатнинг ички қонунчилигига кўра жиноий жазога лойиқ деб топилса ва ушбу модда амалга оширилаётган ёки қўлланилаётган иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига кўра, агар бу жиноят айнан шу давлатда содир этилиб, жиноий жазога лойиқ деб тан олинсагина асосий ҳуқуқбузарликлар деб тан олинади.

*d)* ҳар бир иштирокчи Давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига мазкур моддадаги ҳолатлар амалга оширилишини таъминловчи ўз қонунларининг матнини, шунингдек ушбу қонунларга кейинчалик киритилган барча ўзгартишлар ёки уларнинг таърифланишларини тақдим этади;

*e)* агар иштирокчи Давлатдаги ички қонунчиликнинг энг муҳим принциплари буни талаб қилса, у ҳолда мазкур модданинг 1-моддасида кўрсатилган жиноятлар асосий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга тегишли бўлмаслигини кўзда тутиш мумкин бўлади<sup>46</sup>.

**Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида мазкур ҳолат қуйидагича ҳал этилган:**

<sup>46</sup> United Nations Convention against Corruption. New York, 31 October 2003. United Nations, Treaty Series, vol. 2349



*а) ЎзР ЖК 243-моддаси: Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жўйини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади;*

*б) 1) ЎзР ЖК 171-моддаси: Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш (Мулкнинг жиноий йўл билан топилганини била туриб, уни олдиндан ваъда қилмаган ҳолда олиш ёки ўтказиш) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади;*

*2) иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ЎзР ЖК 28-моддаси орқали ЖК 243-моддаси бўйича ёки ЎзР ЖК 28-моддаси орқали ЖК 171-моддаси бўйича жавобгарликка сабаб бўлади.*

**Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг мазкур моддаси 2-бандига қўшилмаган.**

**Конвенциянинг 24-моддаси “Яшириш” деб номланади ва унда қуйидагилар белгиланган:**

Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенциянинг 23-моддасида келтирилган ҳолатлар учун зарар етказмаган ҳолда мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган исталган жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин ушбу жиноятлар содир этилишида иштирок этмаган бўлсада, тегишли шахсга бу мол-мулк мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган исталган жиноий ҳаракатлар содир этилиши натижасида орттирилган мол-мулкни яшириш ёки доимий равишда ушлаб туриш каби ҳаракатларни, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади<sup>47</sup>.

**Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида мазкур ҳолат қуйидагича ҳал этилган:**

*ЎзР ЖК 171-моддаси: Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш (Мулкнинг жиноий йўл билан топилганини била туриб, уни олдиндан ваъда қилмаган ҳолда олиш ёки ўтказиш) ёки ЎзР ЖК 243-моддаси: Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг*

<sup>47</sup> United Nations Convention against Corruption. New York, 31 October 2003. United Nations, Treaty Series, vol. 2349

келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жўйини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини *яшириш ёхуд сир сақлаш*) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади.

**Конвенциянинг 25-моддаси “Одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш” деб номланади ва унда қуйидагилар белгиланган:**

Ҳар бир иштирокчи Давлат қуйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўради:

а)мазкур Конвенцияга мувофиқ жиноят деб тан олинган ҳаракатлар содир этилганлиги муносабати амалга оширилаётган жараён давомида сохта маълумотлар беришга мажбур қилиш ёки маълумотларни бериш ёхуд маълумотларни тақдим этиш жараёнига аралаштириш мақсадида жисмоний куч ишлатиш, дўқ-пўписа қилиш ёки қўрқитиш ёхуд ваъда бериш ёки ноқонуний афзалликни таклиф қилиш ёки тақдим этиш;

б)мазкур Конвенцияга мувофиқ жиноят деб тан олинган ҳаракатлар содир этилганлиги муносабати амалга оширилаётган жараён давомида суд ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахси томонидан ўзининг хизмат вазифаларини бажаришига аралаштириш мақсадида жисмоний куч ишлатиш, дўқ-пўписа қилиш ёки қўрқитиш. Мазкур кичик банддаги ҳеч нарса иштирокчи Давлатларнинг оммавий мансабдор шахсларнинг бошқа тоифалари ҳимоя қилинишини таъминловчи қонунчиликка эга бўлиш ҳуқуқига зарар етказмайди<sup>48</sup>.

**Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунини мазкур ҳолат қуйидагича ҳал этилган:**

а)ЎЗР ЖК 235-моддаси: *Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш* (Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирор бир ахборот, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходими томонидан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш

<sup>48</sup> United Nations Convention against Corruption. New York, 31 October 2003. United Nations, Treaty Series, vol. 2349

ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади;

б) *ЎзР ЖК 236-моддаси: Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш* (Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш) бўйича жавобгарликка сабаб бўлади.

**Конвенциянинг 26-моддаси “Юридик шахсларнинг жавобгарлиги” деб номланади ва унда қуйидагилар белгиланган:**

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўзининг ҳуқуқий принципларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳаракатларда иштироки учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини аниқлаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

2. Юридик шахсларнинг жавобгарлиги, иштирокчи Давлатнинг ҳуқуқий принципларига риоя қилиш шартида, жинойий, фуқаролик-ҳуқуқий ёки маъмурий бўлиши керак.

3. Бундай жавобгарликнинг юклатилиши жиноят содир этган жисмоний шахсларнинг жинойий жавобгарлигига зарар етказмайди.

4. Ҳар бир иштирокчи Давлат, хусусан, ушбу моддага мувофиқ жавобгарликка тортилаётган юридик шахсларга нисбатан самарали, мутаносиб ва тўхтатувчи таъсирга эга бўлган жинойий ёки жинойий бўлмаган чоралар, шу жумладан пуллик жарималар қўлланилишини таъминлайди<sup>49</sup>.

*Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг мазкур моддасига қўшилмаган.*

**Конвенциянинг 27-моддаси “Иштирок ва суиқасд” деб номланади ва унда қуйидагилар белгиланган:**

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон-бир жинойий ҳаракатни содир этишда исталган сифатда, масалан, шерик, ёрдамчи ёки далолатчи сифатида қатнашишни ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ жинойий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат деб тан олиншини талаб қилиши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон-бир жинойий ҳаракатни содир этишга суиқасд ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ жинойий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат деб тан олиншини талаб қилиши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

<sup>49</sup> United Nations Convention against Corruption. New York, 31 October 2003. United Nations, Treaty Series, vol. 2349

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон-бир жиноий ҳаракатни содир этишга тайёргарликни ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат деб тан олиншини талаб қилиши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

**Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида мазкур ҳолат қуйидагича ҳал этилган:**

*ЎзР ЖК Умумий қисми VII боби. Жиноятда иштирокчилик; ЎзР ЖК Умумий қисми VI боби. Тамом бўлмаган жиноят.* Мазкур боблардаги қоидаларга мувофиқ жиноятда, шу жумладан коррупциявий жиноятларда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи сифатида иштирок этиш ҳам, шунингдек жиноятга, шу жумладан коррупциявий жиноятларга суиқасд қилиш ҳам жиноий жавобгарликка сабаб бўлади<sup>50</sup>.

Ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб топишда айбнинг мавжудлиги, унинг шакли, жиноятнинг мотиви ва мақсадининг аниқланиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳисобланади. Коррупциявий жиноятлар одатда фақат қасддан содир этилади. Бу борада юридик адабиётларда ҳам деярли бир хил фикрлар учрайди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 205-моддасида назарда тутилган қилмиш фақат тўғри қасддан содир этилади ва мансабдор шахс унинг ижтимоий хавфлилигини англайди ва оқибатлар келиб чиқишини истайди. Рўй бериши мумкин бўлган оқибатга нисбатан эса айб қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида бўлиши мумкин. Масалан, мансабдор шахс келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатни истаб (тўғри қасд), ёки истамасада онгли равишда йўл қўяди (эгри қасд), ёхуд хом хаёллик билан бундай оқибатларнинг олдини оламан, деб ўйлайди (ўз-ўзига ишониш), ёхуд бундай оқибатларни олдиндан кўра билиш имкониятларига эга бўлсада, лекин англамайди (жиноий бепарволик).

### **Назорат саволлари:**

1. Маълумки 2015 йилда Жиноят кодексидаги “Мансабдор шахс” тушунчасига ўзгартириш киритилиб, у янги таҳрирда баён этилди. Ушбу тушунчани муҳокама этинг.

2. Қандай ҳолатлар ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, қайсилари ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш деб топилиши хусусида фикрингизни баён этинг.

3. Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш учун жавобгарлик масаласини муҳокама этинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

<sup>50</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2016

2. Рустамбоев М.Х. Курс уголовного право Республики Узбекистан. В пяти томах – Т.: ТГЮИ, 2008
3. Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жавобгарлик. – Т.: ТДЮИ, 2004. –
4. Б. 203.; Ахроров Б.Ж. Мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик. – Т.: ТДЮИ, 2007. – Б. 268.
5. Абдурасулова Қ., Қурбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола). – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 60.
6. Scots Criminal law, 2009. Pamela R Ferguson and Claire McDiarmid, ISBN 9781845860394, Dundee University Press.p.437
7. Халқаро Транспаренси Интернешнл ташкилотининг 2015 йилги маълумотномаси. // Интернет манзили <http://www.transparency.org.ru>

### **3-мавзу: Трансмиллий жиноятчилик: жиноят-хуқуқий ва кримнологик жиҳатлари.**

#### **РЕЖА:**

3.1. Трансмиллий жиноятчиликнинг тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари

3.2. Терроризм, одам савдоси, гиёҳванд воситалари ноқонуний муомаласи билан боғлиқ трансмиллий жиноятларнинг умумий тавсифи

3.3. Компьютер жиноятчилиги ва қийноққа солиш жиноятчилигининг умумий тавсифи

**Таянч иборалар:** *трансмиллий жиноятчилик, халқаро жиноят, терроризм, одам савдоси, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, зайринсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш.*

#### **3.1. Трансмиллий жиноятчилик тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.**

Давлатлар томонидан жиноятчиликка қарши курашда, асосан, мамлакатлар ичкарисида содир этилувчи жиноятлар ва уларнинг судловига эътибор қаратилаётганлиги, жиноят хуқуқининг халқаро аҳамиятга эга қисмини эътибордан четда қолдирмоқда. Бироқ, бутун дунё мамлакатлари эътибор қаратиши лозим бўлган, инсониятга ҳамда глобал иқтисодий ривожланишга катта таъсир кўрсатувчи бошқа жиноятлар ҳам мавжуд. Бундай жиноятлар халқаро конвенциялар предмети бўлсада, уларга қарши курашнинг халқаро жиноят хуқуқий механизми тўлиқ шаклланмаган. Ушбу жиноятлар потенциал трансчегаравий таъсирга эга, шунингдек, давлатлар ичида содир этилсада, жаҳон ҳамжамиятининг минг йиллик қадриятларига зарар етказди. Бундай жиноятлар трансмиллий жиноятлар атамасига бирлаштирилган<sup>51</sup>.

Трансмиллий жиноятчилик – тараққиётнинг минг йиллик босқичида жамиятимиз олдида турган энг мураккаб ва долзарб муаммолардан биридир. У ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига кучли таъсир кўрсатиб, мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий институтларнинг нормал фаолиятини бузиш ҳамда мамлакат ва жамият хавфсизлигига таҳдид солиш баробарида бутун жаҳон ҳамжамияти учун ҳам жиддий хавф туғдиради<sup>52</sup>.

Президентимиз И.Каримов таъбири билан айтганда “жаҳон хўжалик алоқаларига фаол интеграциялашув, чет эл инвестициялари ва тадбиркорларини иқтисодий ўзгаришлар жараёнига тортиш соҳасидаги аниқ мақсадга қаратилган фаолият бугун Ўзбекистон учун устувор вазифалар ҳисобланади. Бу мақсадларни рўёбга чиқариш шароитида

<sup>51</sup> An introduction to international law and procedure, 2007. Robert Cryer ISBN 9780521876094 Cambridge University Press. p.281.

<sup>52</sup> The Criminal Law. Handbook. Fifth edition. Paul Bergman and Sara J. Berman-Barrett. Consolidated Printers, Inc. USA, 2003. p 178

коррупциячиларнинг хатти-ҳаракатлари нафақат мамлакатимиздан ҳалол фуқароларини тадбиркорликнинг четлатади, балки чет эллик шерикларда ишончсизлик уйғотади ва уларни чўчитиб қўяди. Натижада мамлакат ғоят муҳим капитал маблағлар манбаининг, технологиялар ва тажрибанинг, жаҳон иқтисодий тизимидан соғлом, “соф” қисмига қўшилиш имкониятининг маҳрум бўлади. Бундай мамлакат халқаро хуфия ва жиноий тузилмалар тобора кўпроқ қизикадиган ва фаол иш олиб борадиган макон бўлиб қолади. Борган сари уюшиб ва профессионал тус олиб бораётган ҳозирги жиноятчиликдан жипслашиши, жиноий гуруҳлар томонининг истеъмол бозорларидан буткул эгаллаб олиниши, қонунсиз равишда қўлга киритилган капиталлардан хўжалик ва тижорат тузилмалари орқали қонунийлаштириб олиниши яққол кўзга ташланаётганлиги ҳам жуда хавфлидир”.

Шу ўринда ушбу тушунчанинг мазмунига тўхталиб ўтсак. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “транс” (лотинча “trans” – “орқали, орасидан, ичидан, орқасида, мобайнида”) сўзи 1) бирор-бир фазо, майдон орқали ҳаракатланиб, уни кесиб ўтиш; 2) бирор нарса ортидан, бирор нарсанинг нариги томонидан бориш, жойлашиш; 3) бирор нарса воситасида кўрсатиш; белгилаш, етказиш каби маъноларни англатиши қайд этилган. Яъни, жиноятнинг бир неча мамлакатлар ҳудудида содир этилишини трансмилий жиноятлар деб аташимиз мумкин<sup>53</sup>.

Жиноятчиликнинг миллий доирадан четга чиқиши – табиий ҳодиса бўлиб, иқтисодиёт, маданият ва умуман цивилизациянинг глобаллашуви билан ҳамоҳанг кечмоқда.

Трансмилий жиноятчиликни икки нуқтаи назардан таърифлаш мумкин:

а) криминологик жиҳатдан – тарихий келиб чиқишга эга бўлган, ахборот, пул, жисмоний объектлар, инсонлар ва бошқа моддий ва номоддий объектлар мажмуини давлат чегараси орқали олиб ўтиш билан боғлиқ ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун халқаро алоқалар, шунингдек, божхона, чегара ва ташқи иқтисодий фаолиятни назорат қилишга ваколатли бошқа давлат органларида уларга сотилган вакилларига эга бўлган уюшган гуруҳ ва жиноий уюшмалар фаолиятида намоён бўладиган жиноят-хукукий ҳарактер касб этувчи ижтимоий ҳодиса;

б) жиноят-хукукий жиҳатдан – уюшган гуруҳ ва жиноий уюшмалар, шунингдек улар жиноий фаолиятининг мажмуи бўлиб, бунда қилмиш икки ёки ундан ортиқ давлатлар ҳудудида содир этилади ёхуд қилмиш бир мамлакат доирасида содир этилган бўлсада, унга тайёргарлик кўриш, режалаштириш, раҳбарлик ёхуд назорат қилиш бошқа давлатда амалга оширилади ёнки қилмиш бир давлатда бироқ, икки ёки ундан ортиқ давлатда фаолият юритадиган жиноий уюшма иштирокида содир этилади ёки жиноят оқибатларининг салмоқли қисми бошқа мамлакат ҳудудида юз беради.

<sup>53</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. Т.4. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.167.

Трансмиллий жинойтчиликнинг халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан таърифи Интерполнинг Европа минтақаси конференциясида унинг собиқ президенти Б.Эрикссон томонидан таклиф этилган (Любляна, 1995). БМТнинг “Трансмиллий уюшган жинойтчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияси трансмиллий жинойтчилик тушунчасини уюшган жинойтчилик билан боғлаган ҳолда таърифлайди<sup>54</sup>.

“Уюшган жинойтчилик иштирокчилари битта жинойтни ёки келишилган миқдордаги жинойтларни содир этиш учун эмас, балки жинойий фаолият билан шуғулланиш учун бирлашадилар”.

Конвенция моддаларининг трансмиллий жинойтчиликка оид қоидаларини таҳлил қилар экан, айрим муаллифлар уни жинойий уюшмаларнинг давлат чегараларини кесиб ўтиши билан боғлайдилар. Ҳолбуки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Конвенцияда ушбу талаб мажбурий ҳолат сифатида белгиланмаган.

**“Трансмиллий”** тушунчаси 1971 йилдаёқ америкалик криминологлар томонидан таклиф этилган бўлиб, бу 1994 йил Неаполда бўлиб ўтган Умумжаҳон конференциясида илк маротаба расмий доирада қўлланилган. Унга биноан, **“трансмиллий жинойтчилик”** деганда жинойий уюшмалар томонидан ахборот мажмуи, пул, жисмоний объектлар, инсонлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий воситаларни иқтисодий фойда олиш, шунингдек, ижтимоий назоратдан коррупция, зўравонлик ва турли мамлакатлар жинойт одил судловидаги турли тизимдан фойдаланиш йўли билан ижтимоий назоратдан бўйин товлаш мақсадида давлатлар чегаралари орқали олиб ўтишдир”.

Шундай қилиб, уюшган жинойтчилик қуйидаги талабларга жавоб берса, трансмиллий жинойт деб топилади:

1) улкан иқтисодий фойда келтирувчи моддий ва номоддий ресурсларни давлатлараро чегаралардан ўтказишга доир ноқонуний операциялар билан боғлиқ бўлса;

2) уни амалга оширишда бошқа давлатларнинг қулай бозор конъюнктурасидан фойдаланилади.

Мухтасар айтганда, **трансмиллий жинойтлар** деганда, жинойий қилмиш ёки унинг оқибатлари бир мамлакат ёки минтақа худудидан ташқарига чиқувчи, бир вақтнинг ўзида бир неча мамлакатлар доирасида содир этилувчи жинойтлар мажмуи тушунилади.

Трансмиллий жинойтлар жинойтчиликнинг энг хавфли шаклларида бири ҳисобланади. Бу бежиз эмас, зеро, трансмиллий асосда жинойт содир этилганда жинойтнинг моҳияти ўзгаради, яъни муайян жинойт икки ёки ундан ортиқ мамлакатлар доирасида содир этилганда, жинойтда қатнашувчи кучлар ҳаракати ўзаро бирлашади ҳамда улар ўртасида келишув вужудга

<sup>54</sup> The United Nations Convention against Transnational Organized Crime, adopted by General Assembly resolution 55/25 of 15 November 2000



келади. Пировард натижада бир мамлакат доирасида содир этишнинг имкони бўлмаган ижтимоий хавфли қилмиш содир этилади.

Трансмиллий жиноятчилик тушунчасини умумий жиноятчилик доираси билан белгилаш мумкин бўлиб, бу ўз объектив асосларига эга. Биринчидан, Нюрнберг ва Токио сингари фавқулодда ташкил этилган халқаро жиноят судларини истисно этганда, сиёсий, ҳарбий, диний ва ирқий тусдаги жиноятлар юзасидан жиноят-ҳуқуқий ва процессуал қарорлар қабул қилиш давлатларнинг суверен тенглиги халқаро-ҳуқуқий тамойилига асосан ҳар бир алоҳида давлатнинг ўзига хос ваколатидир. Иккинчидан, мазкур жиноятларга нисбатан давлатлараро муносабатларнинг махсус мезони мавжуд. Учинчидан, ушбу умумжиноий жиноятчилик қарши курашда айнан миллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўрни салмоқлидир<sup>55</sup>.

Трансмиллий жиноятларни олдини олиш ва уларга қарши курашда мамлакатларнинг ҳукуматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликда ишлаш талаб этилади. Бу борада давлатлар томонидан гиёҳванд моддалар ноқонуний муомаласи ва савдоси, қароқчилик, қулларни сотиш, терроризм, қийноққа солиш, ирқчилик, халқаро уюшган жиноятлар сирасига кирувчи одам савдоси, ноқонуний миграция, ноқонуний курул савдоси ва коррупция каби жиноятларга қарши курашда ҳамкорликни таъминлашга қаратилган бир қатор халқаро шартномалар имзоланган. Бу жиноятлар содир этилиш шароити ва мақсадига қараб халқаро тусга эга жиноятлар ёки халқаро жиноятлар бўлиши мумкин. Бу жиноятлар халқаро жиноят сифатида БМТнинг халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан Халқаро Жиноят Суди статути лойиҳасига “уюшган жиноятлар” сифатида киритилган, бироқ Рим статутининг муҳокамасида давлатлар томонидан чиқариб ташланган.

Давлатлар трансмиллий жиноятчилик таъсирида зарар етказилаётган қадриятлар жаҳон ҳамжамияти учун етарли даражада муҳим эканлигига ва Халқаро Жиноят Суди ушбу жиноятларга қарши курашнинг самарали воситаси эканлигига ишонч ҳосил қилсалар, трансмиллий жиноятлар ҳам халқаро жиноятлар сифатида тан олинishi ва ХЖС юрисдикциясига киритилиши мумкин<sup>56</sup>.

Трансмиллий жиноятлар тизимида уч элементни алоҳида ажратиб кўрсатиб ўтиш лозим: халқаро жиноятлар, халқаро тусдаги жиноятлар ва чет элликлар билан боғлиқ жиноятлар.

Халқаро жиноятлар деганда, халқаро тинчлик ва хавфсизликка, инсониятга қарши жиноятлар тушунилиб, улар бутун инсоният учун таҳдид солади. Улар сирасига агрессия, геноцид, апартеид, колониал ҳукмдорликни зўрлик билан ўрнатиш ёхуд сақлаб қолиш, ядро куролини қўллаш, расизм, терроризм ва ҳ.к.ларни киритишимиз мумкин. БМТ Халқаро Суди 1970 йил 6 феврал кундаги ўз қарорида “*orga omnes*” тарздаги, ижро этилишида бутун

<sup>55</sup> An introduction to international law and procedure, 2007. Robert Cryer ISBN 9780521876094 Cambridge University Press. p.281.

<sup>56</sup> An introduction to international law and procedure, 2007. Robert Cryer ISBN 9780521876094 Cambridge University Press. p.281-282.

халқаро ҳамжамият манфаатдор бўлган мажбуриятлар мавжудлигини тан олди. Бу мажбуриятларга биринчи навбатда халқаро хавфсизлик ва тинчликни таъминлашга қаратилган мажбуриятлар оиддир.

Халқаро тусдаги жиноятлар давлатлараро барқарор муносабатларга, давлатлараро, халқаро ташкилотлараро ва турли мамлакатлар фуқаролари ўртасида қарор топган тинчлик ва ҳамкорликка зарар етказди. Улар жумласига контрабанда, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомаласи ва савдоси, ноқонуний миграция, денгизда ёрдам кўрсатмаслик, қароқчилик, сув ости симларини вайрон қилиш, порнография материалларини тарқатиш, денгиз кемаларини тўқнаштириш, одам савдоси, ҳаво кемасини олиб қочиш, ҳаво кемасида жиноят содир этиш, пул купюраларини қалбакилаштириш каби жиноятлар мансуб.

Чет эллик шахслар билан боғлиқ жиноятларга ушбу шахслар томонидан ҳамда уларга қарши содир этиладиган жиноятлар киради.

Бу ҳақда А.Х.Саидов халқаро жиноятларнинг халқаро аҳамиятга эга бўлган жиноятлардан қуйидаги фарқларни белгилайди, яъни халқаро жиноятларда субъект сифатида давлат механизмидан жиний мақсадда фойдаланувчи давлатлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек оддий ижрочилар тан олинса, халқаро аҳамиятга эга бўлган жиноятларни эса жисмоний шахслар содир этади. А.Х.Саидов фикрича халқаро жиноятнинг юридик мақоми халқаро ёки икки давлат бўлса, халқаро аҳамиятга эга бўлган жиноятларнинг юридик мақоми ички давлат бўлади<sup>57</sup>.

### **3.2. Терроризм, одам савдоси, гиёҳванд воситалар ноқонуний муомаласи билан боғлиқ трансмиллий жиноятларнинг умумий тавсифи.**

Бугунги кунда трансмиллий жиноятлар гуруҳига қуйидаги жиноятларни киритиш мумкин: а) одам савдоси; б) терроризм; в) контрабанда; г) диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган фаолият билан шуғулланиш; д) гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш е) қийноққа солиш ва бошқалар.

Даромади нуқтаи назардан қуйи ўринни эгаллаган бўлсада, давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдиди бўйича биринчи ўринда турган навбатдаги трансмиллий жиноят – терроризмдир.

Терроризм тушунчасини ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш унинг барча ҳуқуқшунослар учун умумий бўлган ягона таърифи бўлмаганлиги боис бир катор қийинчиликлар келтириб чиқаради. Терроризмнинг аниқ таърифи ва унинг қандай жиноят эканлиги борасида ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари турлича. Айниқса, 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин ҳуқуқшунос олимлар ва сиёсатчилар томонидан турли қарашлардаги кўплаб фикрлар билдирилди. Баъзилари терроризмни инсон ҳуқуқларига тажовуз қилувчи

<sup>57</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам (ўзбекча нашр). Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: Адолат, 2004.

оғир жиноят деб тарифласа, баъзилари давлатга қарши оғир жиноят сифатида таърифлади. Буюк Британия ва бошқа мамлакатлар ҳуқуқ тизимида терроризм алоҳида махсус жиноят сифатида белгиланмасдан, терроризм билан боғлиқ оғир жиноятларни миллий жиноят ҳуқуқи билан тартибга солади<sup>58</sup>.

Терроризм – жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш, аҳолининг кенг қатламларида ваҳима ва қўрқув уйғотишга қаратилган ижтимоий ва сиёсий курашнинг ўзига хос усулидир. У яширин (конспиратив) руҳдаги ташкилоти томонидан беқарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадида қўлланилади. Терроризмнинг энг асосий хусусиятларидан бири бундай ҳаракат тарафдорларининг “зўрлик давлатни қулатувчи ва ҳокимиятга эришишни осонлаштирувчи парокандаликка олиб келади” - деган ғояга асосланиб ҳаракат қилишларида яққол кўринади. Терроризмнинг яна бир хусусияти ҳеч қандай уруш бўлмаётган, тинчлик ҳукмронлик қилаётган, жамиятда демократик институтлар фаолият кўрсатаётган бир шароитда муқобил усулларни атайин инкор этган ҳолда, сиёсий масалаларни зўрлик йўли билан ҳал қилишга интилишда кўринади.

Терроризмга қарши кураш борасидаги илк саъй-ҳаракатлардан бири 1937-йилда Миллатлар Лигасида қабул қилинган “Терроризмни олдини олиш ва жазолаш” Конвенцияси бўлиб, у 1934-йилда Югославия кироли Александр I нинг ўлдирилиши билан боғлиқ террористик жиноятлар сабаб қабул қилинган. Бироқ, бу Конвенция бирорта давлат томонидан ратификация қилинмади ва кучга кирмай қолди. 1972-йилда БМТ Бош Ассамблеяси терроризмга қарши курашувчи кўмитани тузиши билан БМТ ўзига терроризмга қарши курашни ташкил этиш вазифасини олди. Кўмита 1979-йилга қадар бирор марта учрашув ўтказмади ва терроризмга қарши кураш бўйича келишув тугалланмай қолди. Кейинчалик, турли соҳаларда террористик фаолиятга қарши курашни ўзида ифодалаган халқаро шартномалар қабул қилина бошланди. Бундай шартномалар сони 11та бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўзи қамраб олган соҳада содир этилажак террористик жиноятларни тартибга солишни назарда тутди. Буларнинг дастлабкилари бўлган Гаага ва Монреаль Конвенциялари бўлиб, фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши террористик жиноятларга қарши курашни ўзида ифодалади. 1997-йилда “Террористик қўпоровчиликка қарши кураш” Конвенцияси қабул қилиниши билан, турли халқаро шартномаларда белгиланган террористик жиноятларни тартибга солувчи ягона халқаро ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди<sup>59</sup>.

1997-йилда қабул қилинган “Террористик қўпоровчиликка қарши кураш” Конвенциясига мувофиқ ҳар бир давлат унинг ҳудудида, унинг кемаларида, ҳаво кемаларида ёки унинг фуқаролари томонидан содир этилган террористик жиноятларни ўзларининг юрисдикциясига олишлари

<sup>58</sup> An introduction to international law and procedure, 2007. Robert Cryer ISBN 9780521876094 Cambridge University Press. p.283-284.

<sup>59</sup> An introduction to international law and procedure, 2007. Robert Cryer ISBN 9780521876094 Cambridge University Press. p.284-285.

шарт. Шунингдек, фуқароларига, давлатга ёки ҳукумат объектларига қарши қаратилган террористик жиноятларни, фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган ёки ҳукуматни бирор хатти-ҳаракат ёхуд ҳаракатсизликни содир этишга мажбур қилиш билан боғлиқ террористик жиноятларни, ушбу давлатга тегишли ҳаво кemasида содир этилган террористик жиноятларни ўз юрисдикциясига олиши мумкин<sup>60</sup>.

Бугунги кунда одам савдоси жиноятининг ўсиши, бундай жиноятларни уюшган гуруҳлар ҳамда жиноий уюшмалар томонидан ўзаро тил бириктирилган ҳолда содир қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Одам савдосига қарши курашиш муаммоси кўпқиррали бўлиб, унинг ечимини топиш комплекс ёндашувни талаб қилади. Одамлардан халқаро миқёсда фойдаланиш учун уларни ёллаш, яъни одам савдоси деб аташга одатланилган бу жиноят ҳам қурол-яроғ ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари билан боғлиқ сердаромад жиноятларга ўхшаш бўлиб, бу борадаги уюшган жиноий фаолият мўмай даромад келтириши, амалга ошириш усуллари эса ўта махфий ва хавфли эканлиги билан ажралиб туради.

Мазкур жиноятнинг яна бир хавфли жиҳати шундаки, ҳозирги даврда бутун дунёда одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий уюшмалар ёки жиноий гуруҳларнинг жиноий фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай йўллар мавжуд. Уюшма ва жиноий гуруҳлар ўз олдига алдаш йўли билан ёлланган, кейинчалик сотиб юборилган ва сотиб олинган инсонларни шахвоний хизматлар кўрсатишда, оғир ишлаб чиқаришларда, қишлоқ хўжалигида текинга ишлатишга мажбур қилишни мақсад қилиб қўяди.

Одам савдосининг яна бир ижтимоий хавфлили томони шундаки, бу жирканч ишлар нафақат бир давлат ҳудудидаги жиноий гуруҳларнинг, балки халқаро жиноий уюшмаларнинг ва мавқеи ҳам катта. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида одам савдосига қарши курашни муқаррар равишда тақозо қилмоқда.

МДХ давлатлари учун энг жиддий хавф наркобизнесдир. Жаҳон ҳамжамияти томонидан “Аср вабоси” деб эътироф этилаётган гиёҳванд моддалар ноқонуний муомаласига қарши кураш энг долзарб муаммолардан бирига айланиб улгурди. Бу ҳақда Президентимиз Ислон Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида гиёҳвандлик воситалари савдоси нафақат трансмиллий жиноят бўлибгина қолмай, балки халқаро террорчилик ташкилотларини молиялаштирувчи манба бўлиб қолаётганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигига урғу бериш орқали таъкидлаб ўтган.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида “Биз ана шу иллатга қарши курашда кенг кўламли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз. Жаҳонда ишлаб чиқарилаётган моддаларнинг талайгина қисми Марказий Осиёда тайёрланганлиги ёки унинг орқали ташиб ўтилаётганлиги ҳеч кимга

---

<sup>60</sup> An introduction to international law and procedure, 2007. Robert Cryer ISBN 9780521876094 Cambridge University Press. p.288.

сир эмас. Наркобизнеснинг транзит йўналишлари бир минтақада жамланишининг ўзиёқ мана шу даҳшатли ҳодисани тугатишда жаҳон ҳамжамияти ўз имкониятларини жамлаб ишга солиш учун етарли асос бўлади. Ўзбекистон барча манфаатдор мамлакатлар ва ташкилотлар билан бу борада ҳамкорлик қилишга тайёр”, деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, республикамиз ҳудудидан наркотранзит сифатида фойдаланиб, олиб ўтилаётган гиёҳвандлик воситалари миқдорининг ҳам ошиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Россия Федерациясининг Наркотикларни назорат қилиш федерал хизмати маълумотларига кўра, халқаро наркомафия йилига ўртача 100 млрд АҚШ доллари қийматидаги афғон героинини реализация қилади ва бундан олган даромадларидан турли жиноий мақсадларда фойдаланади. Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш агентлиги маълумотларига кўра, мамлакат ҳудудида наркотикларнинг савдоси билан шуғулланувчи халқаро уюшган жиноий гуруҳлар янада фаоллашмоқда. Афғон наркотрафиги йўналишларида жойлашган ва бу иллатдан зарар кўраётган давлатларда наркобизнесга қарши курашиш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни жадаллаштириш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлишга интилиб келмоқда.

Кейинги йилларда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний савдоси билан шуғулланадиган жиноий гуруҳлар фаолияти муайян давлат ҳудудидан чиқиб трансиллий наркосиндикатлар юзага келди. Трансиллий наркосиндикатлар ўз эҳтиёжлари йўлида илмий техника тараққиёти натижаларидан фойдаланиши уларнинг техник-молиявий имконияларини оширмоқда. Уларнинг ўз жиноий фаолиятларида энг замонавий қурол ва воситалардан, электрон таъминот тизимидан, жумладан, глобал ахборот тизими-интернетдан фойдаланишлари муаммонинг кўламини янада ортишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, гиёҳвандликнинг ижтимоий хавфлилиги яна шунда намоён бўладики, гиёҳвандлик воситаларига қарамлик натижасида рўй берган инсон хулқ-атворидаги салбий ўзгаришлар туфайли, у криминоген омил бўлиб хизмат қилади.

Кўшни Афғонистон опий етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринда туриши (бутун дунёда ишлаб чиқилган опийнинг 93%и Афғонистон ҳиссасига тўғри келади) ва ушбу гиёҳвандлик воситаларининг асосан хориж мамлакатларига сотиш учун мўлжалланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистон ҳудуди ҳам гиёҳвандлик воситаларини ўтказишда транзит йўллари билан бири ҳисобланади. Бу эса, республикамизга Афғонистон ва Тожикистон орқали гиёҳванд воситалар кириб келиши билан боғлиқ ҳолатларга қарши жиддий курашишни талаб қилади.

Гиёҳванд моддаларга қарши кураш нафақат бирон-бир давлат ёки унда фаолият юритувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вазифаси бўлмасдан, балки, бутун жамият учун бирдай масъулиятли вазифа бўлмоғи лозим. Зеро, шундагина кутилган натижа ўзининг самарасини беради.

### **3.3. Компьютер жиноятчилиги ва қийноққа солиш жиноятчилигининг умумий тавсифи**

Трансмиллий жиноятчилик тизимида айниқса сўнгги йилларда шиддат билан ривожланиб бораётган кибержиноятчилик – электрон муҳитда содир этиладиган жиноятчиликни, шу жумладан кибертерроризмни ҳам киритиш лозим.

Бугунги кунда кибержиноятчилик кўплаб экспертлар томонидан алоҳида давлатлар ҳамда халқаро ҳамжамиятлик хавфсизлигига таҳдид сифатида баҳоланмоқда. Бу ўз навбатида мазкур қилмишларга қарши ҳуқуқий таъсир чораларини ишлаб чиқишга ундади. Ушбу чора-тадбирлар самараси ўларок 2000 йилда Глобал ахборот жамияти Хартияси ва 2001 йилда ЕХХТнинг “Кибержиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияси қабул қилинди, шу кунга қадар дунёнинг турли бурчакларида мазкур муаммога бағишланган махсус форумлар ўтказилди.

Киберхужумлар сони бўйича бугунги кунда АҚШ етакчилик қилади, унинг ҳисобига дунё миқёсида содир этилаётган кибержиноятларнинг 35,4%и тўғри келади. Кибержиноятлар бўйича 2-ўринда Жанубий Корея – 12,8%; ундан сўнг Хитой – 6,9%; Германия – 6,7%; Франция – 4% туради.

Кибержиноятчиликнинг асосий мўлжали молиявий институтлар бўлиб, уларга тажовуз қилиш жиддий ва оғир оқибатларга сабаб бўлади. Масалан, Нью-Йорк биржасининг ташқи дунё билан алоқасини бир неча дақиқага тўхтатиб қўйиш унинг биносини портлатишдан кўра кўпроқ зарар етказди. Шунингдек, 2003 йилда бирин-кетин АҚШ ва қатор Европа мамлакатлари энерготизимида рўй берган йирик авариялар ҳам айрим маълумотларга караганда электрон террорчилар ҳаракати оқибатидир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 72 та асосий ҳужжатга қўшилди. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”нинг қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳам инсон ҳуқуқларинининг кўпол бузилишидир. Халқаро ҳамжамият томонидан бундай қилмишлар инсоният шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш сифатида баҳоланади.

Қийноққа солиш жиноятини қоралаш хусусида халқаро ҳуқуқий мулоҳазалар деярли бирхилдир. Ушбу жиноятни содир этганлар инсониятнинг умумий душмани сифатида қабул қилинади. Халқаро ҳуқуқда

қийноққа солиш жиноятига мутлақ тақиқ белгиланган. Ҳеч қандай истисно ҳолатлар мавжуд эмас, ушбу тақиққа, ҳаттоки, ғавқулодда ҳолатлар ва урушларда ҳам риоя қилиниши керак. Давлат ва давлат бошлиқлари ушбу жиноятни содир этса, халқаро ҳуқуқ доирасида жавобгар бўладилар<sup>61</sup>.

БМТ томонидан 1948-йил 10-декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”нинг 5-моддасида: “Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак”, - дейилади. “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг 7-моддасида: “Ҳеч ким азоб-уқубатга солинмаслиги ва унга нисбатан шафқатсиз, ноинсоний ёки кадр-қимматни хўрловчи муомала қилинмаслиги ёки жазоланмаслиги керак...”, - дейилади. Ушбу ҳужжатларда назарда тутилган қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

БМТнинг Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ҳамда инсон кадр-қимматини камситувчи муносабатлар ва жазолаш турларига қарши конвенция халқаро ҳуқуқдаги мавжуд тақиқни янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Ушбу конвенция ҳар бир аъзо давлатдан уларнинг жинойий ҳуқуқида қийноққа солиш жинояти учун жинойий жавобгарликни қўллашни талаб қилади. Шунингдек, ушбу жиноятнинг шарҳи худди конвенциядагидай эмас, балки янада кенгроқ бўлиши мумкин<sup>62</sup>.

Бугунги кунда халқаро миқёсда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашни тақиқловчи ҳужжатлар: “Ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисида”ги Женева Конвенцияси, “Барча хомийлик остидаги худудларда тан жазосини бутунлай бекор қилиш мақсадида тезкор чоралар кўриш тўғрисида”ги БМТ Бош Ассамблеясининг тавсиялари, “Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари”, “Барча шахсларни қийноқ ва бошқа шафқатсиз, раҳмсиз ёки инсоннинг кадр-қимматини хўрлайдиган муомала ва жазо турларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Декларация, “Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш юзасидан мансабдор шахсларнинг ахлоқ Кодекси”, “Маҳбуслар ёки ҳибсга олинган шахсларни қийноқ ҳамда жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларидан ҳимоя қилишда соғлиқни сақлаш ходимларининг, айниқса, шифокорларнинг ролига тааллуқли тиббиёт этикаси принциплари”, “Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида”ги Халқаро Конвенция, БМТнинг Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ҳамда инсон кадр-қимматини камситувчи муносабатлар ва жазолаш турларига қарши конвенция ва бошқалар.

<sup>61</sup> An introduction to international law and procedure,2007. Robert Cryer ISBN 9780521876094 Cambridge University Press. Pages 281-299.

<sup>62</sup> An introduction to international law and procedure,2007. Robert Cryer ISBN 9780521876094 Cambridge University Press. p.294.

БМТ томонидан 1984 йил 10 декабрда қабул қилинган Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ҳамда инсон кадр-қимматини камситувчи муносабатлар ва жазолаш турларига қарши конвенция қийноқларнинг олдини олишга қаратилган махсус ҳужжат саналади. Конвенция БМТнинг конвенциявий ҳужжатларидан бири ҳисобланади. 2012 йилнинг бошига келиб Конвенцияни 120 дан ортиқ давлат ратификация қилди ёки имзолади. Ушбу Конвенцияни Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августда ратификация қилди.

Конвенцияда яна бир қатор талаблар мавжуд бўлиб, унга кўра; Давлат органлари судда қийноққа солиш оқибатида олинган маълумотларни далил сифатида ишлатиши мумкин эмас, шахсни қийноққа солиниши мумкин бўлган давлатга депорт қилиши, экстрадиция қилиши ёки юбориши мумкин эмас ва қийноққа солинган жабрланувчиларга маънавий ва моддий зарарни қоплаб бериши шарт<sup>63</sup>.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларини қўллаш жиноятининг **объекти** одил судлов манфаати, адолатли суд муҳокамасининг таъминланиши, шу билан бирга жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги, ҳукм қилинмаслиги ҳисобланади. Факультатив объекти қийноққа солинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи, унинг шаъни ва кадр-қимматидир.

Объектив томондан жиноят бевосита қийноққа солиш, шафқатсиз, ғайриинсоний, шахснинг кадр-қимматини камситувчи муомала ва жазо турларини қўллаш орқали содир этилади.

Конвенцияга кўра жиноятни икки муҳим объектив томони бор: биринчидан, инсонга жисмоний ва руҳий жиҳатдан шафқатсиз азоб берилади, иккинчидан, ушбу ҳолатга давлат ҳокимият томонидан розилик берилади ёки ҳаракатсизлик қилинади<sup>64</sup>.

Шу ўринда қийноқ, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала тушунчасига тўхталиб ўтсак, Конвенциянинг 1-моддасида “қийноқ” тушунчасига: “... бирор шахсга ундан ёки учинчи шахсдан кўрсатма олиш ёки иқроқ қилдириш мақсадида у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этишликда гумон қилинаётган ҳаракат жазолаш, шунингдек, уни ёки учинчи шахсни кўрқитиш ёки мажбурлаш ёхуд барча кўринишдаги камситишга асосланган исталган сабабга кўра, қасддан жисмоний ёки маънавий қаттиқ оғриқ ёки азоб берувчи ҳар қандай ҳаракат”, - деб таъриф берилади.

Джорж Райли Скотт: “Қийноқ ҳолат ва мақсадларидан ҳамда унинг тамом бўлиши ёки инсон ҳаётидан маҳрум этилишига сабаб бўлишидан

<sup>63</sup> An introduction to international law and procedure, 2007. Robert Cryer ISBN 9780521876094 Cambridge University Press. p.295.

<sup>64</sup> An introduction to international law and procedure, 2007. Robert Cryer ISBN 9780521876094 Cambridge University Press. p.295-296.



катъи назар инсонга азоб ва оғриқ етказувчи ҳар қандай жараёндири”, - деб таъкидлайди.

С.Ожегов эса, қийноқни: “айбланувчини сўроқ қилишда жисмоний зўрлик ишлатиш, қийнаш”, - деб таърифлайди.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида мазкур тушунча тўлиқ очиб берилган бўлиб, унга кўра, қийноқ: 1) жисмоний ёки руҳий азоб, азият, озор; 2) қийнаш ва азоблашнинг йўли, усуллари ва уларни қўллаш, деб изоҳланади.

Қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо деганда жабрланувчини ҳақоратлаш, камситиш ёки жисмоний ва маънавий қаршилигини синдириш учун кўрқув, тушкунлик ва номукамаллик ҳиссини уйғотишга қаратилган муомалани тушуниш керак.

Бугунги кунда дунёнинг кўпчилики давлатларида бу тусдаги қилмишлар учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Конвенциянинг 9-15-моддалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 17, 18, 19, 22, 23, 27, 88-моддаларига тўла мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 16-боби “Одил судловга қарши жиноятлар” деб номланиб, 235-моддасида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларини қўллаганлик учун халқаро ҳамда миллий қонунчилигимизда жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, қийноққа солиш фактининг ўзи ҳамжамият тмонидан халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ва нормаларини бузувчи оғир ҳуқуқбузарлик, инсониятга қарши жиноят сифатида тан олинади.

### **Назарий саволлар:**

1. Глобаллашув жараёни трансмиллий жиноятчиликнинг ривожланишига қандай таъсир ўтказмоқда?

2. Трансмиллий жиноятчилик билан халқаро жиноятчилик тушунчалари орасида қандай фарқ бор?

3. Трансмиллий жиноятларга қайси жиноятларни мисол келтира оласиз?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

2. Рустамбоев М.Х. Курс уголовного право Республики Узбекистан. Четвёртый и пятый том – Т.: ТГЮИ, 2008.

3. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи 2000 йил 15 ноябрдаги “Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ва тўхтатиш ва уларни содир этганлик учун жазолаш тўғрисида” ги Протоколи// Сборник нормативно-правовых

документов по вопросам миграции и противодействия торговле людьми в области прав человека. - Тошкент: 2007.- 76 б

4. An introduction to international law and procedure, 2007. Robert Cryer ISBN 9780521876094 Cambridge University Press. Page № 295.

5. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам (ўзбекча нашр). Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: Адолат, 2004.

6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. Т.4. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.167.

7. <http://www.lex.uz>

8. <http://www.ziyonet.uz>.

## 4-мавзу: Хабеас корпус институтини қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатлари.

### Режа:

- 4.1. “Миранда қоидаси”нинг мазмун-моҳияти.
- 4.2. “Хабеас корпус” институти нормаларининг миллий қонунчиликдаги ифодаси.
- 4.3. “Хабеас-корпус” институти қўлланилиши инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ишончли кафолати.

**Таянч иборалар:** *“Миранда қоидаси”, “Хабеас корпус” институти, суд, мажбурлов чоралари, эҳтиёт чоралари, ярашув институти*

### 4.1 “Миранда қоидаси”нинг мазмун-моҳияти

Инсон ҳуқуқларига оид дунё мамлакатлари қонунчилиги ривожланишининг эътиборли жиҳати шундаки, инсон ҳуқуқлари бўйича айрим нормалар дастлаб миллий ҳуқуқда пайдо бўлиб, сўнгра халқаро-ҳуқуқий нормалар ва стандартларга айланган. Хусусан, демократик сайловлар ўтказишга оид ҳозирда мавжуд халқаро нормалар ривожда ҳам миллийликдан универсаллик сари тенденциясини кўриш мумкин<sup>65</sup>.

Масалан, XX асрнинг ўрталарига келиб фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тенг таъминлаш ҳам универсал, ҳам минтақавий ташкилотлар фаолиятининг устувор вазифаларидан бирига айланади ҳамда миллий сайлов ҳуқуқининг таъсири ўлароқ, халқаро сайлов стандартлари вужудга келган. Бошқа томондан эса мазкур ҳужжатлар у ёки бу соҳа тизимида ривожланишнинг янги даврини бошлаб берган.

“Миранда қоидаси” ҳам ўтган асрнинг 60-йилларида АҚШда жиноят оламида ўзига хос “ном қозонган” Эрнест Артуро Миранда номи билан боғлиқдир. Ахир, Миранда ўзи ашаддий жиноятчи бўлган бўлса, унинг инсоният учун хизмат қиладиган қандай қоидаси бўлиши мумкин, деган фикр пайдо бўлиши табиий.

<sup>65</sup> Турсунов Х. “Миранда қоидаси” бу ҳақда нимани биласиз? <http://www.minjust.uz>

“Сиз сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз. Сиз айтганларнинг ҳаммаси судда ўзингизга қарши фойдаланилиши мумкин”.

Бу машҳур ибора бир неча марта жинойий жавобгарликка тортилган Эрнест Артуро Миранда исмли АҚШ фуқаросининг номи билан боғлиқ.

Гап шундаки, 1966 йили бир неча жинойятни содир этганликда гумон қилиниб, ҳибсга олинган Мирандага сўроқ қилинишдан олдин унинг гумондор сифатидаги ҳуқуқлари ўқиб эшиттирилмаган. Миранда ўз ҳуқуқларини билмаган ҳолда айбига иқрорлик кўрсатувларини берган, бундай кўрсатувлардан эса унинг иқрорлигига исбот сифатида фойдаланилган. Кейинчалик суднинг бу ҳукми Миранда ўз ҳуқуқларидан хабардор қилинмаганлиги сабабли АҚШ Олий суди томонидан бекор қилинган<sup>66</sup>.

Нега деганда, АҚШ Конституциясининг 5 ва 6-қўшимчаларида ҳеч ким жинойий ишларда ўзига ўзи қарши гувоҳлик беришга мажбур қилиниши; ҳеч бир шахс қонуний судда кўрилмай ҳаёти, эркинлиги ёки мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, шунингдек, айбланувчи айбловнинг моҳияти ва асосларидан хабардор бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, у ўзига қарши кўрсатув бераётган гувоҳлар билан юзма-юз учрашиши, ўзи томонидан гувоҳларни мажбуран келтириш ёки ўз ҳимояси учун адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган эди.

Шундан буён “Миранда қоидаси” дастлаб сўроқ қилиш олдидан ёки ушлаб туриш вақтида гумон қилинувчи ва айбланувчига қуйидаги ҳуқуқлари тушунтирилишини кафолатлади:

“Сиз сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз. Сиз айтганларнинг ҳаммаси судда ўзингизга қарши фойдаланилиши мумкин. Сўроқ жараёнида адвокатингиз қатнашиши мумкин. Агар адвокат хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмасангиз, Сиз адвокат билан давлат томонидан таъминланасиз. Ҳуқуқларингизни тушундингизми?”

Шуни айтиш керакки, “Миранда қоидаси” бугунги кунда барча давлатлар Конституцияси ва қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда умумэътироф этилган норма сифатида белгиланган. Яна бир жиҳати шундаки, “Миранда қоидаси” турли давлатлар қонунчилигида турли хилда ўз ифодасини топган.

Масалан, биргина АҚШнинг ўзида, яъни Янги-Мексика, Техас, Аризона ва Калифорния каби штатлар қонунчилигида ушбу қоида шундай белгиланган:

“Агар Сиз Қўшма Штатлар фуқароси бўлмасангиз, саволларга жавоб бериш олдидан мамлакатингиз консули билан алоқада бўлишингиз мумкин”.

Баъзи штатларда, хусусан, Виржинияда эса бу қоида шундай тартибда белгиланган: “Сиз ҳар қандай вақтда саволларга жавоб беришни рад этишингиз мумкин”.

<sup>66</sup> Mark E. Cammack and Norman M. Garland. Advanced criminal procedure. – Thomson/West, 2006. –p. 483.

Германия Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ айбланувчи биринчи сўроқ олдидан қуйидаги ҳуқуқлар билан таништирилиши керак:

- қандай ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ва бунга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаси;
- айбловга нисбатан ўз муносабатини билдириш ёки билдирмаслик;
- ҳар қандай пайтда ва сўроқ вақтига қадар ўзи танлаган адвокат билан холи маслаҳатлашиш<sup>67</sup>.

Жиноят-процессуал кодексининг 224-моддасига мувофиқ эса ички ишлар органи ходими гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини билдириши ва ундан яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт. Шу билан бирга, ички ишлар органи ходими ёки бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнғироқ қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши, шунингдек у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши шарт.

Англо-саксон ҳуқуқ оиласининг муҳим институтларидан бири бўлган “Хабеас корпус акт” ҳам дастлаб миллий ҳуқуқда пайдо бўлиб, сўнгра халқаро даражада умумэътироф этилган ҳужжат сифатида тан олинган инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишга оид жаҳон мамлакатлари қонунчилигининг фундаментал асосини ташкил этиши билан бирга ушбу соҳа ривожини йўлида ўзига хос янги даврга асос солган.

Ўзбекистонда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари бугунги кунда ўзининг янги поғонасига кўтарилмоқда. Бу ислохотларда қамоққа олишни судга ўтказилиши масаласи бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “суд – одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён”дир. Ушбу жараёнда санкция бериш ваколатини судларга ўтказилиши, одил судловни амалга оширишда, адолатлилик, инсонпарварлик принципларини амалда қўлланиши учун яна бир ҳуқуқий кафолат яратилди.

Одил судловнинг муҳим институтларидан бўлган “Habeas Corpus” институти узоқ тарихга эга. Чунки, инсонларга нисбатан адолатли одил судловни қўллаш мавзуси яқинда пайдо бўлмаган ва у ўтмишга бориб тақаладиган илдизга эгадир. Адолатли, инсонпарвар одил судлов қадимги машҳур мутафаккирлар, давлат арбобларининг қарашлари ва ғояларида, диний таълимотларда, турли халқлар амалиётида долзарб мавзулардан бири бўлган. Вақт ўтиши билан эса, демократик жамиятга асосланган ҳуқуқий давлатнинг муҳим институтига айланди.

<sup>67</sup> Турсунов Х. “Миранда қондаси” бу ҳақда нимани биласиз? <http://www.minjust.uz>

Маълумки, жиноий таъқибга учраган фуқаронинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи “Habeas corpus” дея номланади. Бу атама 1679 йил 26 май куни инглиз парламенти томонидан қабул қилинган қонун – “Хабеас Корпус Акт” атамасидан олинган. “Хабеас-корпус” (Habeas Corpus) атамаси лотинчадан ўзбек тилига ўгирилганда “танани, шахсни (судга) келтириш” маъносини англатади<sup>68</sup>. Ғарб мамлакатларида жиноий таъқибга учраган, ҳибсга олинган ёки қамоқда сақланаётган фуқаронинг адолатли суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқини “хабеас-корпус” деб номлаш одат тусига кирган.

Ушбу институт дастлаб XII асрдан бошлаб Англияда қўлланила бошлаган. XIV асрда Эдуард I қироллиги даврида эса, ушбу амалиёт урф-одатга айлана бошлаган. Мазкур урф-одат ўз навбатида инсон ҳуқуқлари масаласи норматив ҳужжат кўринишини ола бошлаган даврда, аниқроқ айтганда, 1679 йил 26 май куни Англияда қабул қилинган “Фуқаро эркинлигини янада яхшироқ таъминлаш ва денгиздан ташқари ҳудудларда асоссиз ҳибсга олишларнинг олдини олиш тўғрисида”ги қонун ёки “Habeas Corpus Act”да ўзининг норматив қиёфасини топди. Инглиз парламенти томонидан қабул қилинган ушбу қонун ўз даври учун энг демократик ҳужжатлардан ҳисобланган ва ғарб дунёсини қамраб олишни бошлаган буржуа инқилобларини натижасида вужудга келаётган демократик жамиятлар томонидан тезда қабул қилина бошлаган.

“Хабеас корпус” ўз номини судьянинг озодликдан маҳрум этилган шахсни судга олиб келиш тўғрисидаги буйруғининг биринчи сўзларидан олинган бўлиб, “Habeas corpus ad subjiciendum”<sup>69</sup>, яъни (сен шахсни судга олиб келишга мажбурсан), деган маънони англатади. Бу тартибот XV асрлардаёқ пайдо бўлган ва 1679 йил 26 майда Англия парламенти томонидан қонуний расмийлаштирилган. Ҳозирги кунда ушбу ҳужжат дунёнинг ҳамма қисмларида, энг аввало, англо-саксон ҳуқуқ тизимида ва Лотин Америкаси мамлакатларида эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг конституциявий кафолати сифатида кенг тарқалган. Ушбу институт кейинчалик, биринчи конституция ҳисобланган 1787 йил 17 сентябрдаги АҚШ Конституциясининг 9-бўлимида ҳам ўзининг конституциявий мақомини топди. Унда, “Ички қўзғолон ёки ташқи таъжовуз ҳолатларида, жамоат хавфсизлиги тақозо қилиб қолмагунча Habeas Corpus амалиёти имтиёзлари тўхтатиб қўйилиши мумкин эмас” деб кўрсатиб ўтилади. Бугунги кунда аксарият давлатлар конституциялари ва миллий қонунчилигида бу институт ўз ўрнини топган.

Демак, “Habeas Corpus amendment act” Англия парламенти томонидан қабул қилинган бўлиб, айбланувчини қамоққа олиш ҳамда фуқаронинг қамоққа олиниши ёки қамоқда сақланиши устидан суд назоратини (шу ўринда суд назорати деган тушунчага изоҳ бериш лозим, яъни судгача бўлган босқичларда суриштирув ва дастлабки тергов босқичида

<sup>68</sup> Mark E. Cammack and Norman M. Garland. Advanced criminal procedure. – Thomson/West, 2006. –p.483.

<sup>69</sup> Gary Hunt. What is Habeas Corpus? <http://www.outpost-of-freedom.com/HC06.htm>

қўлланилиши назарда тутилган процессуал мажбурлов чоралари устидан суд назорати билан суднинг биринчи инстанция судлари томонидан қабул қилинадиган қарорлари ажримлари, хусусий ажримлари ва ҳукмларини қонунийлиги устидан апелляция, кассация ва назорат тартибида юқори инстанция судларини назоратини аралаштириб юбормаслик лозимдир) амалга ошириш қоидаларини белгилаб берган муҳим тарихий ҳуқуқий ҳужжатдир. Мазкур қонунга биноан, ўзининг ёки бошқа бирор кишининг қамоққа олинишини ноқонуний деб ҳисоблаётган шахснинг аризасига биноан судья зудлик билан қамоққа олинган шахсни қамоққа олишнинг қонунийлигини текшириш ва муҳокама ўтказиш учун суд ҳузурига етказиш ҳақида қарор чиқариши зарурлиги белгиланган. Айбланувчини қарорда тегишли асосларни кўрсатмасдан қамоққа олиш ёки қамоққа маҳкум этиш таъқиқланган.

Ушбу институтнинг ривожланиши унинг инсоннинг одил судловга ва дахлсизлик презумпциясига бўлган ҳуқуқи акс эттирилган кўплаб халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустақамланиши билан ўз ифодасини топди.

Жумладан, 1948 йилдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”,

---

1966 йилдаги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт”

---

1984 йилдаги “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция”

---

1979 йилдаги “Ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича мансабдор шахслар хулқ атвори кодекси”

---

1989 йилдаги “Ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича мансабдор шахслар хулқ-атвори кодексини самарали амалга ошириш асосий принциплари”,

1985 йилдаги “Суд мустақиллигини таъминловчи принциплар” ва 1990 йилдаги “Суд органларининг мустақиллигини таъминлаб берувчи асосий принципларни самарали амалга ошириш ҳақидаги ҳужжат” каби ҳужжатлар муҳим ўрин тутди.

Ушбу халқаро ҳужжатлар, ёки кўпинча халқаро стандартлар деб аталувчи нормаларни ишлаб чиқишда биз юқорида таъкидлаб ўтган миллий қонунчилик тажрибасидан фойдаланилган. Бу билан миллий ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни шаклланишига таъсирини кўришимиз мумкин. Халқаро ҳуқуқ эса, ўз навбатида миллий ҳуқуқни

такомиллаштиришга, уни илғор демократик моҳиятини кучайтиришга қаратилгандир.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси 1995 йилда қўшилган ва халқаро ҳуқуқда устувор (*jus cogens*) нормаларидан ҳисобланадиган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт”<sup>70</sup>нинг 9-моддасининг 3- ва 4-бандларида Habeas Corpus институтининг моҳияти акс эттирилган. Хусусан, 9-модданинг 3-бандида “жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиши ҳуқуқига эга. Иши судда ҳал этилиши кутилаётган шахсларни қамокда ушлаб туриш умумий қоида бўлмаслиги, бироқ озод қилиш, судга келиш, судда иш кўриб чиқиладиганда унинг ҳар қандай босқичига келиш кафолатларини беришга, зарур ҳолларда ҳукми ижро этиш учун келишга боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.” Ушбу модданинг 4-бандида эса “Қамокқа олиниши ёки қамокда ушланиб туриши туфайли озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ўз ишининг судда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга, чунки суд дарҳол унинг ушланиши қанчалик қонуний эканлиги борасида қарор чиқара олсин ва агар унинг ушланиши ноқонуний бўлса озод қилиш ҳақида фармойиш берсин» деган нормалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ўз миллий қонунчилигини, илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлардан келиб чиқиб такомиллаштириб бормокда. Шу муносабат билан юртбошимиз И. А. Каримовни, “Бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, қамокқа олиш ва бошқа процессуал мажбурлаш чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини судларга ўтказиш керак деб ўйлайман”, деган қабътий фикрларини барчамиз доимо ёдда тутишимиз оғишмай риоя этишимиз лозим.

Ана шу тариқа Habeas Corpus институти Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзининг конституциявий мақомини топди, яъни, унинг 19-моддасида “Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари даҳлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас”, деб кўрсатиб қўйилган.

Habeas Corpus институтини ривожланишини қуйидагича босқичларга бўлиш мумкин:

- 1) миллий қонунларда норма сифатида ўз аксини топиши;
- 2) миллий қонунлар асосида халқаро стандартларга таъсир кўрсатиши;
- 3) халқаро стандартлар асосида миллий ҳуқуқни такомиллаштиришда иштирок этиши.

Шу маънода, “Хабеас корпус” институти сингари “Миранда қоидаси” ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида курашлар тарихида ўзига хос

<sup>70</sup> International Covenant on Civil and Political Rights. <http://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/ccpr.aspx>



из қолдирган, инсон ҳуқуқларига оид миллий жиноят-процессуал қонунчилиги ҳамда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг муҳим нормаларидан бири ҳисобланади.

#### **4.2 “Хабеас корпус” институти нормаларининг миллий қонунчиликдаги ифодаси.**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича етмишдан ортиқ халқаро ҳужжатга қўшилди, ушбу соҳада миллий тизимни шакллантириш ва ривожлантиришга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, бугунги кунда Ўзбекистон шахс ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилишнинг қатор йўналишлари бўйича ибратли тажрибага эга. Хусусан, 2008 йилнинг январидан бошлаб юртимизда ўлим жазоси бекор қилинди, ҳуқуқни қўллаш амалиётига “Хабеас корпус” институти, “Миранда қоидаси”, ярашув институти жорий этилди. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ҳамда инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш босқичма-босқич амалга оширилиб, суд-ҳуқуқ соҳасини янада эркинлаштириш давом эттирилмоқда<sup>71</sup>.

Ўтган йиллар давомида суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятни шакллантириш, демократлаштиришнинг таркибий қисми сифатида судларнинг холислиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, судни ҳокимиятнинг холис, мустақил тармоғи сифатида мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимояланишини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларининг либераллаштирилиши ислоҳотларнинг муҳим йўналиши бўлди. Жиноий жазолар тизимининг либераллаштирилишига доир чора-тадбирлар натижасида жиноятлар таркибининг 75 фоизига яқини оғир, ўта оғир тоифалардан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган тоифаларга ўтказилганлиги катта социал, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Жиноят судлов ишлари амалиётига яраштирув институти жорий этилди, судларнинг иқтисодий жиноятлар учун озодликдан маҳрум этиш ўрнига жарималар тарзидаги жазоларни қўллаш имкониятлари кенгайтирилди. Судлов ишларини юритиш тизимида адолат, жазонинг муқаррарлиги тамойили ва ўзгача демократик тамойиллар мустаҳкамланишини таъминловчи бошқа қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Судларнинг ваколатлари изчил кенгайтириб борилди, одил судловни амалга оширишда улар холислигининг ва мустақиллигининг кафолатлари мустаҳкамланди. Суд тизими бутунлай ижро этувчи ҳокимият органларининг назорати ва таъсири остидан чиқарилди. Суд фаолияти устидан прокуратура органларининг назорат қилиш функциялари бекор қилинди. Суд

---

<sup>71</sup> Р.Ахмедов. “Хабеас корпус” институти қўлланилиши инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ишончли кафолати. <http://oqlovchi.uz>

қарорларининг ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи прокуратура ваколатларидан чиқариб ташланди.

Ишни судга қадар юритиш босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Миллий қонунчилигимизга «хабеас корпус» институти жорий этилди — қамоққа олишга санкция бериш, шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштиришдек процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқи прокурорлардан судларга ўтказилди.

Ҳуқуқни қўллаш ташкилий-ҳуқуқий механизмларини, одил судловни амалга ошириш процессуал асосларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар одил судловнинг муқаррарлигини, тезкорлигини таъминлашга, қонунийликни таъминлашда суднинг ролини оширишга кўмаклашди.

Прокурор ва адвокатнинг жинойт ҳамда фуқаролик жараёнларининг барча босқичларидаги тортишувлари тенглигини, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми сифатида адвокатура мустақиллигини мустаҳкамлашга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ жинойт иши кўзғатиш, иш юзасидан айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш сингари ҳуқуқларни судлар ваколатидан чиқарилишини назарда тутувчи ўзгартишлар жинойт-процессуал қонун ҳужжатларига киритилди. Бу эса суднинг объективлиги, ҳолислигини таъминлашга, жинойт ишини кўриб чиқиш жараёнида тортишув тамойилининг кучайишига кўмаклашди.

«Хабеас корпус» институти нормалари миллий қонунчиликка изчил татбиқ этилмоқда. Маълумки, инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш ва уни ҳимоя қилиш тизимини босқичма-босқич ислоҳ этиш ва либераллаштириш, халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишга алоҳида эътибор қаратилгани натижасида Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид умуминсоний нормаларни рўёбга чиқариш йўлида дадил қадам ташлаётган давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллади<sup>72</sup>.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонунчилик тизимининг ўзига хос жиҳатларига тўхталар эканмиз, энг аввало, Ўзбекистонда халқаро стандартларни миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўзига хос модели яратилганини таъкидлаш жоиз. Натижада инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши ва инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларнинг бажарилишини мониторинг қилишнинг миллий тизими шаклланди. У парламент мониторинги, ижро этувчи органлар мониторинги, суд мониторинги ва жамоатчилик мониторинги шаклларида амалга оширилмоқда. Шу ўринда турли вазирлик ва идораларнинг инсон

---

<sup>72</sup> Р.Ахмедов. “Хабеас корпус” институти қўлланилиши инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ишончли кафолати. <http://oqlovchi.uz>

ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Адлия, Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратурада инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланувчи махсус бошқармалар ташкил этилди. “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, “Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши билан эса инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда умумэътироф этилган “Хабеас корпус” институти нормаларини миллий қонунчиликка янада изчил татбиқ этиш ҳамда қўллаш имкониятлари кенгайди.

Маълумки, “Судлар тўғрисида”ги қонунга кўра, Конституция ва бошқа қонунларда, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилиш белгиланган.

Дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида фуқароларнинг процессуал ҳуқуқларига риоя этилиши устидан суд назоратини кучайтиришга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Судда жинсий ишларни кўриб чиқишда қонунийлик, адолатни таъминлашнинг ушбу самарали механизмини изчил ривожлантирган ҳолда, “Хабеас корпус” институтини қўллаш доираси кенгайтирилди. Бунга қатор мисоллар бор. Масалан, Президентимизнинг “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ 2008 йил 1 январдан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи суднинг ваколатига ўтказилиши тарихий воқеа бўлди. Маълумки, қамоққа олиш шахсининг эркинлигини чегаралаш билан бевосита боғлиқ ва шу сабабдан мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19, 25 ва 44-моддаларига асосан айнан суд тартибида амалга оширилиши зарур. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши жиноят содир этганликда айбланаётганларга судгача бўлган тергов босқичида мазкур эҳтиёт чорасини қўллашда суд ҳимояси ҳуқуқини таъминлайди.

“Хабеас корпус” институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши принципал қадам бўлди. Ушбу қарорнинг ўз вақтида ва пухта ўйлаб қабул қилингани бугунги кунда ҳаётда ўз исботини топмоқда.

Мамлакатимиз Президенти томонидан 2010 йилнинг 12 ноябрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да мазкур институт талабларини юртимизда янада кенгроқ жорий қилиш лозимлигига алоҳида тўхталиб ўтилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишлардан

бири, бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир Суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш масалалари жиноят ишлари юритувининг судга қадар босқичларида суд назоратини кенгайтиришни, хусусан, лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чораларини қўллашда татбиқ этилишини тақозо этди<sup>73</sup>.

2012 йилнинг 18 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг айрим нормаларига, шу жумладан, 29 ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, эндиликда лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чоралари фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби қонунан мустаҳкамланди. Мазкур жиноят процессуал чоралари фуқаролар конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий равишда чеклаши сабабли уларнинг қўлланилишининг қонунийлиги ва асослилигини таъминловчи ишончли процессуал ҳуқуқий кафолатлар талаб этилади. Процессуал мажбурлов чоралари қўлланилишида фуқаролар ҳуқуқларининг чекланиши нечоғлик ҳақиқий зарурат билан талаб этилиши муҳим аҳамият касб этадиган ҳолатлардан биридир. Зеро, жиноят ишлари юритувининг вазифалари шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ниҳоятда кам даражада чеклаш орқали амалга оширилиши зарур. Суд ваколатидан жиноят иши қўзғатиш ҳуқуқи чиқарилиб, судда ишни кўришда жиноят иши бўйича айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини прокурор зиммасига юклашни кўзда тутувчи нормалар жорий этилгани суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтиришга шароит яратди. “Хабеас корпус” институтини қўллаш соҳаси янада кенгайтирилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларини амалга ошириш имконини берди.

Жиноят-процессуал қонунчиликка биноан, башарти айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қилади ёки жиноий фаолиятини давом эттиради, деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд уни лавозимидан четлаштиришга ҳақлидир. Шу билан биргаликда, эътиборда тутиш лозимки, лавозимдан четлаштирилган шахс жиноят содир этишда гумон қилиниб, айбланмоқда, аммо ҳали айбдор шахс эмас. Зеро, айбсизлик презумпциясига биноан, шахс унинг айби суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан исботланмагунга қадар айбсиз ҳисобланади.

Афсуски, дастлабки тергов хатоларга йўл қўйиш ва совуққонлик ҳолатларидан кафолатланмаган. Бунинг оқибатида эса шахсга нисбатан лавозимдан четлаштириш процессуал мажбурлов чорасининг нотўғри

---

<sup>73</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йилнинг 12 ноябрь.

қўлланилиши эҳтимоли ошади. Натижада фуқаронинг меҳнат фаолиятини эркин амалга оширишга (ҳамда меҳнат учун ҳақ олишга) бўлган конституциявий ҳуқуқининг бевосита бузилиши юзага келади.

Шунингдек, қонунга биноан, суриштирув ва дастлабки тергов даврида суд-тиббиёт ёхуд суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда стационар кузатув зарурати бўлса, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан, башарти улар озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятни содир этишда айбланаётган бўлсалар-да, тегишли тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чораси қўлланилиши мумкин. Хусусан, бунга розилигидан қатъи назар, шахс тиббий муассасага жойлаштирилиб, унинг шахсий дахлсизлик ва эркин ҳаракатланиш ҳуқуқлари чекланади.

2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, “Хабеас корпус” институтини қўллаш доираси янада кенгайтирилганига ҳам эътибор қаратилди. Яъни уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси жорий этилиб, шахсга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва унинг муддатини узайтириш судлар ваколатига киритилди. Бу билан, аввало, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини одил суд орқали муҳофаза қилиш имконияти янада кучайди ва қўшимча кафолатлар белгиланди. Айни чоғда суд мустақиллиги ҳамда суд ҳокимиятининг таъсирчанлиги ошди<sup>74</sup>.

Ана шуларни инобатга олиб, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини суриштирув ва дастлабки тергов даврида чекловчи барча процессуал ҳаракатлар устидан назорат айнан суд томонидан амалга оширилиши зарур. Зеро, жиноят ишлари юритуви субъектлари ичида фақат судгина айбловдан манфаатдор эмас ва ҳеч қандай тергов механизмларига тобе эмас. Суднинг тергов қонунийлигига солган назари ўзининг табиатига кўра, холис ва адолатлидир. Суднинг холислиги яна шу билан ҳам белгиланадики, судга қадар иш юритувида суд функцияси доимий характерга эга эмас, унинг таъсири судга суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг муайян процессуал ҳаракатлари устидан шикоят қилишда ёхуд у ёки бу процессуал ҳаракатни ўтказишга суд томонидан рухсат берилишида намоён бўлади.

#### **4.3 “Хабеас-корпус” институти қўлланилиши инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ишончли кафолати.**

Истиқлол йилларида энг олий ва энг улуғ қадрият саналмиш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди ҳамда шахс ҳуқуқлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-

<sup>74</sup> “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун. 2014 йил 4 сентябрь.

моддасида “Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас”лиги белгиланган.

Айни пайтда, жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган ва ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳам қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилда қабул қилинган “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги қонуни ҳам юқорида билдирган фикрларимизни тасдиқлайди. Ушбу қонун билан нафақат қамоқда сақлашнинг асосий принциплари мустаҳкамлаб қўйилди, балки ушлаб турилган ҳамда қамоққа олинганларни сақлаш тартиби ва қоидаларининг ҳуқуқий асослари ягона қонун орқали унификациялаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VII боби шахснинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик, унинг шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сири сингари ҳуқуқларига риоя этилишини кафолатлайди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигида қатор ҳолларда кўрсатилган ҳуқуқларни чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлаш чораларини қўллаш имконияти кўзда тутилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 213-моддасига мувофиқ Жиноят-процессуал кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд, жиноят процесси иштирокчиси тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилса, зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаса, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчининг жиноий фаолиятини тўхтатиш ва ҳукм ижросини таъминлаш зарур бўлса, мажбурлаш чоралари қўллашга ҳақли<sup>75</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида мажбурлаш чоралари сифатида қуйидагилар белгиланган:

ушлаб туриш (ЖПК 220-моддаси);

жиноятни тўхтатиш чоралари (ЖПК 237-моддаси);

лавозимдан четлаштириш (ЖПК 255-моддаси);

мажбурий келтириш (ЖПК 261-моддаси);

шахсни тиббий муассасага жойлаштириш (ЖПК 265-моддаси).

Шунингдек, процессуал мажбурлаш чораларига қуйидагилар киради:

олиб қўйиш ва тинтув қилиш (ЖПК 157, 158-моддалари);

гувоҳлик беришга мажбур қилиш (ЖПК 145-моддаси);

эксперт текшируви учун намуналар олишга мажбур қилиш (ЖПК 192-моддаси);

почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш (ЖПК 166-моддаси);

телефон ёки бошқа сўзлашиш мосламаларидан олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш (ЖПК 169-моддаси).

---

<sup>75</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2016

Кўрсатилган барча чоралар шахснинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқларини у ёки бу даражада чеклашига қарамасдан, суд санкцияси қонунчиликка биноан фақат қамоққа олиш кўринишидаги жазо чорасини қўллаш учунгина белгиланган. Тегишли ахлоққа эга бўлиш, шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги, гаров, балоғатга етмаган шахсни назоратга топшириш, командирларнинг ҳарбий хизматчи феъл-атворини кузатиб бориши сингари чораларни қўллаш учун ҳеч қандай санкциялар талаб қилинмайди. Кўрсатилган жиноятнинг олдини олиш чоралари ЖПК 240-моддаси 1-хатбошисига мувофиқ суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суд ҳукмига биноан қўлланиши, бекор қилиниши ва ўзгартирилиши мумкин. Шахсни мажбуран келтириш учун ҳеч қандай санкция талаб қилинмайди<sup>76</sup>.

ЖПК 143-моддасига мувофиқ айбланувчи, гумон қилинувчи, судланувчи ва жабрланувчи, шунингдек гувоҳ гувоҳлик беришга мажбур қилиниши мумкин.

ЖПК 145-моддасига мувофиқ суриштирувчи, терговчи ёки суднинг гувоҳлик бериш тўғрисидаги қарори ушбу қарор тегишли бўлган шахслар учун мажбурийдир.

Гувоҳлантиришдан бош тортган шахслар мажбуран келтирилиши ва гувоҳлик беришга мажбур қилиниши мумкин.

ЖПК 144-моддасига мувофиқ судгача бўлган иш юритиш жараёнида гувоҳлантириш учун суриштирувчи ёки терговчининг қарори асос бўлиши мумкин. Гувоҳлантиришга мажбур қилиш учун ҳеч қандай санкция талаб қилинмайди, айти пайтда ЖПК 71-моддасида ўрнатилганидек, жабрланувчи ва гувоҳлар гувоҳлантиришни рад этганликлари учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

ЖПК 188-моддасига мувофиқ тирик инсондан унинг хусусиятларини акс эттирувчи намуналар: биологик – қон, соч, сўлак, ажралиб чиққан нарсалар; психофизик – ҳуснихат; анатомик – тери нақшлари изи, тиш қолиплари олиниши; шунингдек товуш хусусиятлари, касбий кўникмалар аниқланиши мумкин.

Эксперт текшириши учун намуналар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, шунингдек олиб борилаётган тиббий тусдаги мажбурлаш чораларини қўллаш иш юритиши тегишли шахсдан олиниши мумкин.

Воқеа содир бўлган жойидаги ёки ашёвий далиллардаги излар бошқа шахслар томонидан қолдирилгани тўғрисида етарлича маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда ушбу шахслардан эксперт текшириши учун намуналар олинади.

ЖПК 192-моддасига мувофиқ намуналар олиш учун ҳозир бўлишдан бош тортган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчилар мажбуран келтирилиши ва улардан намуналар мажбурий тартибда олиниши мумкин. Намуналар бошқа шахслардан ҳам мажбуран олиниши мумкин.

<sup>76</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2016

ЖПК 191-моддасига мувофиқ судгача бўлган иш юритиш босқичида суриштирувчи ёки терговчининг қарори асосида намуналар олишга мажбурлаш амалга оширилиши мумкин. Бундай мажбур қилиш учун ҳеч қандай санкция талаб қилинмайди.

ЖПК 157, 158-моддаларида олиб қўйиш ва тинтув қилиш учун асосларни белгилаб беради.

ЖПК 159-моддасига мувофиқ судгача бўлган иш юритиш босқичида олиб қўйиш ва тинтув қилиш суриштирувчи ёки терговчининг қарори асосида амалга оширилиши мумкин.

ЖПК 16-моддасига мувофиқ фақат тинтув қилиш учун прокурор санкцияси талаб қилинади, олиб қўйиш учун санкция зарур эмас. Бунда ЖПК 161-моддасида суриштирувчи ёки терговчи олиб қўйиш ва тинтув қилиш тўғрисидаги қарор асосида турар жойга ёки бошқа хонага иш учун аҳамиятли предметлар ва ҳужжатларни топиш учун киришга ҳақлиги эканлиги белгиланган.

Шуни қайд этиш зарурки, ЖПК 161-моддасига мувофиқ кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда тинтув қилиш прокурор санкциясиз амалга оширилиши ва кейин огоҳлантирилиши мумкин, бунда вазиятни “кечиктириб бўлмайдиган” тоифасига киритиш учун мезонлар аниқ белгиланмаган.

Судгача бўлган иш юритиш босқичида лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш терговчининг прокурор томонидан рухсат этилган қарори асосида амалга оширилишига йўл қўйилади (ЖПКнинг 256, 266 моддалари).

ЖПК 166-моддасига мувофиқ судгача бўлган иш юритиш босқичида суриштирувчи ёки терговчининг прокурор томонидан рухсат этилган қарори асосида шахсларнинг почта-телеграф жўнатмалари хатлаб қўйилиши, уларни олиб қўйиш ва тинтув қилиш амалга оширилиши мумкин.

ЖПК 169-моддасида худди шу тартибда телефон ёки бошқа сўзлашиш мосламаларидан олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш имкони кўзда тутилган.

Баён қилинганлардан равшанки, бугунги кунда амалда бўлган жиноят-процессуал қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ кафолатланган инсон ҳуқуқларини тегишлича ҳимоя қилинишини таъминламайди<sup>77</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилиги юқорида баён қилинган ҳолатларда ишни олиб бораётган шахснинг яқка тартибдаги қарори асосида шахснинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик, шахсий ҳаётга аралашмаслик, турар жой дахлсизлиги сингари умумий тан олинган ва Конституция билан кафолатланган ҳуқуқлари чекланишига йўл қўяди. Бошқа ҳолатларда шахснинг ҳуқуқларини чеклаш

<sup>77</sup> Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма Т.: ТДЮИ, 2009.Б.64



тўғрисидаги қарор жиноят процессида айблов томонини ифода этувчи прокурор билан келишилиши лозим ва қамоққа олиш кўринишидаги жиноятнинг олдини олиш чорасини қўллаш учун суднинг қарори талаб қилинади.

Кўрсатилган қоида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари вазифаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги Фармонида ақс эттирилган шахснинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларини, энг аввало асосиз жиноий таъқиб қилишдан ва шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик, шунингдек адолатли суд муҳокамасидан фойдаланиш самарали ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш талабига тўлиқ мувофиқ келмайди.

Юқорида кўрсатилган муаммоларнинг эҳтимолий ечими сифатида қуйидаги ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига суриштирувчи ёки терговчи томонидан яккабошчилик асосида шахснинг конституцион ҳуқуқларини чекловчи қарорлар қабул қилиш имкониятини истисно этувчи ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ:

қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятнинг олдини олиш чораларини қўллашда;

мажбуран келтиришда;

олиб қўйиш ва тинтув қилишни амалга оширишда;

гувоҳлик беришга мажбур қилиш;

эксперт текшируви учун намуналар олишга мажбур қилишда.

Шахснинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ қуйидаги қарорларни қабул қилишни суднинг мутлақ ваколатига ўтказиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ:

- шахсни жиноий иш қўзғатилгандан сўнг қамоққа олиш;
- жиноятнинг олдини олишнинг барча чораларини қўллаш;
- лавозимдан четлаштириш;
- мажбуран келтириш;
- шахсни тиббий муассасага жойлаштириш;
- олиб қўйиш ва тинтув қилиш;
- гувоҳлик беришга мажбур қилиш;
- эксперт текшируви учун намуналар олишга мажбур қилиш;
- почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш;
- телефон ёки бошқа сўзлашиш мосламаларидан олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш тўғрисида<sup>78</sup>.

Кўрсатилган қарорларни суд ваколатларига ўтказиш Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 10-моддасида белгиланган ҳар бир киши унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш ва унга нисбатан билдирилган жиноий айбловнинг асосли эканлигини аниқлаш учун тенг ҳуқуқлилиқ асосида унинг иши мустақил ва холис суд томонидан ошкора ва адолат талабларига

<sup>78</sup> Mark E.Cammack and Norman M.Garland. Advanced criminal procedure. – Thomson/West, 2006. –P 483.

риоя этилган ҳолда кўриб чиқилишига ҳақли эканлиги тамойилига тўла мувофиқ бўлади.

Аммо юқоридагилардан ташқари, фикримизча, бу институтни қўллашда бошқа айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бунинг асосий сабаби, вақт ва малака муаммоси бўлса, керак. Ҳозирги кунда тергов, суд амалиётида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномаларда тергов органлари ва прокурорлар томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллаш учун асосларни юзаки тарзда кўрсатиш, судлар томонидан эса юзаки ҳуқуқий баҳо бериш билан чекланиш ҳолатлари учрамоқда.

Жумладан, гумон қилинувчи ва айбланувчиларни жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши, тергов ва суддан яшириниши мумкин деган юзаки асослар кўрсатилмоқда. Ваҳоланки, илтимосномага илова қилинган ҳужжатларда гумон қилинувчи ёки айбланувчиларни жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши, тергов ва суддан яширинишга уриниши уларнинг қайси ҳаракатларида ва нималарда намоён бўлаётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, далиллар тақдим қилинмаяпти. Шу тариқа бу муаммоларга дастлабки терговнинг ушбу жараёнида иштирок этаётган айрим адвокатлар томонидан эътиборсизлик қилинаётганлиги ҳолатлари ҳам учрамоқда. Бунга сабаб биринчидан, нафақат аҳоли ўртасида балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд ходимлари орасида ҳали ҳам бу институтнинг моҳияти тўла тушуниб этилгани йўқ. Иккинчидан, эса бу институтни самарали қўллаш учун албатта малакали мутахассислар талаб этилади<sup>79</sup>.

Қайд этилган камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш учун:

судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг, шу жумладан адвокатлар, адвокат стажёрларининг янги институтни қўллаш бўйича доимий равишда малакасини ошириб бориши масаласи қўйилиши керак; аҳоли ўртасида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд ходимлари орасида бу масалада тарғиботни янада кучайтириш; Habeas Corpus институтини амалиётга киритилишидан то шу кунгача уч йилдан зиёд вақт ўтганлигини ҳамда амалиётда учраб турган муаммо ва камчиликларни баратараф қилиш мақсадида мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг тегишли қарорини қабул қилиш;

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум ва оқланган шахснинг ҳимоя ҳуқуқи жиноят-судлов ишларини юритишда асос қилиб олинувчи принциплардан бири бўлиб, иш бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли қарор қабул қилинишини кафолатлашлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида» ги 17-сонли қарорига

<sup>79</sup> Mark E. Cammack and Norman M. Garland. Advanced criminal procedure. – Thomson/West, 2006. –P 483.

амалдаги қонунчилик ҳужжатларига охириги йилларда қабул қилинган қонунларимизга мувофиқлаштириш мақсадида ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни таклиф қиламиз. Чунки, мазкур қарорга 2007 йил 14 ноябрдан то шу кунга қадар ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаган.

### **Назорат саволлари.**

1. “Хабеас корпус акт” институти тушунчасини ёритинг.
2. “Хабеас корпус акт” институтини вужудга келишига қандай омиллар сабаб бўлди ва у қаерда биринчи бўлиб қўлланди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Судлар тўғрисида”ги қонун. <http://www.lex.uz>
2. 2011 йилда қабул қилинган “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги қонуни. <http://www.lex.uz>
3. Mark E. Cammack and Norman M. Garland. Advanced criminal procedure. – Thomson/West, 2006. –В 505.
4. Р.Ахмедов. “Хабеас корпус” институти қўлланилиши инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ишончли кафолати. <http://oqlovchi.uz>

**5-мавзу: Жиноят процессида суд  
назоратини такомиллаштириш  
масалалари.**

**РЕЖА:**

5.1. Жиноят процессида суд назоратининг ҳуқуқий табиати

5.2. Даствлабки терговда суд назоратининг ҳажми ва чегараси

5.3. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ва ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, адолатлилиги ва асослилигини текширишда суд назорати.

**Калит сўзлар:** Суд назорати, қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси, апелляция, кассация, назорат инстанцияси, даствлабки тергов.

**5.1. Жиноят процессида суд назоратининг ҳуқуқий табиати.**

Жиноят судлов ишларини юритиш бешта мустақил, лекин бир-бири билан узвий боғлиқликда ҳамда кетма-кетликда фаолият кўрсатадиган босқичлардан иборат. Буларга:

- 1) жиноят ишини кўзғатиш;
- 2) даствлабки тергов;
- 3) жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ва суд муҳокамаси;
- 4) ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш;
- 5) ҳукмни ижрога қаратиш киради.

Бу босқичларнинг ҳар бири мустақиллиги, ўзига юклатилган ва фақат унга хос бўлган вазифаларнинг белгиланганлиги, процессуал ҳужжатларининг мавжудлиги, иштирокчиларининг тайинлиги ва хоказолар билан тавсифланади.

Суд назорати жиноят процессининг судгача бўлган босқичида даствлабки тергов органлари томонидан қабул қилинган қарорлар фуқароларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини бузганда юзага келади.

Жиноят процессида суд назорати қуйидаги маъноларда қўлланилади:

А) жиноят процессуал ҳуқуқининг институти сифатида.

Б) жиноят процессуал функция сифатида<sup>80</sup>

Жиноят процессида назорат қилинадиган ва қилинмайдиган ҳолатлар.

Жиноят процессида суд назорати – жиноят процессининг деярли барча босқичларида амалда бўладиган, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофаза қилишга қаратилган, қарорлар, ҳаракат ва ҳаракат-

<sup>80</sup> Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма Т.: ТДЮИ, 2009.Б.69

сизлик ҳамда дастлабки тергов ва суд қарорларининг (кучга кирган кирмаганлигидан қатъи назар) қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини кафолатлашга хизмат қиладиган фаолият сифатида эътироф этилгандагина унинг ҳуқуқий табиати ойдинлашади.

Жиноят процессида суд назорати суд ҳокимиятининг мустақил конституциявий фаолият йўналиши бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ҳамда ғайриқонуний, асоссиз, адолатсиз бузилган ҳуқуқларни тиклаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади.

Дастлабки терговдаги суд назоратининг асосий мақсади:

1) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш;

2) жиноят судлов фаолиятини самарали бўлишига хизмат қилиш; 3) мустақил фаолият йўналиши сифатида одил судловни амалга оширишга шарт-шароит яратишдан иборат.

Суд назорати ривожланишида асосий воқеалар:

- 1679 йил 26 майда “HabeasCorpusAct” қабул қилинган.
- 1864 йил 20 ноябрда Жиноят судлов ишларини юритиш Устави қабул қилинган.

- 1907 йил 2 июнда Давлат думасининг Комиссияси биринчи маротаба шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи қонун лойиҳасини тайёрлади.

- 1917 йил октябрь тўнтариши мавжуд суд тизимини бекор қилиб, 1917 йил 24 ноябрь қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги 1-сонли Декретда биринчи инстанция суди ҳукмлари қатъийлиги белгиланди.

- 1920 йил “Халқ суди тўғрисида”ги Низом қабул қилинди.
- РСФСРнинг 1922 ва 1923 йилги ЖПКлари қабул қилинди.
- Ўзбекистоннинг 1926, 1929, 1959 йилги ЖПКлари.
- Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги ЖПКси.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августда “Қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди ва 2008 йил ишни судга қадар юритишда қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши.

- Шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш ваколатларнинг судларга ўтказилиши.

Суд назорати жиноят процессининг мустақил институти ва суд фаолиятининг шакли ҳисобланади. У дастлабки терговда суд ҳокимияти ваколатини амалга ошириш шакли бўлиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни кўриб чиқиб, лозим бўлса бартараф қилиш чораларини кўриш ҳамда қонунларни бузилишини олдини олишга хизмат қилади.

Суд назоратининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

1. Фуқароларнинг бузилган конституциявий ҳуқуқларини тиклашга оид материалларни кўриш;

2. Процесс иштирокчиларининг жиноят судлов ишларини юритишга тўсқинлик қилувчи қарорлар ҳаракат (ҳаракатсизлик) устидан тушган

шикоятларни ҳал қилишдан иборат.

Суд назорати жиноят ишини кўзғатишда ва дастлабки терговда суд ҳокимиятининг фаолият йўналиши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уни жиноят процессининг функцияси деб айтиш мумкин<sup>81</sup>.

## 5.2. Дастлабки терговда суд назоратининг ҳажми ва чегараси.

Дастлабки терговда суд назорати суднинг тергов ораганлари шахс ҳуқуқларини чекловчи ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини таъминлаш мақсадида текшириш ва ҳал қилиш тадбирларида акс этадиган фаолиятидир.

Қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси энг жиддий эҳтиёт чораси бўлиб, у инсонни озодликдан маҳрум этиш, қамоқда сақлаш жойларидаги тартиботнинг ўта оғир талабларига ва муайян ҳуқуқ чеклашларига бўйсунтириш зарурлиги билан боғлиқдир. Бу эҳтиёт чораси битта муайян мақсадда қўлланилса ҳам, бир вақтнинг ўзида эҳтиёт чорасининг барча тўртта мақсадга эришишни таъминлайди.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг янги механизмини куйидаги тўрт босқичга ажратиш мумкин.

1. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш юзасидан илтимоснома кўзғатиш ҳақида қарор чиқариш.

2. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани судда кўриб чиқиш.

3. Суд томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан қарор ёки ажрим қабул қилиш.

4. Эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан шикаят бериш ва протест билдириш.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ процессуал муддатлар.

Прокурор қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, илтимоснома кўзғатиш тўғрисидаги қарор ва зарур материалларни судга юборади. Агар илтимоснома ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан кўзғатилаётган бўлса, қарор ва кўрсатилган материаллар ушлаб туриш муддати тугашидан камида ўн икки соат олдин судга тақдим қилиниши керак.

<sup>81</sup> Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма Т.: ТДЮИ, 2009. Б.71

Ишни судга қадар юритишда лавозимдан четлаштириш айбланувчи ва судланувчига нисбатан қўлланилади ва шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш каби конституциявий ҳуқуқларини (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси биринчи қисми), яъни шахс ва фуқаронинг меҳнат ҳуқуқларини бевосита чеклайди.

Лавозимдан четлаштириш чораси ўз мақсадлари бўйича эҳтиёт чораларига ўхшайди ва у фақат айбланувчи, судланувчининг суриштирув, дастлабки тергов ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш мақсадини кўзламайди<sup>82</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ЖПКнинг 255-моддасида назарда тутилган лавозимдан четлаштириш жиноят-процессуал мажбурлов чораси сифатида аниқ ифода этилган бир қатор қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

Лавозимдан четлаштириш асослари:

- жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга ва жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қилади деб ҳисоблаш учун етарли асосларнинг мавжуд бўлиши (давом эттириш, масалан хизмат бўйича бундай шахсга бўйсунган вояга етмаганларни ичкиликбозликка жалб этиш);

- башарти тегишли мансабдор шахс лавозимдан четлаштирилмаса, келгусида жинойи фаолиятини давом эттириши учун етарли асосларнинг мавжуд бўлиши (у ёки бу ҳужжатларни олиб қўйиш ёки мазмунини ўзгартириш, хизмат бўйича бўйсунувидаги гувоҳлар ва жабрланувчиларга улар сўроқ қилинганда ўзига қулай бўлган кўрсатувлар бериши мақсадида руҳий таъсир этиш)<sup>83</sup>.

Мазкур процессуал институтнинг яна бир ўзига хос хусусиятларидан бирини шахсни лавозимдан қонунга хилоф равишда четлаштириш оқибатида етказилган зиённи қопланиши ташкил этади. Яъни, бунда Жиноят процессуал кодексига биноан шахснинг лавозимдан қонунга хилоф равишда четлаштирилгани оқибатида етказилган зиён, башарти кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган ёки жиноят иши Жиноят процессуал кодексига реабилитация учун асослар асосида тугатилган бўлса, тўла ҳажмда қопланади.

Мазкур процессуал мажбурлов чорасининг муҳим хусусиятларидан бири – бу ушбу процессуал мажбурлов чорасининг вақтинчалик қўлланилишидир. Бунда мазкур чора фақат жиноят ишини тергов қилиш ва судда ҳал қилиш даврида қўлланилади.

5. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш суд-тиббий ёки суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда айбланувчини, судланувчини стационар кўриқдан ўтказиш зарурати туғилганда қўлланиладиган мажбурлов чорасидир.

<sup>82</sup> Иноғомжоновна З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма Т.: ТДЮИ, 2009.

<sup>83</sup> Mark E. Cammack and Norman M. Garland. Advanced criminal procedure. – Thomson/West, 2006. –P 483.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш маддатлари – 1 ойгача, алоҳида ҳолларда, шифокорларнинг стационар суд экспертизасини ўтказиш давомида олинган ҳулосасига асосан, бу муддат суд томонидан фақат айбланувчи ва судланувчига нисбатан бир ойгача узайтирилиши мумкин.

Ишни судга қадар юритиш босқичида шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома кўзғатишшахсни тиббий муассасага жойлаштириш учун асослар мавжуд бўлганда прокурорнинг, терговчининг ушбу асосларни баён этган қароридир.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқиш дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқиладиган суд процессидир.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалаларни кўриш тартиби иш юритишнинг алоҳида тури бўлиб, руҳий касаллик ҳолати ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган ёки жиноят содир қилгандан кейин жавобгарликни истисно қиладиган руҳий касалликка чалинган шахснинг қилмишини тегов қилиш, судда кўриш билан боғлиқ муносабатлари тартибга солади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалаларни кўриш тартибида исботланиши лозим бўлган ҳолатлар - Ақли норасонинг ижтимоий хавфли қилмиши тўғрисидаги иш юзасидан қуйидагилар исботланиши лозим:

- 1) ЖПК 82-моддасининг 1, 2 ва 5-бандларида назарда тутилган ҳолатлар;
- 2) шахс қилмиш содир этган вақтида сурункали руҳий касал эканлиги, руҳияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа касаллиги, шунинг оқибатида унинг ақли норасо ҳолатда бўлганлиги, яъни ўз ҳаракатларини идрок эта олмаганлиги ёки ўз ҳаракатларини идора қила олмаганлиги;
- 3) мазкур шахснинг дастлабки тергов юритиш ва суд муҳокамаси вақтидаги руҳий ҳолати.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қуйидаги зарур хусусиятларга эга:

- бу чоралар руҳий касалликка чалинган шахс, унинг яқин қариндошлари ёки қонуний вакилларининг хоҳиш-иродасидан қатъи назар қўлланилади;
- беморнинг маълум бир шахсий эркинликларини чеклайди;



мазкур чорани қўллаш учун биринчи инстанция судининг ажрими талаб этилади.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишиш юритишнинг алоҳида тури бўлиб, жабрланувчи ва гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчилар ЎзР ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар дорасида ярашув келганликлари муносабати билан процессуал муносабатларни тартибга солади<sup>84</sup>.

Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш- жиноят ишини тугатишнинг алоҳида тартиби бўлиб, эълон қилинган амнистия акти асосида жиний жавобгаликдан озод қилинишини назарда тутди.

---

<sup>84</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Т.: ILM ZIYO, 2006. – 912 б.

### **5.3. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ва ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, адолатлилиги ва асослилигини текширишга сул назорати**

Юқори турувчи инстанция судлари деганда, жиноят ишини юзасидан чиқарилган суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг адолатлилигини, асослилигини ва қонунийлигини кўриш ваколатига эга бўлган судлар тушунилади. “Юқори суд инстанцияси” атамаси Жиноят-процессуал кодексининг тегишли нормаларида ҳам белгилаб қўйилган (Масалан, ЖПК нинг 482, 483, 495, 496-моддалари).

Юқори турувчи инстанция судларида процессуал фаолият устидан назорат қуйидагилар билан белгиланади: 1) одил судлов ўз моҳиятига кўра адолат талабларига жавоб беради ҳамда бузилган ҳуқуқларнинг самарали қайта тикланишини таъминлаган холдагина одил судлов деб эътироф этилади, суднинг нотўғри қарорлари эса одил судловнинг адолатли ҳужжати деб қаралмайди ва бундай қарор бекор қилиниши керак; 2) жиноят процессидаги ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган иштирокчиларга дастлабки тергов, суднинг хатоларини тuzатишни талаб қилиш имконияти яратилади; 3) суд ҳокимиятининг мустақиллиги суд қарорларини юқори босқичдаги суд органларидан ташқари бирон-бир орган томонидан қайта кўриб чиқилишини истисно этади; 4) юқори босқичдаги судларнинг қуйи босқич суд идораларининг ҳаракатлари ва қарорларини назорат қилиши бу органлар фаолиятига аралашувига айланмаслиги ва уларнинг мустақиллигига путур етказмаслиги лозим; 5) суд ҳукмининг кучга кириши ва ижро этилиши узоқ муддатга қолдирилмаганидагина бундай ҳукмнинг умуммажбурийлигини таъминлаш, таъсирини кучайтириш мумкин<sup>85</sup>.

Ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларидан кўзланган асосий мақсад юқори инстанция судларининг қонуний кучга кирган ёки кирмаган ҳукмларига холисона баҳо беришлари учун имконият яратишдир. Умуман олганда, процессуал қонун талабига жавоб бермаган ҳукм уни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асосларнинг бир нечтасини ўзида камраб олиши мумкин.

Апелляция, кассация ва назорат инстанциялари суд назоратини амалга оширувчи текшириш турларига киритилар экан, улар қуйидаги хусусиятларига кўра бир мақсадга хизмат қилади: 1) вазифаси ва процессуал шакли бир хил, барча текшириш ваколатини юқори инстанция судлари бажаради. Юқори суднинг таркиби учта судьядан кам эмас. Текшириш давомида ички ишонч ҳосил қилиш учун тўлиқ ёки қисман суд тергови ўтказилади; 2) иш юритиш предмети ва чегараси ягона, яъни апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги текширилади (ЎзР ЖПКнинг 478-моддаси).

<sup>85</sup> Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма Т.: ТДЮИ, 2009.Б.70

Юқори судда жиноят ишини кўриш чегарасини мавжуд материаллар ва тақдим этилган ёки суд томонидан талаб қилиб олинган материаллар ташкил этади (ЎзР ЖПКнинг 482-моддаси); 3) апелляция, кассация ва назорат инстанцияларининг ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш шакли, тузилиши, иш юритиш механизми ва мазмуни деярли бир хил.

Шикоятларни қабул қилиш, шикоятга қўйилган талаблар, протест келтириш мажбурияти, иш кўриш тартиби, юзага келган келишмовчиликларни бартараф қилиш ва чиқариладиган қарорларнинг мазмуни шулар жумласидандир; 4) ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларининг ягоналиги ҳам уларнинг ўзига хос хусусиятидир. Лекин, кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, текшириш босқичи чуқурлашиб борган сари унинг иш кўриш предмети кенгайиб боради. Назорат инстанцияси нафақат дастлабки тергов фаолияти, биринчи инстанция судининг ҳукми, балки апелляция ва кассация судининг ажримларини ҳам текширади<sup>86</sup>.

#### **Назорат саволлари:**

1. Суд назоратининг тушунчаси ва функциясилари ҳақида гапириб беринг?
2. Суд назоратининг турлари?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармони. <http://www.lex.uz>
2. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. –Т: 2009. –Б 33
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси <http://www.lex.uz>
4. Mark E.Cammack and Norman M.Garland. Advanced criminal procedure. - Thomson/West, 2006. –В 505.

<sup>86</sup> Mark E.Cammack and Norman M.Garland. Advanced criminal procedure. – Thomson/West, 2006. –P 471.

## 6-мавзу: Жиноят процессида суд муҳокамасининг босқичлари.

### РЕЖА:

6.1. Суд муҳокамасининг таркибий қисми сифатида суд мажлисига тайёргарлик кўриш.

6.2. Суд тергови.

6.3. Тарафлар музокараси.

6.4. Судланувчининг охириги сўзи.

6.5. Ҳукм чиқариш ва эълон қилиш.

### 6.1. Суд муҳокамасининг таркибий қисми сифатида суд мажлисига тайёргарлик кўриш.

Жиноят-процессуал ҳуқуқида суд муҳокамаси бутун суд иш юритувининг “муҳим”, “марказий ва асосий”, “ҳал қилувчи” босқичи ҳисобланади деган қатъий хулоса мавжуд. Суд муҳокамасининг мазкур хусусиятлари ушбу босқичдаги вазифалар, унда кўриб чиқиладиган масалалар доираси, қабул қилинадиган якуний процессуал ҳужжатлар табиати, ишни кўриб чиқиш тартиби каби омиллар билан асосланади. Суд муҳокамаси мураккаб ва кўп қиррали ҳаракатлар мажмуидан ташкил топган бўлиб, беш босқичдан иборат: тайёрлов қисми, суд тергови, тарафлар музокараси, судланувчининг охириги сўзи, ҳукм чиқариш ва эълон қилиш.

ЖПКнинг 51-боби мазмунидан келиб чиққан ҳолда, суд мажлиси тайёрлов қисмининг қуйидаги босқичларини шартли равишда ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

1) суд мажлисини очиш мажлис раислик қилувчи томонидан тайинланган вақтда очилади ва қандай жиноят иши кўрилишини эълон қилишни кўзда тутади (428-модда);

2) процесс иштирокчиларининг судга келган-келмаганлигини текшириш – мажлис котиби процесс иштирокчиларининг судга келган-келмаганлиги тўғрисида ахборот беришини, судга таржимон, гувоҳлар,

3) суд таркибини, тарафларни эълон қилиш ва рад қилиш ҳуқуқини тушунтириш – раислик қилувчи суд таркибини эълон қилиши, процесс иштирокчиларини таништириши, судьяни, суд таркибини ёки судьялардан бирортасини, шунингдек тарафлардан бирортасини рад қилиш ҳуқуқларини тушунтиришини қамраб олади (431-модда);

4) гувоҳларнинг тўғри кўрсатув беришини таъминлашга қаратилган процессуал ҳаракатлар – раислик қилувчи гувоҳларнинг суд мажлиси залидан алоҳида хонага чиқиб туришлари тўғрисида фармойиш беради, кейинчалик сўроқ қилинмаган гувоҳларнинг сўроқ қилинган гувоҳлар билан, шунингдек суд мажлиси залидаги бошқа шахслар билан мулоқотда бўлмаслиги чораларини кўради (432-модда);

5) процесс иштирокчиларидан бирортаси келмаганда жиноят ишини кўриш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги масаласини ҳал қилиш – судга чақирилган процесс иштирокчиларидан бирортаси келмаган тақдирда суд жиноят ишини муҳокама қилиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисида тарафларнинг фикрини эшитади ва муҳокамани давом эттириш ёки уни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради (433-модда);

6) процесс иштирокчиларига ҳуқуқларини тушунтириш – раислик қилувчи судланувчига, тарафларга, экспертга, мутахассисга ва таржимонга уларнинг ЖПКда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради (430- 435–437-моддалар);

7) илтимослар қилиш ва уларни ҳал этиш – суд мажлиси тайёрлов қисмининг яқунловчи босқичи бўлиб, раислик қилувчи тарафлардан янги гувоҳлар, экспертлар ёки мутахассислар чақириш, ашёвий далиллар ва ҳужжатлар талаб қилиб олиш тўғрисида уларнинг илтимослари бор-йўқлигини сўрашини ва уларни қаноатлантириш ёки рад этиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни қамраб олади (438-модда).

Суд мажлисининг тайёрлов қисми оммавий хусусиятга эга бўлиб, унда суднинг фаоллиги яққол намоён бўлади. Ушбу босқичда суд томонларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишга ёрдам кўрсатиши, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун барча қонуний воситалардан фойдаланишлари учун шароит яратиб бериши лозим.

Одил судловнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш билан боғлиқ жиҳатлари суд мажлиси тайёрлов қисмида раислик қилувчига боғлиқ бўлади. Раис тарафлар ўз процессуал ҳуқуқларидан реал фойдаланишини таъминловчи қоидаларга оғишмай риоя қилиши лозим<sup>87</sup>.

Мажлиснинг тайёрлов қисмида ҳал қилинадиган яна бир муҳим масала – жиноят ишини ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқиш тўғрисидаги масала. Мажлиснинг тайёрлов қисмида суд ишни ёпиқ мажлисда кўриб чиқиш учун

<sup>87</sup> Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма Т.: ТДЮИ, 2009.Б.71

асослар бор ёки йўқлигини аниқлайди ҳамда ёпиқ мажлисни ўтказиш учун ЖПКнинг 19-моддасида кўзда тутилган асослар мавжуд деб топса, бу ҳақда ажрим чиқаради.

Башарти, жиноят иши бўйича ҳимоячи қатнашиши шарт бўлса, суд ЖПКнинг ушбу талаби бажарилишини таъминлаши лозим. Шунга мувофиқ ҳимоячи мажлисда қатнашмаса, иш бўйича муҳокамани кейинга қолдириб, ҳимоячини алмаштириш ва унга ҳимояга тайёрланиш учун вақт бериш масаласи муҳокама қилинади.

Бу борада хорижий тажрибадан келиб чиқиб, суд амалиётини такомиллаштириш мақсадида ЖПКнинг 429-моддасини янги учинчи қисм билан тўлдиришни таклиф қиламиз: “Суд томонидан судга келмаган процесс иштирокчисини алмаштириш, ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш ёки суд мажлисини кейинга қолдириш ҳақида ёхуд ушбу кодексга мувофиқ бошқа қарор қабул қилинади”.

Шу билан бирга, жиноят-процессуал нормаларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш мақсадида ЖПКнинг 429-моддасини янги тўртинчи қисм билан тўлдиришни таклиф қиламиз: “Суд мажлисида судланувчининг иштирок этиши шарт, ушбу кодекснинг 410-моддасида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Ушбу кодекснинг 51-моддаси бўйича ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолларда суд мажлисида ҳимоячининг иштирок этиши шарт. Ушбу кодексда кўзда тутилган ҳолларда суд судланувчининг мажлисда иштирок этмаган ҳимоячисини алмаштириш ва судланувчига бошқа ҳимоячи тайинлаш ҳамда ҳимояга тайёргарлик кўриш учун оқилона муддат белгилашга ҳақли”.

АҚШ қонунчилигини ўрганадиган бўлсак, Марк Каммак ва Норман Гарланд куйидагича фикрларни билдириб ўтган:

“Очиқ суд мажлиси судланувчига фойда келтиради чунки, суд ўз вазифасини суиистеъмол қила олмайди. Аммо, баъзида ОАВ вакиллари жиноят ишини кенг реклама қилиш орқали судланувчи манфаатларига зарар етказиши мумкин. Суд мажлисидан олдинги реклама ҳакамларнинг холис танловига халақит бериши мумкин, чунки, ОАВ тарқатилган судланувчи ҳақидаги маълумотлар суд мажлисидан олдин уни айбини ошкор қилиб кўяди. Жамоат аъзолари ҳакам сифатида чақирилганда, улар ўзларининг ҳис-туйғуларини бошқара олмаслиги ҳамда судланувчини айбдор ёки айбсиз эканлигини далилларсиз исботлай олишига халақит беради. Бошқа томондан, ҳакамлар ҳайъатини кўрсатишда оммавийлик маъсулиятни йўқолишига олиб келиши мумкин”<sup>88</sup>.

Америкача дастлабки суд муҳокамаси формати куйидагича: дастлабки суд муҳокамасининг бошланиши сифатида мутасадди судья ёки бошқа мансабдор шахсда айблов документини рўйхатдан ўтилган вақтдан ҳисобланади.

<sup>88</sup> Mark E.Cammack and Norman M.Garland. Advanced criminal procedure. – Thomson/West, 2006. – P 383.


Испания жиноят-процессуал кодексида тезлаштирилган иш тартиби назарда тутилган бўлиб, у ўртача оғирлик даражасидаги ва терговда мураккаблик туғдирмайдиган жиноятлар юзасидан қўлланилади. Мазкур тартиб қўлланилишида дастлабки терговни олиб бориш маъсулияти полицияга юкланади.

Тарафларга уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир хил тарзда тушунтирилиши лозим. Раис тарафларнинг вакили бўлган ҳуқуқшуносларнинг ҳар биридан ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беришга эҳтиёжи бор ёки йўқлигини сўрайди ва зарур ҳолларда тушунтириб беради.

Агарда прокурор шу ҳолатлар ҳақида маълумотга эга бўлса, унда у ўзини ишдан қатнашишдан четлатишни сўраши ва ўзини рад этиш хатти-ҳаракатини амалга ошириши лозим. Мабодо процесс иштирокчиларидан биронтаси шу ҳақда, муҳокама мобайнида судга маълум қилса ва бу ҳолат ўзини тасдиғини топса, прокурор ўзига нисбатан билдирилган рад этишга нисбатан ҳеч қандай эътироз билдирмасдан жиноят ишини кўрилишида давлат айбловчиси сифатида иштирок этишни талаб қилмаслиги, қатнашиш фикрида туриб олмаслиги керак. Чунки, жиноят иши юзасидан чиқарилаётган ҳукми адолатлилиги ва қонунийлигига процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан шубҳа туғдирилишига асос бўлмаслиги ва суд муҳокамасининг тарбиявий аҳамиятини йўққа чиқаришга хизмат қилмаслиги лозим".

Қонун бўйича прокурорни рад қилиш судяни рад қилиш каби амалга оширилади. Рад этиш учун асос бўлса, прокурор юқори турувчи прокурорга суд муҳокамаси бошлангунга қадар маълум қилиши лозим.

**Суд мажлиси тайёрлов қисми қуйидаги босқичлардан иборат:**



## 6.2. Суд тергови.

Айблов хулосасини ўқиб эшиттирилганидан сўнг, судланувчига, агарда жиноят иши бўйича бир неча судланувчи бўлса, ҳар бир судланувчига раислик этувчи томонидан айблов мазмунини тушунарли бўлганлиги, содир этилган жиноятнинг мазмуни ва унинг ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланиши аниқланилади. Агарда судланувчига ёхуд судланувчиларнинг биронтасига айблов мазмуни ёхуд жиноятнинг мазмуни ёхуд, содир этилган жиноятнинг ҳуқуқий баҳоланиши тушунарли бўлмаса унда судланувчилар қандай жиноятни содир қилишда айбланаётганликлари, уларнинг қилмиши Жиноят Кодексининг қайси моддаси билан квалификация қилинаётганлиги, айбнома қандай асосларга таянганлиги, айблов хулосаси қандай далилларга асосланганлиги, далилларнинг мазмуни аниқ тушунтирилиши лозим. Шундан сўнг, судланувчидан унга нисбатан қўйилаётган айбга иқдор ёки иқдор эмаслиги аниқланиши керак. Судланувчи ўз айбига қисман иқдорлигини билдирган ҳолларда, айнан айбловнинг қайси қисмига иқдор, қайси қисмига эса иқдор эмаслиги аниқланади. Бундай ҳолларда, нима сабабдан айбига иқдор эмаслиги, нима сабабдан айбини фақатгина бир қисмигагина иқдорлиги тўғрисида пайдо бўлган саволларни берилмаслиги керак. Чунки, бу саволларга жавобни суд тергови бошлангандан сўнг, сўз навбати келганида судланувчи томонидан батафсил изоҳлаб бериш имконияти бўлади.

Айбланувчи ва халқ жиноий судларни очик сақлашдан манфаатдор, чунки очик-ошкоралик судлар таъқиб воситаси сифатида фойдаланилмаслигини таъқиқлашга ёрдам беради.<sup>89</sup>

Суд терговда далилларни бевосита текширишга киришишдан аввал, суд уларни қандай тартибда ва қандай кетма-кетликда кўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлади деган саволга жавобни аниқлаб олиши лозим. Судланувчилардан ўз айбларига иқдорликлари ёки иқдор эмасликлари сўраб аниқлангандан сўнг, суд далилларни текшириш навбати ҳақида суд процесси иштирокчиларининг таклифларини эшитади. Амалиётда, одатда биринчи бўлиб, давлат айбловчисининг таклифи эшитилади.

Суд терговини олиб бориш тартиби ҳақида прокурор ўз фикрини билдираётганида, албатта, далилларни текшириш навбатини айнан кимни сўроқ қилишдан бошланиши кераклиги ҳақидаги хулосасида шу тартиб орқали жиноят иши бўйича тўпланган далилларни суд тергови мобайнида холисона, ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганиб чиқиш имконияти пайдо бўлишлигини тушунтириб бериши керак.

Прокурор суд терговини бошлаш навбати тўғрисида фикр бериш билан бирга судда экспертлар хулосалари, ашёвий ва ёзма далилларни текшириш кетма-кетлигига нисбатан ҳам ўз мунособатини билдиради. Айниқса, мураккаб, кўп (эпизод) воқеали ҳамда, бир неча судланувчилар қатнашаётган

<sup>89</sup> Mark E.Cammack and Norman M.Garland. Advanced criminal procedure. – Thomson/West, 2006. – P 381



жиноят ишлари бўйича суд терговини юритиш тартибини белгилаб олиниши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бу тартиб жиноят ишини суд томонидан ҳар томонлама, ҳолисона ва тўла кўриб чиқилишига ёрдам беради. Ҳар бир воқеа бўйича далилларни гуруҳлаб олишга ва процесс иштирокчилари томонидан тегишли тартибда баҳоланишига, тўпланган далилларни қолдирмасдан, хатосиз кўриб чиқишга асос бўлади. Далилларни тартиб билан тизим асосида кўриб чиқилиши суд терговини юритилишида муҳим аҳамиятга эга.

Тарафларнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда, далилларни текшириш навбати ҳақида суд ўз ўрнида ажрим чиқаради (Жиноят-процессуал кодексининг 440- моддаси).

Далилларни текшириш судланувчилардан бошланган бўлса, суд судланувчилардан кейин албатта жабрланувчиларни сўроқ қилиши лозим. Агарда, судланувчилар кўрсатма беришдан бош тортган бўлсалар ёхуд биринчи бўлиб, кўрсатма беришни истамаётган бўлсалар, жабрланувчини , гувоҳларни сўроқ қилиш, далилларни кўздан кечириш, гувоҳлантириш, ёзма далилларни ўқиб эшиттириш, экспертиза ўтказиш ва бошқа суд ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги таклифларни инобатга олган ҳолда ҳал қилади (ЖПК 440-моддаси).

Суд ҳар бир жиноят иши бўйича далилларни текшириш навбатини ишнинг моҳиятига қараб, турлича белгилаши мумкин. Қонун томонидан далилларни текширишнинг қатъий навбати белгиланмаган. Ҳар қандай ҳолатда, суд мажлиси раисининг тўлиқ ихтиёрига боғлиқ ҳолда ҳал қилинади. Ҳатто, дастлаб суд терговиде далилларни текшириш навбати ўзгача белгиланган бўлса ҳам, ишни кўриш мобайнида раислик қилувчи томонидан ашёвий далилларни ва бошқа далилларни текшириш кетма-кетлигини процесс иштирокчиларининг илтимосларига кўра ёхуд ўз ихтиёрига кўра ўзгартириши мумкин. Ушбу масала суд томонидан ҳал қилинганда, албатта суд тегишли тартибда ажрим чиқаради.

Суд терговининг процессуал мақсади судда кўриб чиқиш учун тақдим қилинган дастлабки тергов материалларини ўзинигина ўрганиб чиқиш эмас, суд муҳокамаси иштирокчилари ҳамда бевосита суднинг ўзини ташаббуси билан тўпланган ва тақдим қилинган далилларни ҳам текшириб чиқиб, реал ҳақиқатни аниқлаш имкониятини яратишдан иборатдир.

Суд тергови мобайнида қуйидагилар аниқланади: жиноят ҳодисаси; айбланувчининг жиноят содир қилишдаги айби; айбдорлик даражаси ва характери таъсир қилувчи ҳолатлар; жиноят туфайли етказилган зарарнинг характери ва миқдори. Суд ҳукмининг сифати, қонунийлиги, асосланганлиги ҳамда адолатлилиги кўпинча суд терговининг тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона олиб борилганлигидан келиб чиқади. Чунки, суд ҳукми суд тергови мобайнида аниқланган далилларгагина асосланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Суд ҳукми тўғрисида»ги 1997 йил 2 майдаги 2-сонли қарорини 4-бандида «Судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона тасдиқлангандагина айблов

ҳукми чиқаришга асос бўла олади. Бу талаб айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва судланувчининг айбдорлиги суд муҳокамаси жараёнида исботланган тақдирдагина чиқарилиши лозимлиги ҳақидаги ЖПКнинг 463-моддаси мазмунидан келиб чиқади» деб қўйилган. Шунингдек, шу қарорнинг 3-банди сўнгида «ЖПКнинг 26 ва 455-моддалари талабига биноан ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозим» деб қайд қилиб қўйилган. Ушбу қарор талабларидан кўришиб турибдики, суд тергови Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида ҳар томонлама, тўла ва холисона амалга оширилиши лозим. Суд бевосита ва шахсан барча далилларни суд муҳокамасида текшириб чиқиши шарт. Суд тергови мобайнида суд жиноят иши бўйича тўпланган барча далиллар билан бирга судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва холисларни қайтадан сўроқ қилиши, ашёвий далилларни кўздан кечириши, тегишли экспертиза тайинлаши, суд тергови экспериментини ўтказиши ва ҳоказоларни бевосита ва қисқа муддатда амалга ошириши мумкин. Дастлабки тергов мобайнида тўпланган барча далилларни суд терговидан тўпланган далилларга таққослаб, солиштириб кўриб, реал ҳақиқатни аниқлаб олиши керак.

Чақирув қоғози ёки гувоҳларни иштирок этишга мажбурлайди, ёки аниқ предметлар ва ҳужжатларни топширишга даъват қилади.<sup>90</sup>

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 441-моддасига асосан, гувоҳни сўроқ қилишдан олдин раислик қилувчи унинг шахсини аниқлайди ва кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради. Шундан сўнг, раислик этувчи гувоҳга барчанинг олдида ошкора равишда «Иш юзасидан ўзимга маълум бўлган ҳамма нарсани судга айтиб беришга қасамёд қиламан. Фақат ҳақиқатни, барча ҳақиқатни гапириб бераман, ҳақиқатдан ўзга нарсани гапирмайман» деган мазмундаги қасамёд қилишни таклиф этади ҳамда бу ҳақда улардан тилхат олади. 16 ёшга тўлмаган шахслар ҳам худди шундай қасамёд қиладилар. Лекин улар била туриб ёлғон кўрсатув бергани учун ҳамда кўрсатув беришдан бош тортганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилмайдилар ва бу ҳақда улардан тилхат олинмайди.

Суд тергови мобайнида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 443-моддаси талабларига кўра, ёзма далилларни, экспертлар хулосаларини ва тергов ҳаракатлари баённомаларини тарафларнинг илтимосларига ёки суднинг ташаббусига кўра раислик қилувчи, халқ маслахатчиларидан бири ёки суд мажлисининг котиби ўқиб эшиттиради. Тарафлар ушбу ҳужжатларга нисбатан ўзларининг фикрларини баён қиладилар. Шундан сўнггина суд ҳужжатларни ишга қўшиш ёки тегишлилигига қараб қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради.

<sup>90</sup> Mark E.Cammack and Norman M.Garland. Advanced criminal procedure. – Thomson/West, 2006. – P 412

Суд тергови мобайнида кўздан кечириш 444-модда, Гувоҳлантириш 445-модда, Экспертиза тайинланиши ва ўтказилиши 446-модда, Таниб олиш учун кўрсатиш 447-модда, эксперимент ўтказиш, эксперт текшируви учун намуналар олишни амалга оширилиши мумкин.

Суд терговини тамомланиши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 448-моддасига асосан, барча далиллар текшириб чиқилганидан кейин раислик қилувчи тарафлардан улар суд терговини тўлдирмоқчиларми ва тўлдирмоқчи бўлсалар, нима билан тўлдирмоқчи эканликларини сўраши, башарти бу ҳақда илтимос қилинса, суд уни муҳокама қилиши ва ҳал этиши билан яқунланади. Суд терговини тамом бўлганлиги ҳақида раислик этувчи эълон қилади.

Содир этилган жиноятлар учун далилларнинг талаб қилиниши Америка жиноят ҳуқуқининг фундаментал принципларидан биридир. 1970 йилгача бу принципга конституциявий ҳуқуқ мақоми берилган. Шубҳа туғдирган ҳар бир факт аниқланиб, айбланувчининг айби исботланмагунга қадар айбланувчининг ҳимоя қилиниши суд томонидан эътироф этилган. Вояга етмаганлар ишида ҳар бир келтирилган далил айниқса асослантирилиши керак. Асосли шубҳалардан ташқари исботлашнинг конституциявий талаблари ҳам катта таъсирга эга.<sup>91</sup>

### 6.3. Тарафлар музокараси.

Далилларни текширишнинг энг узоқ ва қийин бўлган жараёни ўз манткий яқунини суд музокарасида, яъни тарафларнинг иштирокида ўтказиладиган, тортишувчилик принципига асосланган суд муҳокамасининг махсус қисмида топади. Томонларнинг фикри суд учун жуда муҳимдир. Уларнинг фикрлари ёрдамида суднинг далилларни ҳар томонлама ўрганиш вазифаси енгиллашади, суд терговида аниқланган фактларнинг, далилларнинг мазмуни ва моҳиятига чуқурроқ баҳо бериш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 449-моддасида тарафлар музокарасининг мазмуни ва тартиби белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича музокара давлат айбловчиси ва жамоат айбловчисининг нутқлари билан бошланади. Шундан кейин жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг вакиллари сўзга чиқадилар. Улардан кейин ҳимоя тараф сўзга чиқади. Ҳимоячи ҳимоя нутқини сўзлаб бўлгандан кейин, жамоат ҳимоячиси, судланувчи, фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили сўзга чиқиши белгиланган.

Давлат айбловчиси ва жамоат айбловчисининг, шунингдек ҳимоячи ва жамоат ҳимоячисининг сўзга чиқиш навбатини суд уларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда белгилайди.

<sup>91</sup> Mark E.Cammack and Norman M.Garland. Advanced criminal procedure. – Thomson/West, 2006. – P 399.

Суд музокараларигача бўлган жиноий-процессуал фаолият давомида ягона бир мақсад ҳақиқатни юзага келтиришга ҳамда далилларга асосланган қонуний ва адолатли қарор қабул қилишга ҳаракат қилинади. Томонларнинг процессуал манфаатларининг мавжудлиги, яъни, ҳар бир томонда ўз хоҳишига кўра ишнинг моддийлашган натижасига эга бўлиш истаги борлигидадур. Мана шу ердан томонларнинг жиноят иши бўйича олинган ва текширилаётган далилга нисбатан фақатгина ўз манфаатлари йўлида ёндошиш каби қарама-қарши бўлган муносабатини кўришимиз мумкин. Томонларнинг ўрганаётган факт, далилга нисбатан ўз талқинида мулоҳаза юритишини гувоҳи бўлиш мумкин. Ушбу ҳолатда эса, ким ҳақ, ким ноҳақлиги ҳақидаги хулосани қонун бўйича фақатгина суд чиқаради. Лекин суд хулоса чиқариш учун, аввало, ҳар иккала музокарада иштирок этаётган тарафларни батафсил эшитган бўлиши керак.

Суд музокарасида процесс иштирокчилари ўзларининг жиноий иш юритуви тизимида эгаллаган процессуал ҳолатларига қараб, қонун билан ўзларига берилган ҳуқуқлардан фойдаланишни бевосита амалга ошириб, суд таркибига ҳамда суд процесси иштирокчиларига руҳан (эмоционал) таъсир этиш, тортишувчилик принципи асосида ўз позицияларини баён қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Музокара мобайнида тарафлар суд томонидан текширилган ҳар бир далилга нисбатан ўз фикрларини мустақил равишда, эркин баҳо бериш асосида амалга оширадилар. Тарафларни ўрганилаётган далилларга нисбатан берган фикрлари учун қонунчилик уларга нисбатан ҳеч қандай жавобгарлик белгиламайди. Шундай бўлсада, жиноят процессуал қонунчилигида музокара нутқига нисбатан бир қатор қонун талаблари мавжуддир. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 449-моддасида қайд қилинган талабларга кўра, “Тарафлар ўзларининг нутқларида суд терговидида кўриб чиқилмаган далилларни келтиришга ҳақли эмас. Текшириш учун судга янги далилларни тақдим этиш лозим бўлса, тарафлар суд терговини янгидан бошлаш тўғрисида илтимос қилишлари мумкин.

Давлат айбловчиси суд терговининг яқунларини инобатга олиб, ўз нутқида судланувчининг айбдорлиги ёки айбли эмаслиги тўғрисидаги хулосасини асослантириши лозим. Давлат айбловчиси судланувчи айбли деган хулосага келганда, унга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган жазо тури ва меъёри ҳақида судга ўз фикрини баён қилади.

Тарафлар нутқ сўзлаб бўлганларидан кейин, улардан ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан эътирозлар ёки мулоҳазалар билан яна бир мартадан сўзга чиқишлари мумкин. Сўнгги эътироз билдириш ҳуқуқи ҳамиша ҳимоячи ва судланувчига берилади”.

Суд музокарасидагидек тортишувчилик тамойилини кенг қўлланиши суд муҳокамасига тайёргарлик қисмида ҳам, ҳатто суд тергови мобайнида ҳам кузатилмайди. У қисмларда алоҳида масалаларга оид саволлар атрофида тўхталиб ўтилади, ҳатто суд тергови мобайнида далилларни бирма-бир

<sup>92</sup> Mark E.Cammack and Norman M.Garland. Advanced criminal procedure. – Thomson/West, 2006. – P 406

ўрганиб, текшириш борасида томонлар ўз қарама-қаршиликларини юзаки тортишув орқали амалга оширадilar. Улар далилларга нисбатан бўлган фикрларини тўлиқ баён этмайдilar, ҳар бир далил бўйича ўз мунособатларини суд тергови тамомланиб, суд музокараси мобайнида баён қилишлари лозим бўлган фикрлар тўпламига тўлдириб борадилар.

А. Ф. Кони таъкидлаганидек, “Суд музокараси - суд муҳокамасининг энг жонли, энг ҳаракатчан, ўз моҳиятига кўра энг ўзгарувчан қисми ҳисобланади”.

Суд музокараси моҳиятини билиш учун мантиқий фикрлашга эга бўлиш керак. Чунки, суд музокараси мобайнида ўз вазифаларининг касбий эгалари ҳисобланган давлат айбловчиси ва ҳимоячи далилларга нисбатан фақатгина ўз манфаатлари нуқтаи-назаридангина ёндошадilar. Ташқаридан ушбу ҳолатга назар ташланса, давлат айбловчиси ва ҳимоячиларни ўзаро тортишувчилик тамойилига асосан фикр баён қилаётганликлари эмас, балки музокара сўзи берилган барча процесс иштирокчиларини жиноят иши бўйича тўпланган далилларга нисбатан, умуман олганда жиноят ишига нисбатан бўлган шахсий мунособатларини эркин баён қилиш босқичига ўхшатиш мумкин. Ваҳоланки, айнан мана шу эркин баён қилиш тортишувчиликни мазмун ва моҳиятини ташкил этади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 450-моддасида аниқ қилиб, 457-модданинг 1-6 бандларида кўрсатилган масалалар юзасидангина давлат айбловчиси ва ҳимоячиси ўзининг таклифларини ёзма равишда тақдим қилишлари лозимлиги қайд қилинган. Қонунда бундан ташқари, оғзаки равишда бошқа масалалар юзасидан давлат айбловчиси ва ҳимоячини ўз таклифларини билдиришга мажбурлиги қайд қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1997 йил 22 августдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида”ги қарорининг 13-бандида “Судларга, музокара тамом бўлганидан кейин тарафлар Жиноят-процессуал кодекси 457-моддасининг биринчи қисмидаги 1-6 бандларда назарда тутилган масалалар юзасидан чиқариладиган қарорнинг ўзлари таклиф этадиган мазмунини судга ёзма равишда тақдим этишлари мумкинлиги, давлат айбловчиси ва ҳимоячи учун қарорнинг бундай мазмунини судга тақдим этиш мажбурийлиги тушунтирилсин” дейилган.

Шу қарорнинг 13-бандида тарафларнинг музокара сўзлари ЖПК нинг 449-моддаси тартибида эшитилиб суд баённомасида тўлиқ акс этирилган бўлиши лозим. Агар тарафлар ўз нутқларини ёзма равишда тақдим этмасалар, нутқлар илова қилиниб, бу ҳақда баённомада қайд этилиши керак.

Судларга тушунтирилсинки, суд тергови тамомланганидан сўнг тарафлар музокара сўзларидан кейин уларнинг ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан эътирозлари бўлса яна бир мартадан сўзга чиқишлари мумкин” дейилган.

Процесс иштирокчиларининг шахсий муносабатлари замирида, ўзаро келишмовчиликлари ёхуд тарафларнинг бир-бирларига нисбатан пайдо бўлган қарама-қаршиликлари туфайли луқмадан фойдаланиш мумкин эмас. Луқмани тарафлар фикрлари бир-бирига қарама-қарши бўлганлиги сабабли, шахсий келишмовчиликларни ойдинлаштириш қуролига айлантормасликлари лозим. Луқма асосий айблов нутқи каби аниқ, исботланган, асослантирилган фактлардангина қурилган бўлиши керак.

#### 6.4. Судланувчининг охириги сўзи.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 451-моддасида судланувчига охириги сўз бериш тартиби белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича, тарафларнинг музокараси тамом бўлгандан кейин раислик қилувчи судланувчига охириги сўзни беради. Судланувчининг охириги сўзи вақтида унга ҳеч қандай савол беришга йўл қўйилмайди.

Суд судланувчининг охириги сўзини муайян муддат билан чеклаб қўйиши мумкин эмас, лекин раислик қилувчи судланувчининг сўзини, у ишга мутлақо алоқаси йўқ ҳолатларни баён қила бошлаган ҳолларда, тўхтатишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 484-моддасида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари белгиланган бўлиб, ушбу модданинг 3-бандида ушбу Кодекс нормаларининг жиддий бузилганлиги апелляция, кассация ёки назорат тартибида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлади дейилган. ЖПКнинг жиддий бузилиши ҳолатлари ЖПКнинг 487-моддасида белгиланган бўлиб, ушбу модданинг 6-бандида «судланувчига охириги суд берилмаган бўлса» Кодекс нормаларини жиддий бузиш деб эътироф этилиши қайд этилган. Кўриниб турибдики, судланувчига охириги сўз бериш қатъий процессуал қонун талаби ҳисобланади<sup>93</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 452- моддаси талабларига кўра, башарти тарафлар музокарадаги нутқларида ёки судланувчи охириги сўзида иш учун муҳим аҳамиятга молик янги ҳолатлар тўғрисида гапирсалар ёки муқаддам текширилмаган, лекин ишга алоқадор далилларни келтирсалар, суд тарафларнинг илтимосларига кўра ёки ўз ташаббуси билан суд терговини янгидан бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради. Янгидан бошланган суд тергови тамом бўлганидан кейин суд тарафларнинг музокарасини янгидан очади ва судланувчига охириги сўз беради.

Судланувчининг охириги сўзини эшитиб бўлгандан сўнг суд ҳукми чиқариш ёки ажрим чиқариш учун дарҳол алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киради. Бу ҳақда раислик қилувчи суд мажлиси залида ҳозир бўлганларга эълон қилади. (ЖПКнинг 453-моддаси)

<sup>93</sup> Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма Т.: ТДЮИ, 2009.Б.73

## 6.5. Ҳукм чиқариш ва эълон қилиш

Ҳар қандай юридик иш юзасидан ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг расмий шакли ва якуний натижаси ваколатли давлат органларининг қарорларида, хусусан ҳукмда акс этади.

Ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу тури ўзига хос хусусиятлари билан характерланади.

**Биринчидан:** ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳаси, жиноий процессуал муносабатлар бўйича давлатнинг ваколатли органлари томонидан ҳуқуқни қўллаш ваколатини амалга оширишда қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

**Иккинчидан:** ҳуқуқни қўллаш ҳужжати давлат амрини акс эттириб, кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахсга нисбатан мажбурий бўлади ва бажарилиши давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади.

**Учинчидан:** ҳуқуқни қўллаш ҳужжати қонунда белгиланган шаклда бўлади.

**Тўртинчидан:** ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари ижтимоий муносабатларнинг алоҳида турини тартибга солишга қаратилади. Унда ҳаётий шароитлардан келиб чиқиб, субъектив ҳуқуқ ва муайян шахсларнинг ҳуқуқий мажбуриятларига индивидуал ёндашилади.

Юқорида кўрсатилган барча хусусиятлар ҳукмга ҳам тегишли бўлади. Ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра ваколатли давлат органлари томонидан жиноят процессида чиқариладиган ҳукм ёки бошқа қарорлар ҳуқуқни қўллаш ҳужжати сифатида намоён бўлади.

“Ҳукм-бу давлат ҳокимиятининг амрини ўзида акс эттирувчи, муайян шаклда бўлган ва ижтимоий муносабатларни индивидуал тартибга солишга қаратилган, алоҳида юридик иш бўйича қабул қилинадиган расмий қарор ҳисобланади“.

Ҳуқуқни қўлловчи бошқа ҳужжатлардан ҳукмнинг фарқи шундаки, ҳукм жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартибда одил судловни амалга оширувчи судлар томонидан қабул қилиниб, жиноят иши бўйича асосий юридик саволларнинг жавобини ўзида акс эттиради.

Одил судлов-бу фақат судлар томонидан амалга ошириладиган давлат фаолиятининг ўзига хос шакли бўлиб ҳисобланади. Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан амалга ошириладиган одил судлов - бу қонунда белгиланган тартибда жиноят ишини суд муҳокамаси ёрдамида кўриб чиқиш ва объектив ҳақиқатда нима бўлганлигини аниқлаш, жиноий қилмишга

юримдик баҳо бериш ва жиноят содир этган шахсга қонунда белгиланган тартибда жазо белгилашдан иборат<sup>94</sup>.

Ҳукмнинг процессуал аҳамияти шундаки, у жиноят ишлари бўйича одил судловнинг асосий ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Биринчидан, процесснинг барча иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминловчи дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди фаолияти натижалари бўйича ҳулоса чиқаради. Иккинчидан, жиноят ишлари бўйича, барча масалаларни суд томонидан ҳал қилишнинг биринчи босқичи бўлиб, жиноят процессининг апелляция, кассация ва назорат инстанциялари фаолиятини бошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

1. Суд ҳокимиятининг ушбу ҳужжатида, суд муҳокамасида кўрилатган жиноий ишга нисбатан давлат номидан ижтимоий хавфлилиги бўйича баҳо берилади.

2. Ҳукм жиноий қилмишга нисбатан жамиятнинг муносабатини акс эттиради.

3. Ҳукмни ошқора эълон қилиш жамиятда ҳуқуқий билим, ҳуқуқий (онг)нинг шаклланишига, одил судлов ҳукмини чиқариш эса қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлашга кўмаклашади. Суд ҳукмининг вазифалари фақатгина мажбурлов чораларини қўллаш ёки ҳимоя чораларни қўллашдан ташқари тарбия билан боғлиқ масалаларни ўзида акс эттириши лозим.

Одил судлов ҳужжати бўлган ҳукм Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 455-моддасида кўрсатилганидек, қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозим. Ушбу моддада ҳукмнинг қонунийлик талабига қуйидагича таъриф берилади: “Ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса қонуний деб эътироф этилади”. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида: “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди”- деб кўрсатилган. Ушбу конституциявий қоида ҳукмнинг аҳамиятини белгилаб, унга қўйилган талабларга қатъий риоя зарурлигини белгилайди.

<sup>94</sup> Mark E. Cammack and Norman M. Garland. Advanced criminal procedure. – Thomson/West, 2006. – P 483.



Жиноят-процессуал ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳукмнинг қонунийлиги деганда ҳукм чиқариш вақтида эмас, балки ҳукм чиқариш процесси жараёнида жиноят ва жиноят процессуал қонун нормаларига риоя қилинганлиги тушунилади. Ҳукм жиноят процессуал қонуни жиддий бузилганида, суд ёки дастлабки тергов томонидан йўл қўйилган шундай хато, суд муҳокамаси даврида бартараф этилмаган ҳолда чиқарилганда ноқонуний деб топилади ва ҳукми бекор бўлишига олиб келади.

Ҳукмнинг қонунийлиги-бу моддий ва процессуал қонун нормаларигақатъий риоя қилиниши демакдир. Ҳукмнинг моддий қонун нормаларига асосланганлиги деганда ЖК Умумий ва Махсус қисм нормаларининг қўлланиши билан боғлиқ масалалар, жиноятларни квалификация қилиш, жазо миқдори ва тури, моддий зарарнинг қопланганлиги билан боғлиқ ва бошқа масалаларнинг тўғри ҳал қилинганлиги тушунилади. Бунда фақатгина жиноят қонуни нормалари эмас, балки фуқаролик меҳнат ва бошқа қонун нормаларининг ҳам тўғри қўлланилиши назарда тутилади<sup>95</sup>.

Ҳукмнинг қонунийлиги унинг асослиги билан ўзаро боғлиқдир.

Ҳукмнинг асослиги деганда, ҳукмда баён қилинган суд хулосалари иш ҳолатларига мослиги, суд муҳокамасида тадқиқ этилган ва суд томонидан ишончли ва етарли деб тан олинган далиллар мажмуи билан тасдиқланганлигига айтилади.

Амалдаги жиноят процессуал қонуннинг 455-моддаси учинчи қисмида ҳукмнинг асослигига қуйидагича таъриф берилади: “Ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича, тўла ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилади”. Суднинг ҳар қандай хулосалари асоссиз бўлса, ҳукм ҳам асоссиз деб топилади. Айбсиз шахсни жиноий жавобгарликка тортганда ёки айбини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўла туриб, оқлов ҳукми чиқарилганда, ҳукм асоссиз деб топилади. Шунингдек, суд иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқламаган бўлса, иш учун аҳамиятга эга бўлган далилларни тадқиқ этмаган бўлса, ҳамда суд қарори аниқланган фактик ҳолатга қарама-қарши бўлса шу билан бир қаторда қилмишнинг жиноят ҳуқуқий квалификацияси ва жазо чораларини қўллашда қарама-қаршилиқлар бўлганда ҳукм асоссиз деб топилади.

Ҳукмнинг қонунийлиги ва асослиги юқорида таъкидлаганимиздек, ўзаро боғлиқ бўлиб, асоссиз ҳукм албатта ноқонуний ҳукм бўлиб ҳисобланади.

ЖП қонуни нормалари бузилган ҳисобланади. Шунинг билан бирга жиноят процессуал қонуни нормаларининг асоссиз қўлланилиши бир пайтнинг ўзи жиноят қонунининг бузилишига сабаб бўлади. Худди шунингдек ҳукм ноқонуний бўлса, суд томонидан ЖПК қонуни нормаларининг жиддий бузилишига йўл қўйилган бўлса, суд муҳокамасининг натижаларини гумон остига қўйиб, ҳукмнинг асосли деб топилишига йўл қўйилмайди.

<sup>95</sup> Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма Т.: ТДЮИ, 2009.Б.68

Ҳукмга қўйилган талаблардан яна бири, ҳукмнинг адолатли бўлишидир. Ўзбекистон Республикаси ЖПКдексининг 455-моддаси 3-қисмида:

“Ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чорасиу содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилади”.

Бироқ бундай талаб бошқа давлатлар қонунчилигида назарда тутилмаган. Ҳукмга қўйилган бундай талаб янгилик бўлмасдан, балки жиноят процессуал назариясида шаклланган.

Ҳукмнинг адолатлиги тушунчаси тор ва кенг маънода қўлланилади. Тор маънода ҳукмнинг адолатлиги, жиноят содир этган шахснинг шахси ва қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига қараб жазо тайинланишига айтилади. Кенг маънода ҳукмнинг адолатлиги унинг қонунийлиги ва асослиги, ҳамда ишларни ҳал қилишнинг мазмуни ва шакли бўйича тўғрилигига нафақат ҳуқуқий, балки жиноят содир этган шахс ва унинг қилмишига нисбатан ижтимоий ахлоқий принципларга ҳам жавоб бериши назарда тутилади.

Жиноят иши бўйича аниқланган ҳолатларни синчковлик билан ва кетма-кет муҳокама қилиш судларга мажбурият сифатида юклатилган бўлиб, ҳукм чиқариш вақтида суд ҳал қиладиган масалалар қонун томонидан белгилаб қўйилган (ЖПКнинг 457-моддаси).

Суд мажлисига раислик қилувчи ҳукм чиқариш вақтида суд ҳал қиладиган масалаларни қонунда кўрсатилган тартибда ва кетма-кетлигига катъий риоя қилган ҳолда суд ҳал қилувига қўйиши лозим.

ЖПК нинг 457-моддасида кўрсатилган масалаларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Жиноят ва уни содир этган судланувчининг айби исботланганлигига оид масалалар;

2. Жазога оид масалалар;

3. Фуқаровий даъво ва зарарни ундиришга тегишли масалалар;

4. Ҳукм чиқаришга оид бошқа масалалар

1. Суд муҳокамасининг умумий шартлари деганда нимани тушунаси?
2. Заҳирадаги халқ маслаҳатчилари суд мажлисида қачондан бошлаб иштирок этади ва қандай ҳуқуқлардан фойдаланади?
3. Судланувчи судга келмаслиги қандай оқибатларга олиб келади?
4. Жабрланувчининг судга келмаслигининг оқибати нимадан иборат бўлади?
5. Прокурор, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар суд мажлисига келмаслиги қандай оқибатларга олиб келади?
6. Қандай асослар бўлганда жиноят иши дастлабки терговга қайтарилади?

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси <http://www.lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Суд ҳукми тўғрисида»ги 1997 йил 2 майдаги 2-сонли қарори. <http://www.lex.uz>
3. Mark E. Cammack and Norman M. Garland. Advanced criminal procedure. – Thomson/West, 2006. – В 505.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-амалий машғулот:

#### **Жиноят-ҳуқуқий сиёсат ва унинг асосий йўналишлари.**

**Ишдан мақсад:** тингловчиларда жиноят-ҳуқуқий сиёсат соҳасида амалга оширилган ислохотлар бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш. Амалиётда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** жиноят-ҳуқуқий сиёсатни такомиллаштириш истиқболлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

### Назорат саволлари:

1. Янги Жиноят кодекси қабул қилинганида (22.09.1994) эски Жиноят кодексида мавжуд қайси жазо турлари депенализация қилинган ва бунинг сабабларини қандай изоҳлайсиз?

2. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат соҳасида амалга оширилган ислохотлар босқичлари ва уларнинг ҳар бир босқичида амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача маълумот беринг.

3. Жиноий жавобгарликни дифференциация ва жазо тайинлашда индивидуализация қилиш тушунчалари ўртасидаги фарқни мисоллар орқали тушунтиринг.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Базарбаева Г. Дифференциация ответственности в уголовном праве // Ҳуқуқ – Право – Law. 2005.

2. Лопашенко. Н. А. Уголовная политика: понятие, содержание, методы и формы реализации. Уголовное право в XXI века. М., Лекс Эст, 2009.

3. Scots Criminal law, 2009. Pamela R Ferguson and Claire McDiarmid, ISBN 9781845860394, Dundee University Press.

4. W Kymlicka, Multicultural Citizenship: A Liberal Theory of Minority Rights (1995), page 80.

5. European Journal on Criminal Policy and Research Volume 22 / 2016

### 2-амалий машғулот:

#### **Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро стандартлари.**

**Ишдан мақсад:** коррупция жиноятчилигининг тушунчаси ва келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни шакллантириш

**Масаланинг қўйилиши:** коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг асосий йўналишларини таҳлил қилиш.

### **Назорат саволлари:**

1. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш ҳамда ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жиноятлари учун жавобгарликнинг ўзаро фарқли жиҳатларини муҳокама этинг.

2. Мансабга совуққонлик билан қараш ҳамда ҳокимият ҳаракатсизлиги жиноятлари учун жавобгарликнинг ўзаро фарқли жиҳатларини муҳокама этинг.

3. Пора олиш, пора бериш жиноятларининг пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятидан ўзаро фарқли жиҳатларини муҳокама этинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

2. Рустамбоев М.Х. Курс уголовного право Республики Узбекистан. В пяти томах – Т.: ТГЮИ, 2008

3. Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жавобгарлик. – Т.: ТДЮИ, 2004. – Б. 203.; Ахроров Б.Ж. Мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик. – Т.: ТДЮИ, 2007. – Б. 268.

4. Абдурасулова Қ., Қурбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола). – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 60.

5. Scots Criminal law, 2009. Pamela R Ferguson and Claire McDiarmid, ISBN 9781845860394, Dundee University Press.p.437

6. Халқаро Транспаренси Интернешнл ташкилотининг 2015 йилги маълумотномаси. // Интернет манзили <http://www.transparency.org.ru>

### **3-амалий машғулот:**

#### **Трансмиллий жиноятчилик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини таҳлил қилиш.**

**Ишдан мақсад:** трансмиллий жиноятчиликнинг тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари

**Масаланинг қўйилиши:** терроризм, одам савдоси, гиёҳванд воситалари ноқонуний муомаласи билан боғлиқ трансмиллий жиноятларга қарши курашишнинг асосий йўналишларини таҳлил қилинг.

### **Назорат саволлари:**

1. Трансмиллий жиноят ва уюшган жиноятни бир-биридан фарқловчи жиҳатлари нималардан иборат?

2. Трансмиллий жиноятчиликка қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат ?

3. Глоблалашувжараёнитрансмиллийжиноятчиликнингривожланишигақандайтаъсирўтказмоқда?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

2. Рустамбоев М.Х. Курс уголовного право Республики Узбекистан. Четвёртый и пятый том – Т.: ТГЮИ, 2008.

3. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи 2000 йил 15 ноябрдаги “Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ва тўхтатиш ва уларни содир этганлик учун жазолаш тўғрисида” ги Протоколи// Сборник нормативно-правовых документов по вопросам миграции и противодействия торговле людьми в области прав человека. - Тошкент: 2007.- 76 б

4. An introduction to international law and procedure, 2007. Robert Cryer ISBN 9780521876094 Cambridge University Press. Page № 295.

5. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам (ўзбекча нашр). Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: Адолат, 2004.

### **4-амалий машғулот:**

#### **Хабеас корпус институтини қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатлари**

**Ишдан мақсад:** тингловчиларда “Хабеас корпус акти”ни амалиётда қўллаш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни шакллантириш

**Масаланинг қўйилиши:** қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосноманинг судда кўрилиш жараёнини амалий шакллантиринг.

**Ишни бажариш учун намуна:** жиноят ишига илова қилинган видеоёзув ва овозёзув материаллари

#### **Назорат саволлари:**

1. Шахсни қамоқда сақлаш муддатлари тўғрисида маълумот беринг
2. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ процессуал ҳужжатларга тўхталинг
3. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашдаги муаммоларга тўхталинг

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси.  
<http://www.lex.uz>
2. Судлар тўғрисида”ги қонун. <http://www.lex.uz>
3. 2011 йилда қабул қилинган «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги қонуни. <http://www.lex.uz>

#### 5-амалий машғулот:

##### **Жиноят процессида суд назоратини такомиллаштириш масалалари**

**Ишдан мақсад:** тингловчиларда жиноят процесси босқичларида суднинг назорати тўғрисида амалий кўникмаларни шакллантириш

**Масаланинг кўйилиши:** уй қамоғи ва лавозимидан четлаштириш тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллаш ҳақида илтимоснома кўзғатиш тўғрисидаги қарор лойиҳасини шакллантириш

**Ишни бажариш учун намуна:** жиноят ишидан олинган процессуал ҳужжатлар

#### Назорат саволлари:

1. Эҳтиёт чоралари тўғрисида маълумот беринг
2. Эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ процессуал ҳужжатларга тўхталинг
3. Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашдаги муаммоларга тўхталинг

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси.  
<http://www.lex.uz>
2. Судлар тўғрисида”ги қонун. <http://www.lex.uz>

#### 6-амалий машғулот:

##### **Жиноят процессида суд муҳокамасининг босқичлари**

**Ишдан мақсад:** тингловчиларда суд муҳокамаси тўғрисида амалий кўникмаларни шакллантириш

**Масаланинг кўйилиши:** тингловчилар иштирокида суд тергови жараёнини шакллантириш

**Ишни бажариш учун намуна:** жиноят ишига илова қилинган видеоёзув ва овозёзув материаллари

#### Назорат саволлари:

1. Суд муҳокамасида тарафлар тортишуви тўғрисида маълумот беринг

2.Тарафлар музокарасига тўхталинг

3.Судланувчининг охирги сўзининг аҳамиятини ёритиб беринг

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси.

<http://www.lex.uz>

2. Судлар тўғрисида’ги қонун. <http://www.lex.uz>



## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат ва унинг асосий йўналишлари:

#### 1-вариант

#### НАЗАРИЙ САВОЛЛАР:

1. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат тушунчаси моҳиятини очиб беринг.

	0,5
--	-----

2. Янги Жиноят кодекси қабул қилинганида (22.09.1994) эски Жиноят кодексида мавжуд қайси жазо турлари депенализация қилинган ва бунинг сабабларини қандай изоҳлайсиз?

	0,5
--	-----

#### КАЗУС

Самарқанд шаҳридан Ўзбекистон Республикаси фуқароси П. Астрахан шаҳрида вақтинча бўлган даврида маҳаллий яшовчи Ю.нинг номусига тегади. Астрахан шаҳар ИИБ бошлиғи Самарқанд шаҳар прокуратурасига П.ни қамоққа олиш ва жиноят содир қилган жойда жиноий жавобгарликка тортиш учун юборишини сўради. Самарқанд шаҳар прокурори Астрахан ИИБ бошлиғига текширувни охирига етказиш ва айбдорни ЎзР ЖКга асосан жиноий жавобгарликка тортиш учун барча тергов материалларини Самарқанд шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига юборишни таклиф қилади.

Самарқанд шаҳар прокурорининг ҳаракати қонунийми?

	,5
--	----

**Умумий балл**

	2.5
--	-----

**2-вариант**  
**НАЗАРИЙ САВОЛЛАР:**

1. Декриминализациянинг моҳиятини тушунтиринг ва унга амалиётдан мисоллар келтиринг.

	0,5
--	-----

2. Жиноий жавобгарликни дифференциация ва жазо тайинлашда индивидуализация қилиш тушунчалари ўртасидаги фарқни мисоллар орқали тушунтиринг.

	0,5
--	-----

**КАЗУС**

2002-йил 11-апрелда туғилган Т. безорилик майлида 2015-йил 10-апрел куни пешинда Ч.ни хандаққа итариб юборди. Боши шикаст еганидан Ч. 2015-йил 15-апрелда вафот етди. Терговчи қасддан одам ўлдириш 2015-йил 15-апрелда содир етилган деб, Т.нинг ҳаракатини ЎзР ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми билан квалификация қилди. Ҳимоячи еса жиноят содир қилиш вақтида 13 ёшга тўлмаганлиги сабабли Т.ни жиноий жавобгарликка тортмасликни айтди.

*Ҳимоячининг фикри эътиборга лойиқми?*

	1,5
--	-----

**Умумий балл**

	2,5
--	-----

**2. Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро стандартлари**  
**Вариант 1**

**Савол:**

1. Порахўрлик коррупциянинг бир кўриниши сифатида ўзининг қандай хусусиятларига эга?

	0.5
--	-----

2. Ўзбекистон Республикасида коррупция жиноятчилигининг олдини олиш чоралари мазмун моҳиятини очиқ беринг ? мисоллар ёрдамида.

	0.5
--	-----

### КАЗУС:

2015 йил 17 июнь куни фуқаро Ш. ўғлини ўқишга олиб кириш масаласида маслаҳат олиш учун таниши Б.нинг олдига боради. Б. ҳозир Давлат тест Марказида масъул ходим лавозимда ишлаётганлиги ҳамда унга ўғлини ўқишга олиб киришга ёрдам беришини айтади. Бунинг эвазига Б. Ш.дан 30,000 АҚШ доллари ҳамда 32 млн сўм миқдорда пул олади. Кириш имтиҳонлари натижаларига кўра Ш.нинг ўғли ўқишга қабул қилинмаган. Бундан хафа бўлган Ш. ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига мурожаат этади. Терговда аниқланишича Б. ҳеч қаерда ишламаган ва пулни таниши Ш.нинг ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзлаштириб, кейинчалик ўз эҳтиёжлари учун растрата қилиб юборган. Шуларга асосланиб, терговчи Б.нинг ҳаракатларини Жиноят кодекси 167-моддаси иккинчи қисми “а” банди ҳамда 168-моддаси иккинчи қисми “а” банди билан, Ш.нинг ҳаракатларини эса, Жиноят кодекси 25, 211-моддаси иккинчи қисми “б” банди билан квалификация қилади. Ш.нинг адвокати уни Жиноят кодекси 25, 211-моддаси билан айбдор деб топилиши нотўғри, деб фикр билдиради. Ўз навбатида суд Ш.нинг адвокати фикрини эътиборга олиб, уни айбдор эмас деб топади. Б.ни эса, Жиноят кодекси 168-моддаси иккинчи қисми “а” банди ҳамда 25, 211-моддаси иккинчи қисм “б” банди билан айбдор деб топиб, ҳукм чиқаради.

*Мазкур шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг ва жиноятни квалификация қилинг.*

*Терговчи, адвокат ҳамда суд томонидан қилмишга берилган ҳуқуқий баҳоларнинг ҳар бирига нисбатан фикрингизни билдиринг.*

*Жиноят ҳуқуқи назарияси, Жиноят кодекси ҳамда тегшли Олий суд Пленумининг қарорларидан фойдаланиб, айбдор шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.*

	1.5
--	-----

**Умумий балл**

	2.5
--	-----

### Вариант 2

**Савол:**

1. Пора олиш ҳамда товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш жиноятлари учун жавобгарлик масаласини муҳокама этинг.?

	0.5
--	-----

2. Ўзбошимчалик жиноятининг мансабдорлик ва талон-тарож жиноятларидан фарқли жиҳатларини муҳокама этинг.

	0.5
--	-----

### КАЗУС:

Бердиева, 2011 йил 26 декабрь кунидан бошлаб, 2015 йил 16 январь кунига қадар Шаҳар болалар тиббий маслаҳат-диагностика маркази бош шифокори вазифасини вақтинча бажарувчи - бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб келиб, 2015 йил 14 январь куни ўз хизмат хонасида фуқаро Адиловаини Шаҳар болалар тиббий маслаҳат-диагностика маркази 1–маслаҳат бўлими ҳамшираси лавозимига ишга жойлаштиришни ҳал қилиб бериш эвазига 400 АҚШ доллари миқдорида пул маблағларини олаётган вақтида Ўзбекистон Республикаси СВОЖЖДҚЛК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси СОЖАБЭОО бўлими тезкор ходимлари томонидан жиноят устида ушланган.

2015 йил 23 январь кундаги судга оид кимёвий экспертизанинг 410/20-сонли хулосасига асосан, текшириш учун тақдим этилган 400 АҚШ доллари, Бердиевага тегишли бўлган иш дафтарида, Бердиеванинг ўнг ва чап қўллари бармоқларидан артиб олинган дока суртмаларида кукун излари мавжуд бўлиб, улар таққослаш учун тақдим этилган махсус кукун намунасига турдошлиги аниқланган.

*Мазкур шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг ва жиноятни квалификация қилинг.*

*Жиноят ҳуқуқи назарияси, Жиноят кодекси ҳамда тегишли Олий суд Пленумининг қарорларидан фойдаланиб, айбдор шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.*

	1.5
--	-----

**Умумий балл**

	2.5
--	-----

### 3. Трансмиллий жиноятчилик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари

#### 1-ВАРИАНТ

#### НАЗАРИЙ САВОЛЛАР:

1. Трансмиллий жиноятчилик билан халқаро жиноятчилик тушунчалари орасидаги фарқларни таҳлил қилинг.

	0.5
--	-----

2. Глобаллашув жараёни трансмиллий жиноятчиликнинг ривожланишига қандай таъсир ўтказмоқда?

	0.5
--	-----

### КАЗУС:

Фуқаро М. ўзининг ўртоқлари Б. ва С.лар билан биргаликда қурилиш объектида ишлаш учун Россия Федерациясига кетди. Қурилиш объектининг қоровули И. уларнинг ўқ отар қуролларга қизиқиши борлигини сезиб қолиб, уларга “ўқ отар қуролларга қизиқсангизлар менинг бир танишим бор. У ҳарбий хизматда “кучли мерган бўлган” деб қизиқтиради ва уларни В. билан таништиради. В. аслида террористик оқим аъзоси бўлиб, М., Б. ва С.ларни ўқ отар қуролларини қўллашни ва улардан фойдаланишни ўргатади ҳамда уларни ўзи раҳбарлигидаги террористик оқимга хизмат қилишга кўндиради.

В. ўқ отар қуролларни қўллаш ва улардан фойдаланишни ўрганган М., Б. ва С.ларни Ўзбекистондаги муҳим объектларни чуқур ўрганиб келиши учун Ўзбекистонга қайтариб юборади ва улар Ўзбекистонга келганларида ХМҚО ходимлари томонидан қўлга олинади.

*Бўлиб ўтган воқеага ҳуқуқий баҳо беринг, қилмишини юридик таҳлил этинг (объект, объектив томон, субъект ва субъектив томонларини аниқланг).*

*Жиноят ҳуқуқи назарияси, Жиноят кодекси ҳамда тегшли Олий суд Пленумининг қарорларига асосланиб, қилмишини квалификация қилинг.*

	1.5
--	-----

Умумий балл

	2.5
--	-----

### 2-ВАРИАНТ

#### НАЗАРИЙ САВОЛЛАР:

1. Терроризм жиноятига жиноят ҳуқуқий таъриф беринг.

	0.5
--	-----

2. Трансмиллий жиноятларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари тўғрисида мулоҳаза юритинг.

	0.5
--	-----

### КАЗУС:

Чет эл фуқаролари П. ва Рлар Ўзбекистонга келиб, ўзларига жиноий шерикларини тўплаб, бир неча масъул лавозимларда ишловчи ходимларни гаровга олишган. Ҳукумат раҳбарияти томонидан гаровга олинган ходимларни озод қилишни сўралганида, улар гаровга олинганларни озод қилиш эвазига кўп миқдорда пул, ўқ отар қуроллари ва Ўзбекистондан чиқиб кетиш учун самолёт беришни талаб қиладилар, акс ҳолда гаровга олинган барча ходимлар ва биноларни портлатиб юборишларини билдирадилар.

*Бўлиб ўтган воқеага ҳуқуқий баҳо беринг, қилмишни юридик таҳлил этинг (объект, объектив томон, субъект ва субъектив томонларини аниқланг).*

*Жиноят ҳуқуқи назарияси, Жиноят кодекси ҳамда тегшли Олий суд Пленумининг қарорларига асосланиб, қилмишини квалификация қилинг.*

	1.5
--	-----

Умумий балл

	2.5
--	-----

### 4. Хабеас корпус институтини қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатлари

#### 1-вариант

#### Назарий саволлар:

1. “Миранда қоидаси” ҳақида маълумот беринг?

	0.5
--	-----

2. “Хабеас корпус акт” институтини вужудга келишига қандай омиллар сабаб бўлди ва у қаерда биринчи бўлиб қўлланди.

	0.5
--	-----

### КАЗУС

Гарипов Сомовни ўлдирганликда, шунингдек ноқонуний равишда совуқ қурол ясаганлик ва олиб юрганликда айбланди. 2 октябрь куни унга

қамоққа олиш тарзидаги эъҳтиёт чораси қўлланилган. 28 октябрь куни Гарипов тергов ҳибсхонасидан вилоят психиатрик шифохонага, стационар суд психиатрик экспертизасига жўнатилган ва у ерда 9 декабрга қадар бўлган. У жиноят содир этган пайтда ақли расо деб топилди. 10 декабрда Гарипов тергов ҳибсхонасига қайтарилди. Тергов ҳибсхонасида унинг жиноят иши материаллари ўрганилганда, 2 ойлик қамоқда сақлаш муддати тугаганлиги аниқланган. Гариповни қамоқда сақлаш учун асос бўлувчи бошқа ҳужжатлар тергов ҳибсхонасига келиб тушмаган.

*Тергов ҳибсхонаси маъмурияти ушбу ҳолатда қандай йўл тутishi лозим? Ушбу ҳолатда шахсни қамоқда сақлашнинг процессуал асоси қандай?*

Умумий балл 

	1.5
--	-----

	2.5
--	-----

## 5. Жиноят процессида суд назоратини такомиллаштириш масалалари

### 2-вариант

#### НАЗАРИЙ САВОЛЛАР

1. Дастлабки терговда суд назорати қандай кўринишда амалга оширилади?

	0.5
--	-----

2. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда суд назорати қандай шаклларда амалга оширилади?

	0.5
--	-----

#### КАЗУС:

ЎзР ЖКнинг 168-моддаси “в” банди билан айбланган Т. апелляция тартибида шикоят келтириб, биринчи инстанция суди ноқонуний ҳукм чиқарганлиги, Т. ушбу жиноятда унинг иштироки йўқлиги, жиноят шериги С. томонидан содир этилганлигини баён қилади. Т. айбини инкор этувчи далиллар келтиради, биринчи инстанция судида рад этилган қўшимча гувоҳларни кўрсатади. Иш апелляция суди томонидан кўриш арафасида тўсатдан оламдан кўз юмади. Апелляция инстанцияси С.нинг жиноят иши материалларини ўрганиб, жиноятни содир этиш вақтида у вояга етмаганлигини аниқлайди.

*Апелляция суди қандай ҳаракат қилиши керак?*

	1.5
--	-----

Умумий балл

	2.5
--	-----

## **6. Жиноят процессида суд муҳокамасининг босқичлари**

2-вариант

### **Назарий саволлар:**

1. Суд муҳокамасининг доирасини изоҳланг?

	0.5
--	-----

2. Жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш асосларга тўхталинг?

	0.5
--	-----

### **КАЗУС:**

Мирзо Улуғбек тумани жиноят судида Миробод туманида, Бектемир туманида ва Чилонзор туманида ўғирлик содир қилиб охир-оқибат Собир Раҳимов туманида жиноят содир қилинганлиги сабабли ўша ерда қўлга олинади. Лекин айбланувчи С. дастлабки жиноятини Мирзо Улуғбек туманида содир қилинганлиги сабабли жиноят иши бўйича судловлилик Мирзо Улуғбек туманида кўрилади деб топилган.

*Процессуал хатоликни топинг?*

Умумий балл

	1.5
--	-----

	2.5
--	-----



## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### Мустақил таълим мавзулари

1. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти
2. Жиноят-ҳуқуқий сиёсатни амалга оширишда либерализм, яъни жиноий жазоларни либераллаштиришнинг ҳуқуқий моҳияти.
3. Либерализмнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсатдаги ўрни.
4. Ўзбекистонда жиноят-ҳуқуқий сиёсат соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг босқичлари.
5. Жиноят-ҳуқуқий сиёсатни такомиллаштириш истиқболлари.
6. Жиноят-ҳуқуқий сиёсатни амалга ошириш йўналишларининг ўзига хос хусусиятлари.
7. Давлатнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсатидаги ўзгаришлар ва унинг тамойиллари.
8. Жиноий-ҳуқуқий сиёсатда хорижий ҳамкорлик ва унинг дунё миқёсидаги аҳамияти
9. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат йўналишларининг био тури сифатида: Жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал нормаларни қўллашда барча фуқаролар учун ижтимоий адолатни таъминлаш.
10. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсат каби атамаларнинг бир-биридан фарқловчи ва ўхшаш жиҳатлари.
11. Коррупция хавфсизликка таҳдид омили сифатида ва унга қарши кураш чоралари.
12. Коррупциянинг умумий сабаблари ва уни олдини олиш масалалари.
13. БМТ доирасида коррупцияга қарши курашнинг универсал халқаро ҳуқуқий асослари
14. Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқининг коррупцияга қарши курашнинг халқаро ҳуқуқий асослари
15. FATF ташкилотининг коррупцияга қарши курашнинг халқаро ҳуқуқий асослари
16. Коррупцияга қарши курашнинг минтақавий халқаро ҳуқуқий асослар
17. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашнинг халқаро

хуқуқий асослари

18. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига кўра коррупция жиноятларининг мазмун моҳияти.

19. Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро стандартлари ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари.

20. Коррупциянинг кўриниши сифатида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш жиноятлари учун жиноий жавобгарликни такомиллаштириш масалалари

21. Коррупциянинг кўриниши сифатида порахўрлик жиноятлари учун жиноий жавобгарликни такомиллаштириш масалалари

22. Коррупциянинг кўриниши сифатида “Оқ ёқалилар” жинояти

23. Валюта билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг жиноят-хуқуқий ва криминологик жиҳатлари

24. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятига қарши кураш муаммолари.

25. Тижоратда пора эвазига оғдириш ва унга қарши кураш масалалари

26. Трансмиллий жиноятчиликнинг умумий тавсифи

27. Трансмиллий жиноятчиликнинг бир тури сифатида терроризм.

28. Трансмиллий жиноятчиликнинг бир тури сифатида одам савдоси.

29. Трансмиллий жиноятчиликнинг бир тури сифатида гиёҳванд

30. воситалари ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар.

31. Трансмиллий жиноятчиликнинг бир тури сифатида кибержиноят.

32. Давлатларнинг трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш борасидаги вазивалари ва унинг хуқуқий механизмлари.

33. Жиноятчиликка қарши кураш олиб борадиган халқаро универсал ташкилотлар.

34. Ўзбекистон Республикасида трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш борасидаги муаммолар

35. Уюшган жиноий тузилмалар таркибида жиноят содир этувчи шахсларнинг криминологик тавсифи

36. Трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш борасидаги халқаро ҳужжатларнинг ўзига хос хусусияти ва уларнинг Ўзбекистон томонидан қабул қилиниши

37. БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциясининг моҳияти ва ўзига хос хусусияти

38. Трансмиллий жиноят ва уюшган жиноятчилик ўзаро боғловчи жиҳатлари.

39. Трансмиллий жиноятлар тизимида уч элементни яни халқаро жиноятлар, халқаро тусдаги жиноятлар ва чет элликлар билан боғлиқ жиноятларнинг умимий тавсифи.

40. Терроризмга қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатлар: миллий ва халқаро ҳамкорлик.

41. Жиноят процесси иштирокчиларининг функциявий таснифланиши масалалари.

42. Жиноят ишлари юритувида исботлаш жараёнининг элементлари.
43. Жиноят ишлари юритувини соддалаштириш истиқболлари.
44. Жиноят процессуал кодексини такомиллаштириш масалалари.
45. Жиноят процессида суд ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослилигини таъминлаш.
46. Дастлабки терговнинг умумий шартлари.
47. Жиноят ишини қўзғатишбосқичида исботлашнинг ўзига хос хусусиятлари
48. Дастлабки терговда қамокқа олишнинг процессуал механизми.
49. Жиноят-процессуал ҳуқуқида преюдиция институтини татбиқ этиш масалалари.
50. Жиноят процессида ҳукм
51. Суд терговида далилларни текшириш
52. Жиноят процессида суд назоратини такомиллаштириш
53. Жиноят ишини қўшимча терговга қайтаришнинг процессуал жиҳатлари
54. Жиноят процессида мажбурлов чоралари
55. Уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллашнинг процессуал механизми

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги Шарҳи
<b>Жиноят</b>	Жиноят қонуни билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади.	A culpable socially dangerous act (action or inaction) prohibited by criminal law on pain of imposing of a penalty shall be recognized as a crime.
<b>Жазо</b>	Суд ҳукми билан жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан қўлланиладиган давлат мажбурлов чораси.	A punitive measure of the state to a person found guilty of committing a crime by a sentence of a court.
<b>Криминализация</b>	Ў ёки бу ижтимоий қилмишни жиноят, деб ҳисоблаб, ЖК да ушбу қилмиш учун жиноий жавобгарликнинг белгиланиши.	To turn an activity into a criminal offense by making it illegal and determine criminal responsibility for this action in a Penal Code.
<b>Декриминализация</b>	Жазога лойиқ бўлган қилмиш учун жавобгарликнинг бекор қилинишини.	To remove an action from the legal category of criminal offence.
<b>Пенализация</b>	Жиноят деб топилган қилмишлар учун давлат томонидан нисбатан қаттиқроқ жазоларни белгилаш; жиноий жазоларнинг турлари ва миқдорларини аниқлаш.	To establish more severe penalties for acts recognized as a crime; to determine types and extent of criminal punishment.
<b>Депенализация</b>	Жиноий қилмишлар учун назарда тutilган жазо тизимидан баъзи жазоларнинг самарадор бўлмаганлиги сабабли чиқарилиши.	The removal of a penalty from the system of penalties due to the lack of efficiency.
<b>Патернализм</b>	Шахслар ҳаётининг яхшироқ бўлишини таъминлаш ёки уларни турли шикастлардан ҳимоя қилиш мақсадида шахсларнинг	The interference of a state or an individual with another person, against their will, and defended or motivated by a claim that the person interfered with will be better off or protected from

	ҳаракатларига, уларнинг хоҳишига қарши, давлатнинг ёки бошқа шахснинг аралашуви.	harm.
<b>Легаллаштириш</b>	Ҳозирда ноқонуний бўлган нарсага қарши қонуний таққни олиб ташлаш жараёни	<b>Legalization</b> (also spelled <b>legalisation</b> ) is the process of removing a legal prohibition against something which is currently not legal.
<b>Коррупция</b>	Бу шахсий фойда олиш мақсадида маълум мансаб ишониб топширилган одам томонидан амалга ошириладиган виждонсизлик кўриниши	Corruption is a form of dishonest or unethical conduct by a person entrusted with a position of authority, often to acquire personal benefit.
<b>Мансабдор шахслар</b>	Ҳукумат ёки ташкилотда маълум мансабга эга ва юқори лозимда иштирок этувчи шахс	An official is someone who holds an office in an organization or government and participates in the exercise of authority.
<b>Мансаб сохтакорлиги</b>	Сохталаштирилган буюмларни сотиш томонидан фойда олиш ёки маҳаллий тушунчаларни ўзгартириш учун товламачилик қилиш мақсади билан, ҳужжатлар, статистикалар ёки объектларни яшаш, мослаштириш ёки ўхшатишга уриниш жараёни.	Forgery is the process of making, adapting, or imitating objects, statistics, or documents with the intent to deceive for the sake of altering the public perception, or to earn profit by selling the forged item.
<b>Оқ ёқалилар жинояти</b>	Оқ ёқалиқлар жинояти деганда, юқори мавқега эга бўлган, ҳурматга сазовор шахслар томонидан содир этилувчи жиноят тури, тушунилмоғи лозим.	White collar crime may be defined approximately as a crime committed by a person of respectability and high social status in the course of his occupation
<b>Трансмиллий жиноятчилик (Transnational crimes)</b>	Уюшган характерга эга бўлиб, қоида тариқасида юқори латентлик касб этади ҳамда иқтисодий ва жиноий глобаллашув	Crimes that have actual or potential effect across national borders and crimes that are intra-state but offend fundamental values of the

	жараёнлари таъсирида бир неча мамлакатлар худудида содир этилади.	international community.
<b>Халқаро жиноят (International crime)</b>	Инсоният учун хавfli бўлган, халқаро ҳамжамиятнинг муҳим ҳаётii манфаатлари, тинчликни сақлаш учун асосий аҳамиятга эга бўлган, халқаро ҳуқуқ норма ва принципларнинг бузилишига айтилади.	Crimes which affect the peace or safety of humanity, which broke rules of international law.
<b>Терроризм (Terrorism)</b>	Аҳолининг кенг қатламларида ваҳима ва кўрқув уйғотиш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадида қўлланилади.	It is the use of violence or threat of violence in order to purport a political change.
<b>Одам савдоси</b>	Куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмом қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахнинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишдан иборат.	The recruitment, transportation, transfer, harboring or receipt of persons, by means of the threat or use of force or other forms of coercion, of abduction, of fraud, of deception, of the abuse of power or of a position of vulnerability or of the giving or receiving of payments or benefits to achieve the consent of a person having control over another person, for the purpose of exploitation.
<b>Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи</b>	Давлат органлари мансабдор шахслари томонидан маҳкумлар ва асирларга нисбатан жисмоний ёки руҳий азоб бериш.	an act committed by a person acting under the color of law specifically intended to inflict severe physical or mental pain or suffering (other than pain or suffering incidental to lawful

<p><b>муомала ҳамда жазо турларини қўллаш (Torture)</b></p>		<p>sanctions) upon another person within his custody or physical control.</p>
<p><b>Миранда қондаси</b></p>	<p>“Миранда қондаси” шахс сўроқ қилиниши олдида ёки ушлаб туриш вақтида гумон қилинувчи ва айбланувчига унинг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилишини кафолатлайди.</p>	<p>“Mirandarights” is <a href="#">a right to silence</a> warning given by <a href="#">police</a> to criminal suspects in police custody (or in a <a href="#">custodial interrogation</a>) before they are interrogated to preserve the admissibility of their statements against them in criminal proceedings.</p>
<p><b>“Хабеас корпус” институти</b></p>	<p>“Habeas Corpus amendment act” Англия парламенти томонидан қабул қилинган бўлиб, айбланувчини қамоққа олиш ҳамда фуқаронинг қамоққа олиниши ёки қамоқда сақланиши устидан суд назоратини амалга ошириш қоидаларини белгилаб берган муҳим тарихий ҳуқуқий ҳужжатдир</p>	<p>Habeas corpus (<a href="#">Medieval Latin</a> translating roughly to "You should have the body") is a <a href="#">recourse in law</a> whereby a person can report an <a href="#">unlawful detention</a> or <a href="#">imprisonment</a> before a <a href="#">court</a>, usually through a prison official.</p>
<p><b>Суд назорати</b></p>	<p>Суд назорати суднинг тергов органлари шахс ҳуқуқларини чекловчи ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини таъминлаш мақсадида текшириш ва ҳал қилиш тадбирларида акс этадиган фаолиятидир</p>	<p>Judicial control is a type of court proceeding in which a judge reviews the lawfulness of a decision or action made by a responsible participants for criminal proceedings. Judicial control is the activity of the court that the actions of the responsible participants for criminal proceedings are subject to review and possible invalidation by the judicial branch.</p>

<p style="text-align: center;"><b>Суд</b></p>	<p>Суд -Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича одил судловни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар амалга оширади</p>	<p>Court- government entity authorized to resolve legal disputes. Judges sometimes use "court" to refer to themselves in the third person, as in "the court has read the briefs." Justice on criminal cases in the Republic of Uzbekistan shall be administrated by: the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan, the Supreme Court of the Republic of Karakalpakstan, the regional, Tashkent city, district (city) courts and military courts</p>
<p style="text-align: center;"><b>Мажбурлов чоралари</b></p>	<p>Процессуал мажбурлов чоралари шахснинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган кўпгина ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ: эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини чекловчи воситадир.</p>	<p>Measures of procedural coercion – restriction of rights and obligations of person which were envisaged in the Constitution of Republic of Uzbekistan</p>
<p style="text-align: center;"><b>Эҳтиёт чоралари</b></p>	<p>Эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш; унинг бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш</p>	<p>Measures of restrain shall be applied for the purpose of preventing the evading of a defendant a from inquiry, pretrial investigation and trial, suppressing further criminal activities of defendant, preventing his attempts made to impede establishment of the issues and securing the execution of a sentence</p>



	максадида қўлланилади	
<b>Ярашув институти</b>	Ярашув – бу жиноят оқибатларини бартараф этишга қаратилган фаолият бўлиб, жабрланувчи ва айбланувчи ўртасида ўзаро келушувга эришилади.	Reconciliation is an arrangement between an accused and a victim which will be directed to prevent consequences of the crime
<b>Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси</b>	Эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш Жинояткодексидауч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.	Taking into custody as a measure of restraint shall be imposed with regard to criminal cases on the offenses punishable by imprisonment for a term exceeding three years and the unintended offenses punishable by imprisonment for a term exceeding five years in accordance with the Criminal Code
<b>Апелляция институти</b>	Суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин.	A proceeding in which a higher tribunal or court re-examines the decision of a lower tribunal or court, or of an administrative authority. The court of appeal shall examine criminal cases pursuant to complaints or protests against sentences or rulings by courts of first instance that have not taken legal effect and render ruling.

<p style="text-align: center;"><b>Кассация институти</b></p>	<p>Кассация тартибида иш юритиш — процесс иштирокчилари келтирган шикоятлар ёки прокурорнинг протести бўйича биринчи инстанция судининг қонуний қучга кирган ҳукмлари, ажримларм ва қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини текширадиган босқич</p>	<p>The court of cassation shall examine criminal cases pursuant to complaints or protests against sentences or rulings by courts of first instance that have taken legal effect and render ruling.</p>
<p style="text-align: center;"><b>Дастлабки тергов</b></p>	<p>Дастлабки тергов – судга қадар иш юритишнинг қисми бўлиб, иш ҳолатлари бўйича дастлабки тергов хулосалари суд учун дастлабки маълумот сифатида қабул қилинади. Дастлабки тергов маълумотлари айблов тусмоли бўлиб, у айблов хулосасида ўз ифодасини топади</p>	<p>A pretrial investigation is the first stage of the criminal process. The purpose of the pre-trial investigation is to quickly and fully determine all significant circumstances of a crime and identify the person who might have committed that crime. The pre-trial investigation is necessary to create the conditions for a proper hearing of the case in court. It also ensures that the rights of the various people involved in the case are respected, for example, their right to receive compensation for damages.</p>
<p style="text-align: center;"><b>Суд тергови</b></p>	<p>Суд тергови жиноят ҳодисаси, судланувчининг айблилиги масаласи ва жиноят иши учун аҳамият касб этувчи бошқа ҳолатлар ҳал этилувчи суд муҳокамасининг бир</p>	<p>Judicial investigation is a main part of the trial and there will be veriflicated evidences, will be discussed a conviction of defendant and other circumstances of the case by the judge.</p>

	босқичи бўлиб, унда суд томонлар тақдим этган далилларни, шунингдек ўзи мустақил равишда талаб қилиб олган далилларни ўрганади	
<b>Хукм</b>	Хукмсуд мажлисида судланувчининг айбдор ёки айбсизлиги ва унга нисбатан жазо қўллаш ёки қўлламаслик ҳақидаги масала хусусида чиқариладиган суднинг ҳал қилув қарордир	Sentence is the punishment given to a person convicted of a crime. A criminal sentence refers to the formal legal consequences associated with a conviction.
<b>Далилларни текшириш</b>	Иш бўйича қабул қилинадиган қарор синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилган далилларгагина асосланган бўлиши лозим. Текширув қўшимча далилларни тўплашдан иборат бўлиб, улар текшириладиган далилларни тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин.	Evidence underlying the solution of the case shall be subject to thorough, complete, comprehensive, and impartial review. The review shall be made by collection of additional evidence supporting or disproving the evidence reviewed

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Рахбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлик ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. –Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
15. Каримов. И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2007. – 318 б.
16. Каримов. И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2007. - 366 б.
17. Каримов. И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 280 б.
18. Каримов. И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар

- даражасига кўтариш сари. Т.18. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 264 б.
19. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.
  20. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т.20. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 320 б.
  21. Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т.21. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 384 б.
  22. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.-302 б.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. –40 б.
2. “Судлар тўғрисида”ги қонун. <http://www.lex.uz>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги (янги тахрир) Қонуни (29.08.2001) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2001 йил. 9-10-сон, 168-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2015.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2015.

### **Махсус адабиётлар**

1. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув кўлланма Т.: ТДЮИ, 2009. 63-79 бетлар.
2. Колоколов Н.А. Судебный контроль в уголовном процессе. –М.: Закон и право, 2009. –с.с. 45–72.
3. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув кўлланма Т.: ТДЮИ, 2009. 63-79 бетлар.
4. Mark E.Cammack and Norman M.Garland. Advanced criminal procedure. – Thomson/West, 2006. –В 483.
5. 2011 йилда қабул қилинган «Жиноят ишини юритиш чоғида камоқда сақлаш тўғрисида»ги қонуни. <http://www.lex.uz>
6. Р.Ахмедов. “Хабеас корпус” институти қўлланилиши инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ишончли кафолати. <http://oqlovchi.uz>
7. Турсунов Х. “Миранда қоидаси” бу ҳақда нимани биласиз? <http://www.minjust.uz>
8. Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi. Maxsus qism. Darslik. – Toshkent: Adolat, 2007.
9. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Т.: ILM ZIYO, 2006. – 912 б.

10. Усмоналиев М. Судланганлик, унинг ҳуқуқий оқибатлари ва либераллаштириш муаммолари. Ўқув қўлланма.–Т.: Янги аср авлоди, 2005. – 58 б.
11. Базарбаева Г. Дифференциация ответственности в уголовном праве // Ҳуқуқ – Право – Law. 2005.
12. Лопашенко. Н. А. Уголовная политика: понятие, содержание, методы и формы реализации. Уголовное право в XXI века. М., Лекс Эст, 2009.
13. Scots Criminal law, 2009. Pamela R Ferguson and Claire McDiarmid, Dundee University Press.
14. W. Kymlicka, Multicultural Citizenship: A Liberal Theory of Minority Rights (1995), page 80.
15. An introduction to international law and procedure, 2007. Robert Cryer, Cambridge University Press.
16. The Criminal Law. Handbook. Fifth edition. Paul Bergman and Sara J. Berman-Barrett. Consolidated Printers, Inc. USA, 2003

#### **ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИ**

1. <http://www.gov.uz>
2. <http://www.lex.uz>
3. <http://oqlovchi.uz>
4. <http://www.minjust.uz>
5. <http://www.legislature.ru>
6. <http://www.law.uk.edu>
7. <http://www.juristlib.ru>
8. <http://www.crime-research.ru>
9. <http://www.osp.ru>
10. <http://ur-help.narod.ru/hacker.html>
11. <http://russianlaw.net>
12. <http://www.outpost-of-freedom.com>